

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
А К А Д Е М И Я

*Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигининг 25 йиллигига  
бағишланади*

У. Э. ФОЗИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК  
ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*ЎҚУВ ҚЎЛЛАММА*

ТОШКЕНТ – 2016

*Тақризчилар:*

юридик фанлар номзоди, доцент **М. К. Нажимов;**  
юридик фанлар номзоди, доцент **И. Э. Хўжаназаров**

**Фозилов У. Э.**

Ф-74 **Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари:** Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 135 б.

Ушбу қўлланмада «фуқаролик жамияти» тушунчаси, у тўғрисидаги асосий сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар, унинг ўзига хос белгилари ва хусусиятлари, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг конституциявий асослари, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу шароитда қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари, фуқаролик жамияти институтлари тизимини ҳамда улар фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган масалалар атрофлича ёритилган.

Қўлланма олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилари, тингловчи ва талабаларига ҳамда амалиётчи мутахассисларга мўлжалланган.

**ББК 67.99(5У)Оя73**

© У.Э.Фозилов, 2016

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.

## СЎЗ БОШИ

Мустақил Ўзбекистон ўз давлатчилиги тарихида туб бурилиш ясаб, дунёвий давлатчиликнинг юксак даражаси бўлган демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишни қатъий мақсад қилиб қўйди. Бундай жамиятда инсон ҳуқуқлари, эрки, шаъни ва кадр-қиммати олий неъмат ҳисобланади, уларни амалда таъминлаш ва ҳимоя қилиш Конституция ҳамда қонунларнинг устунлиги асосида амалга оширилади.

Биз бугун мустақил давлат ва жамият қуриш, халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида тарихан қисқа даврда ҳақиқатан ҳам ўн йилларга, балки асрларга тенг келадиган йўлни – масофани босиб ўтдик, десак, асло муболаға бўлмайди. Ўз вақтида, бизнинг тақдиримиз ҳал бўлаётган ўта оғир ва хатарли бир замонда, турли хомхаёллардан воз кечиб, бизга кўрсатилган тазйиқ ва зўравонликларга қарамасдан, бугунги кунда дунёда тараққиётнинг «Ўзбек модели» деб тан олинган, демократик давлат, эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, халқимизнинг ҳаёт даражасини муносиб босқичга кўтариш бўйича чуқур ўйланган ривожланиш йўлимизни қатъий белгилаб олганимиз, ҳеч шубҳасиз, том маънода тарихий ютуғимиз бўлди<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари изчил давом этмоқда<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида қисқа давр ичида миллий давлатчилик ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. «Биз

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Эришган марралар билан чегараланмасдан, бошлаган ислохотларимизни янги босқичга кўтариш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. Т.23. – Т., 2015. – Б.269.

<sup>2</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015. – Б.4.

учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниб бир вақтнинг ўзида амал қилади»<sup>1</sup>.

Республикамизда мустақиллик қўлга киритилганидан кейинги ривожланиш даврида жамият ва давлатни бошқариш ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида демократик ислохотларни амалга оширишда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий талаби ҳам ҳокимиятни бошқаришда халқнинг бевосита иштирокини таъминлашдан иборатдир.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш, албатта, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, айниқса, унинг сиёсий соҳасида демократик ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишни тақозо этади. Шубҳасиз, бу йўл демократия ва эркинликнинг умум эътироф этилган асосий принципларига таянилади. Айни пайтда, мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва диний хусусиятларига ҳамда халқимизнинг дунёқарашига асосланилади<sup>2</sup>. Бунда давлат ташқи сиёсат, мудофаа, мамлакат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, молия ва солиқ тизимини такомиллаштириш, қонунлар қабул қилиш каби умуммиллий вазифаларни амалга оширишни ўз зиммасида сақлаб қолади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, айниқса, фуқароларнинг эркин ва қонун асосида фаолият юритишини таъминлашга қаратилган демократик ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Фуқаролик жамиятини ривожланти-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997. – Б.173.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. – Т., 2006. – Б.70.

риш учун эркинлаштириш, миллий қадриятлар ва анъаналарни уйғунлаштириш асосида ислохотларни чуқурлаштиришнинг «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамият сари» концептуал тамойилига асос солинди. Мамлакатдаги ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналиши сифатида «давлатнинг ролини изчил равишда камайтириб бориш ва айна пайтда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалланинг фаолият кўлами ҳамда ваколатларини кенгайтириш, аҳоли турли қатлам ва гуруҳларининг туб манфаатларини ифодалайдиган ва ҳимоя қиладиган сиёсий ва ижтимоий институтлар, нодавлат, ноҳукумат тузилмалар ролини кучайтириш»<sup>1</sup> йўли танланди.

Зеро, Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, « ... юксак демократик талабларни ҳаётимизга тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти барпо қилиш, фаровон ҳаётга эришиш – буларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва узлуксиз давом этадиган жараён бўлиб, бундай даражага кўтарилиш ҳеч қачон осонликча кечмаслигини барчамиз яхши тушунамиз»<sup>2</sup>.

Ушбу ўқув қўлланмани яратишдан асосий мақсад Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида ўқувчиларга атрофлича маълумот беришдан иборат.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т., 2009. – Б.31–32.

<sup>2</sup> *Каримов И.А.* Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т., 2007. – Б.246.

# ***I боб. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ***

## **1.1. «Фуқаролик жамияти» тушунчаси ва унинг моҳияти**

Фуқаролик жамияти ҳақидаги таълимотларнинг ривожланиш тарихи жуда узоқларга бориб тақалади, моҳияти эса мураккаб ва серкиррадир. «Фуқаролик жамияти» тушунчаси ва унинг моҳияти ҳақидаги таълимотларни кўриб чиқишда эътиборни, аввало, уларнинг турлича талқин этилганига қаратамиз. Фуқаролик жамияти моҳияти ҳақидаги таълимотларнинг бир-биридан фарқ қилиши, *биринчидан*, уни ўрганишда турлича методологик ёндашувлар бўлганлиги, *иккинчидан*, бу таълимот инсоният ривожланишининг қайси даврида амалга оширилганлиги, яъни фуқаролик жамиятининг мазмуни ва моҳиятини талқин қилиш ўша вақтда ҳукмрон бўлган ғояларга асосланган ҳолда амалга оширилганлиги билан боғлиқдир.

«Жамият» ва «фуқаролик жамияти» тушунчаларини айнан бир хил талқин қилмаслик лозим. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожини инсоният, давлат, ҳуқуқ тарихининг муайян цивилизациялашган даври билан бевосита боғлиқ. Давлатдан фарқли ўлароқ, жамият ҳамиша мавжуд бўлган. Лекин ҳар доим ҳам у фуқаролик жамияти мақомига эга бўлмаган<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланганидек, фуқаролар мустақил шахс, жамиятнинг мустақил аъзоси сифатида муайян ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган, ўз хатти-ҳаракати учун масъулиятни ҳис қила олганларидагина фуқаролик жамияти ҳақида сўз юритиш мумкин. Фуқаролик жамияти ҳақида яратилган адабиётларда кўрсатилишича, инсоният, хусусан Ғарб цивилизациясининг фуқаролик жамият сари ривожланиши маълум ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, жумладан инқилоблар орқали кечган. Албатта, бу жараён жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа соҳаларида ўзгаришлар юз беришига олиб келган.

Фуқаролик жамиятида хусусий мулкчилик ғоят катта аҳамиятга эга, чунки шахс мулкдор бўлсагина давлат ҳокимиятига нисбатан ўзини мустақил сезади, қонунда кўрсатилган асосларда ўз манфаатларини

---

<sup>1</sup> Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т., 2003. – Б.9.

ҳисобга олиб, хоҳлаган иши билан шуғулланиши, исталган касбни эгаллаши, ўзи танлаган жойда яшаши мумкин. Маълумки, фуқаролик жамиятида давлат инсонни муносиб ҳаёт кечириш учун зарур бўлган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликлар билан таъминлайди. Фуқаролик жамиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрият эканлиги амалда таъминланади. Шу боис ҳам фуқаролик жамиятида унинг аъзолари – «инсон», уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари эса «инсон ҳуқуқлари» деб аталади.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамиятнинг таркибий қисми бўлган давлат эса фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлайди. Ҳар икки ҳолда ҳам гап шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида боради. Лекин *биринчи* ҳолатда ҳар бир шахснинг алоҳида инсон сифатида яшаш, эркинлик ва дахлсизлик, бахтли ҳаёт кечириш ва бошқа табиий ҳуқуқлари ҳақида, *иккинчи* ҳолатда эса шахснинг жамият ва давлатни бошқаришда иштирок этишини таъминловчи сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида сўз юритилади.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга ва унинг доимо тараққий этиб боришига жуда катта аҳамият берилади. Унинг асосий мақсади инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини, барча ҳаётининг орзу-мақсадлари шу жамиятдаги сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институт, гуруҳ, оила ва бошқа жамоат бирлашмалари орқали амалга оширилишини таъминлашдир. Бу сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институтлар ва гуруҳлар ҳар бир инсонга унинг ўзи яшаётган жамиятда ҳокимиятнинг манбаи эканлигини, ҳуқуқ ва эркинликлари, қобилияти ва ҳаракати, обрўси юксак қадрият эканлигини тушунтиришга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу ташкилот ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар<sup>1</sup>.

**Фуқаролик жамияти** давлатнинг фуқаролари, уларнинг ихтиёрий равишда бирлашган гуруҳ, жамоа ва ташкилотлари, яъни ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ, юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган кишилардан иборат жамиятдир. Фуқаролик жамияти нафақат давлатнинг мажбурлов кучи билан, балки унинг аъзолари бўлмиш фуқароларнинг бевосита ўзлари, уларнинг жамоалари орқали онгли равишда бошқариб туриладиган ва қатъий тартиб-

---

<sup>1</sup> Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2001. – Б.236–238.

интизом қарор топган жамиятдир. Бундай жамият бошқа жамиятлардан ўзини ўзи юксак даражада ташкил этиши ва бошқариб туриши билан ажралиб туради. Фуқаролик жамиятига давлатнинг кучли таъсири талаб этилмайди. Унда давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари кенг жамоатчилик назоратида бўлади, чунки давлат фуқаролар жамиятининг «ёлланма хизматкори»га айланади.

Маълумки, давлат фуқаролардан, улар меҳнат қиладиган ташкилот, корхона ва муассасалардан олинадиган солиқлар ҳисобига яшайди. Шу боис фуқаролик жамиятида фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари нафақат жамиятнинг сиёсий, балки иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётини ҳам бошқаришда фаол иштирок этади.

Бинобарин, барча кишилиқ жамиятларини ҳам фуқаролик жамияти деб атаб бўлмайди. Фуқаролик жамияти, аввало, юксак даражадаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланиш кўрсаткичларига эга бўлган жамиятдир<sup>1</sup>. Фуқаролик жамияти – инсоният жамиятининг олий кўриниши, олий шакли<sup>2</sup>.

Ҳуқуқий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, собиқ Иттифоқ давлати, шу жумладан ўша вақтда унинг таркибида бўлган Ўзбекистонда ҳам XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб «фуқаролик жамияти» тушунчаси ҳақида фикрлар кенг тарқала бошлади. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан бораётган бугунги кунда фуқаролик жамиятининг мазмуни ва моҳияти, уни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар кўплаб мунозараларга мавзу бўлмоқда.

Айрим олимлар «фуқаролик жамияти» тушунчасини, унинг мазмуни ва моҳиятини тушунтиришда фуқаролик жамияти ва сиёсий жамият ўртасидаги фарқни кўрсатишга ҳаракат қилсалар, бошқа олимлар кенг маънодаги фуқаролик жамиятини давлатга қарама-қарши ҳодиса сифатида талқин қиладилар.

Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, «жамият» тушунчаси фуқаролар уюшмаси сифатида фуқаро ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлган даврларда – Қадимги Шарқда, хусусан Бобилда «Ҳаммурапи қонунлари», Турон заминида «Авесто» каби манбаларда, кейинчалик эса қадимги Римда – шакллана бошлаганига гувоҳ бўламиз.

---

<sup>1</sup> Кўрсатилган манба. – Б.50–51.

<sup>2</sup> *Шарифхўжаев М.* Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т., 2003. – Б.9.



Ҳуқуқий ва тарихий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, қадимда давлат билан фуқаролик жамияти бир маънони англатган, улар ўртасида фарқ бўлмаган. Буюк юнон файласуфи Арастунинг фикрича, давлат фуқароларнинг, фуқаролар жамиятининг уюшмасидан бошқа нарса эмас. У «давлат» билан «фуқаролик жамияти» тушунчаларини бир маънода ишлатади<sup>1</sup>. Бундай талқин XVIII асргача, яъни фуқаролик жамиятининг мазмуни ва моҳиятини тўлиқ акс эттирувчи бугунги тушунча шакллангунича давом этган.

Фуқаролик жамияти ҳақидаги фикрлар Уйғониш даврида Г. Гроций, Т. Гобсс, Ж. Локк, Ш. Монтескьё, Ж. Ж. Руссо асрларида ҳам ривожлантирилган. Лекин «фуқаролик жамияти» атамаси фақат XVII асрнинг охирларига келиб мунтазам ва кенг қўлланила бошланди.

Фуқаролик жамиятининг назарий асосларини мукамал илмий таълимот сифатида илк бор Гегель ўзининг «Ҳуқуқ фалсафаси» номли машҳур асарида яратди. Гегель фуқаролик жамияти икки асосий принципга асосланишини исботлаб беради. Унинг фикрича, фуқаролик жамиятида, *биринчидан*, индивидлар, яъни одамлар фақат ва фақат ўз хусусий манфаатларини кўзлаб фаолият юритадилар; *иккинчидан*, жамият аъзолари ҳисобланган одамлар ўртасида ижтимоий алоқалар юзага келади ва улар табиий равишда бир-бирларига муҳтожлик ҳис этишади.

Фуқаролик жамияти ҳақидаги Гегель таълимотига асосан, инсон, яъни фуқаро ўз ижтимоий мавқеи, шахсий манфаатлари ва эҳтиёжлари билан бундай жамиятнинг асосини ташкил қилади.

Академик М. Шарифхўжаев таъкидлаганидек, Гегелнинг фуқаролик жамияти ҳақидаги қарашлари «фуқаролик жамияти» атамаси ҳамда бу сўз бирикмасининг этимологиясидан келиб чиққан. Немисча «*Bürgerliche Gesellschaft*» (Буржерлеске беселлшафт) икки маънога эга, яъни буржер (буржуа) – ҳам фуқаро, ҳам буржуа демакдир<sup>1</sup>.

Гегелнинг фикрича, «фуқаролик жамияти – энг аввало, хусусий мулкка асосланган эҳтиёжлар тизими, шунингдек оила, табақа, давлат тузуми, ҳуқуқ, ахлоқ, бурч, маданият, таълим-тарбия, қонунлар ва улардан келиб чиқадиган инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқалардан иборат». Унинг таъбири билан айтганда, табиий, «маданиятсиз»

---

<sup>1</sup> *Аристотель*. Политика. Ч. III. – М., 1965. – С.5.

<sup>1</sup> *Шарифхўжаев М.* Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т., 2003. – Б.10.

ҳолатдан одамлар фуқаролик жамиятига кириб келишлари керак, зеро, ана шу жамиятда ҳуқуқий муносабатлар ҳақиқатга айланади<sup>1</sup>.

Инсон, унинг жамиятдаги роли, функциялари, мақоми Гегель таълимотининг асосий унсури сифатида майдонга чиқади. Гегель қарашларига мувофиқ, алоҳида шахс ўзи учун ўзи мақсад бўлиб, унинг фаолияти энг аввало ўзининг (табиий ва ижтимоий) эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади. Айти пайтда, у ўз эҳтиёжларини фақат бошқа одамлар билан муайян муносабатларда бўлган ҳолатдагина қондира олади. «Фуқаролар жамиятида ҳар кимнинг ўз муносабати ўзи учун мақсад бўлиб, қолганлар унинг учун ҳеч нарса эмас. Лекин инсон бошқалар билан муносабатда бўлмасдан ўз мақсадларига тўла эриша олмайди»<sup>2</sup>.

Фуқаролик жамияти кишилик жамиятининг энг юксак шакли ҳисобланиб, у ўз ичига аъзоларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш мақсадида ихтиёрий равишда бирлашган турли гуруҳлар, уюшмалар, бирлашмалар каби таркибий қисмларни қамраб олади. Улар, ўз моҳиятига кўра, жамиятда инсонпарварлик ва адолатлилик принципларига асосланган ҳамжамиятни ифода этади. Фақат шундай жамиятгина ҳар бир инсонга ўзи учун олий фаровонлик топиш имконини яратиб беради.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари юқори даражада таъминланган ривожланган демократик давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, фуқаролик жамияти шахсий ҳокимият режимига, ўзбошимчалик, синфий нафрат, тоталитаризм, одамлар устидан зўравонликка ўрин бўлмаган, қонун, ахлоқ, инсонпарварлик ва адолат тамойилларини ҳамма ҳурмат қиладиган эркин, демократик, ҳуқуқий, цивилизациялашган жамиятдир. Бу – аралаш иқтисодиётга эга бўлган кўп укладли рақобатли бозор жамияти, ташаббускор тадбиркорлик, турли ижтимоий қатламлар муносабатларининг оқилона мувозанати таъминланган жамият.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, фуқаролик жамиятида фуқароларнинг давлат олдидаги мажбуриятлари асосан амалдаги қонунларга итоат қилиш, қонунларда белгиланган солиқ ва йиғимларни тўлаш ҳамда бошқа инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишдангина иборат бўлади.

Албатта, ҳаётда муайян вазият ва муносабатларда фуқароларнинг ўз ижтимоий, меҳнат, тадбиркорлик ва бошқа турдаги фаолиятлари,

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Гегель*. Работы разных лет. – М., 1973. – С.50

<sup>2</sup> Қаранг: *Гегель*. Философия права. – М., 1990. – С.228

шунингдек хизмат, ҳарбий, оилавий бурчларини адо этишлари билан боғлиқ бошқа мажбуриятлари ҳам юзага келади. Лекин бундай жамиятда инсонлар ўртасида пастдан юқорига (вертикал) эмас, балки тенгма-тенг (горизонтал) алоқалар кўпроқ бўлади.

Фуқаролик жамияти фуқаро ва унинг эркинликларидан бошланади. Фуқаролик жамиятини шакллантириш эҳтиёжлари, аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳаётда амал қилишини мукаммал равишда ташкил этиш заруратидан келиб чиққан<sup>1</sup>. «Фуқаро» сўзининг ўзи шахснинг мустақиллиги, тенг ҳуқуқчилиги, шаъни ва ўз-ўзини ҳурматлашининг синоними сифатида янграйди. Бундай жамият ҳамиша турли табақавий бўлинишлар, одамларнинг тенгсизлиги, ҳуқуқларининг чекланишига қарши қўйилган. Фуқаролик жамиятининг асоси бўлган инсоннинг «фуқаро» мақомига эга бўлиши унга шу жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган бурч, масъулият юклайди. Бу эса аввало халққа, Ватанга хизмат қилиш билан боғлиқдир. Шунинг учун жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича кўп қиррали фаолиятимиз марказида инсон, суверен Ўзбекистон фуқароси туради. Ислоҳотларнинг мазмуни ҳар бир фуқаро ўз қобилияти ва истеъдодини намоён этишига, шахс сифатида ўзини кўрсатиш имкониятига эга бўлишига қаратилган. Сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги барча ўзгаришлар айна мана шу олий мақсадга – ҳар бир кишининг ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий жиҳатдан бойроқ қилишга бўйсундирилган<sup>2</sup>.

Ҳуқуқий адабиётларда кўрсатилишича, фуқаролик жамияти учун яна икки принцип – «айбсизлик презумпцияси» ва «қонунда тақиқланмаган ҳамма нарсага ижозат берилади» деган қоидалар мавжуд. Мазкур принципларнинг *биринчисига* мувофиқ, одам белгиланган тартибда айби исботманлагунича, ҳалол, айбсиз ҳисобланади. Боз устига, исботлаш машаққатлари ҳам айбловчилар зиммасига тушади. *Иккинчи* принцип эркин фуқаро қонун ва ахлоққа зид келмайдиган ҳар қандай ҳаракатларни қилишга ҳақли деган маънони билдиради.

**Фуқаролик жамияти** сиёсийлашув ва мафкуралашувдан холи жамиятдир. Бироқ, бу мазкур жамият ҳеч қандай сиёсат юритмайди, аниқ ғоя ёки қарашлардан фойдаланмайди ёхуд улардан қайси бир-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Қирғизбоев М. Демократик кўппартиявийлик ва парламентаризм тамойилларини ривожлантириш масалалари // Ўзбекистон: фуқаролик жамияти сари. – Т., 2003. – Б.204.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т., 1996. – Б.352–353.

ларинидир афзал кўради ёки кўрмайди, деган маънони асло билдирмайди. Фуқаролик жамиятига мафкуравий яккаҳокимлик бегона эканлиги бошқа масала. Ҳеч бир мафкура, агар у ягона ва энг тўғри, нуқсонсиз ва танҳо яшашга ҳақли деб тақдим этилган тақдирда ҳам, истисноликка даъво қилолмайди<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамиятининг моҳияти тўғрисида бугунги кунда ҳам олимлар ўртасида бир-биридан фарқ қилувчи турли фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Академик М. Шарифхўжаев фуқаролик жамияти тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларни қуйидаги йўналишларга ажратади: а) фуқаролик жамиятининг шаклланиши давлатга боғлиқ бўлмаган ҳолда, демократик тараққиётнинг илк даври, бозор муносабатларининг биринчи босқичи; б) демократия шароитида давлат билан жамият ўртасидаги зиддиятлар бартараф этилган бўлиб, демократик-ҳуқуқий мақомга эга давлат – фуқаролик жамиятининг нормал бир кўринишига айланган сиёсий институт; в) фуқаролик жамияти, умуман, ҳозирги тараққий этган жамиятнинг айнан ўзи; г) жаҳон ҳамжамиятининг келажакдаги таркибий асосларини яратиш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий омилларидан биридир<sup>2</sup>.

Фуқаролик жамияти тўғрисидаги мазкур фикр-мулоҳазаларда унинг моҳиятини очиб бериш учун умумлаштирилган ягона бир мезон йўқ. Бугунги кунда фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий адабиётларда фуқаролик жамиятига таъриф бериш, унинг моҳиятини тушунтириш ва Ўзбекистонда бундай жамиятни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишга фаол ҳаракат қилинмоқда.

Ҳуқуқшунос Ҳ. Т. Одилқориев фуқаролик жамиятига таъриф бериш ва унинг моҳиятини ёритишда бундай жамиятда давлат, инсон ҳамда нодавлат ташкилотлар тизимининг ўрни, уларнинг ўзаро муносабати ва алоқаларини илмий асосланган ҳолда батафсил тушунтириб беради. Унинг фикрича, фуқаролик жамияти ижтимоий ҳаётнинг давлат таъсири ва аралашувидан, маъмурий тазйиқлардан холи бўлган ҳамда инсонларнинг хусусий турмуш соҳасини ташкил этувчи муносабатлар мажмуидир. Фуқаролик жамияти давлатдан мустақил муносабатлар ва воситалар тизими бўлиб, у шахс ҳамда жамоат ташкилотларининг ижтимоий, маданий, маърифий ҳаёт соҳаларидаги хусусий

---

<sup>1</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б. Бобоев, Ҳ.Т. Одилқориев. – Т., 2000. – Б.462–463.

<sup>2</sup> Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т., 2003. – Б.10.

манфаат ва эҳтиёжларини амалга ошириш учун шароит яратади. Фуқаролик жамияти аксарият ҳолларда инсонларнинг хусусий манфаат ва эҳтиёжлари соҳаси сифатида таърифланади. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий кўпчилик қисми мана шу хусусий ҳаёт соҳасида рўёбга чиқади. Бироқ, бу шахсларнинг ижтимоий ҳаётдан ажралиб қолганлиги, бегоналашганлигини англамайди. **Фуқаролик жамияти** – шахсларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки улар ўртасидаги ранг-баранг алоқалар, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ифодаси. Мазкур муштараклик ва ҳамжиҳатлик ташкилий-институциявий кўринишга эга бўлиб, унга турли ижтимоий кучлар, нодавлат ташкилотлар, бирлашмаларнинг мавжудлиги хос<sup>1</sup>.

Россиялик олима Л. А. Морозова фуқаролик жамиятига инсонларнинг турли-туман манфаатларини ифодаловчи, маданий, миллий, диний, ҳудудий ва бошқа хусусиятларга эга бўлган ижтимоий гуруҳлар, бирлашмалар ҳаракат қиладиган, давлатга қарам бўлмаган, нисбатан мустақил жамият деб таъриф беради<sup>2</sup>. Шунингдек, Россияда чоп этилган бошқа адабиётларда ёзилишича, фуқаролик жамияти давлатга қарши тура оладиган, унинг фаолиятини назорат қила оладиган, жамиятдаги ўрнини белгилаб бера оладиган, бошқача айтганда, ўзининг давлатини ҳуқуқий давлат сифатида сақлай оладиган жамиятдир<sup>3</sup>.

Таниқли олим М. Қирғизбоев ҳозирги замон илғор демократик давлатлар ҳудудида шаклланган фуқаролик жамиятлари тўғрисидаги тасаввурларга асосланган ҳолда фуқаролик жамиятини қуйидагича тавсифлайди: *биринчидан*, жамият ҳаёти ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошланғич нодавлат тизимларини қамраб олган инсоний бирлик; *иккинчидан*, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқаришга оид, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуаси; *учинчидан*, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазйиқлари, аралашувлари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамияти

---

<sup>1</sup> *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – Б.164–165; Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б. Бобоев, Ҳ.Т. Одилқориев. – Т., 2000. – Б.453–467.

<sup>2</sup> Қаранг: *Морозова Л.А.* Основы государства и права. – М., 2004. – С.65.

<sup>3</sup> Қаранг: *Общая теория государства и права: Учебник / А.Ф. Вишневский, Н.А. Горбатов, В.А. Кучинский.* – М., 2004. – С.534.

бўлиб, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўладилар<sup>1</sup>.

«Фуқаролик жамияти – ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний кадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий кадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий жамият»<sup>2</sup>.

Тўғри, фуқаролик жамиятига таъриф бериш билан унинг моҳиятини тўлиқ очиб бериб бўлмайди. Шу боис бундай жамиятни барқарор ривожланиши ва аъзоларининг эркин яшаши ҳамда фаолият кўрсатишини, шу билан бирга, конституциявий мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайдиган асосий принциплар ва умумий ғояларни аниқлаш орқали тушунтириш мақсадга мувофиқдир.

Бу борада академик М. Шарифхўжаев фуқаролик жамияти қаерда, қачон мавжуд бўлишидан қатъи назар, унинг қуйидаги умумий ғоя ва принципларга асосланишини таъкидлайди: иқтисодий эркинлик, турли мулк шакллари, бозор муносабатлари; инсон ва фуқароларнинг табиий ҳуқуқларини сўзсиз тан олиш ҳамда ҳимоя қилиш; ҳокимиятнинг эркинлиги ва демократик хусусияти; қонун ва одил судлов олдида ҳамманинг тенглиги, шахснинг зарурий ҳуқуқий ҳимояси; ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши ва улар ўртасидаги ўзаро алоқага асосланган ҳуқуқий давлат; сиёсий ва мафкуравий плюрализм, очик муҳолифатнинг мавжудлиги; сўз ва матбуот эркинлиги; давлатнинг фуқаролар ҳаётига аралашмаслиги, улар ўртасидаги ўзаро масъулият ва мажбуриятлар; ижтимоий барқарорлик, тинчлик, ҳамкорлик ва миллий тотувлик; одамларга муносиб ҳаёт шароити яратиш берилишини таъминловчи самарали ижтимоий сиёсат<sup>3</sup>.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги даврда республикамизда янги ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш борасида юқорида санаб ўтилган умумий ғоя ва принципларнинг назарий асосларини яратиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш

---

<sup>1</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998. – Б.12.

<sup>2</sup> Одилқориев Ҳ.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – Б.172.

<sup>3</sup> Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т., 2003. – Б.19.

борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда ўтказилаётган туб иқтисодий ислоҳотларда ўз аксини топаётган иқтисодий сиёсат пировард натижада демократик ислоҳотлар қилиш, кучли суверен ҳуқуқий давлат барпо этиш учун мустаҳкам моддий негиз яратишга йўналтирилган. Мақсадимиз – демократик, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш. Бу бизнинг эзгу орзуимиз, стратегиямиздир<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг моҳияти, биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат билан муносабати, биз орзу қилаётган эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий омиллари, ўзига хос жиҳатлари ва у билан боғлиқ бўлган барча назарий ҳамда амалий масалалар бўйича Президентимиз Ислон Каримовнинг илмий асосланган ғоялари, фикр-мулоҳазалари ва кўрсатмалари ушбу мавзунини ўрганаётган фалсафа, сиёсатшунослик, жамиятшунослик, ҳуқуқ ва бошқа ижтимоий фанлар учун методологик асос сифатида шаклланди, десак адашмаймиз. Биз бунинг тасдиғини Ислон Каримовнинг фуқаролик жамиятини ривожлантириш билан боғлиқ айрим масалалар бўйича айтган қуйидаги фикр-мулоҳазаларида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишдан иборатдир<sup>2</sup>. Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифаларнигина амалга оширади. Мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш шулар жумласидандир<sup>3</sup>.

Биз жамиятни қонунлар ёрдамида бошқаришни ўрганиб олишимиз керак. Қонун ижтимоий ҳаётни, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситаси бўлиб қолиши лозим. Бунинг учун биз чуқур ўйлаб ишланган, ҳар томонлама асосланган, узоқ муддат амал қиладиган қонунларга эга бўлишимиз даркор<sup>4</sup>. Қонунга амал

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т., 1995. – Б.246–247.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т., 1996. – Б.177.

<sup>3</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т., 1996. – Б.12.

<sup>4</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т., 1995. – Б.32.

қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишни ўрганишимиз, ўз ҳуқуқ ва эркинликларимизни қонун орқали ҳимоялашни, ўз мажбуриятларимизни оғишмай бажаришни ўрганиб олишимиз зарур. Бошқа одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўрганиб олиш лозим. Қонун устуворлиги тантана қилишига, унга оғишмай риоя этиш эса ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлиб қолишига эришишимиз керак<sup>1</sup>.

Биз ислоҳотларни чуқурлаштириш, демократик туб ўзгаришлар йўлидан олға силжиш, ҳаётимизда асл демократик қадриятлар қарор топаётгани тўғрисида гапирганда, аввало, фуқаролик жамияти асосларига ўтиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш муассасаларини бутун чоралар билан кенгайтиришни назарда тутамиз. Бу барча ислоҳотларимизнинг асосий моҳияти ва бош мантиғидир<sup>2</sup>.

Бугун эришилган марралардан туриб, ўз олдимизга демократик сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифасини кўяр эканмиз, пировард мақсадга эришиш – фуқаролик жамияти қуриш заруратидан келиб чиқиб иш тутмоғимиз даркор. Яъни, шундай давлат ва ижтимоий тузилма яратиш керакки, унда кучли марказий ҳокимият ўз саъй-ҳаракатларини мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқароларнинг хавфсизлиги, тартиб-интизом, ташқи сиёсат, валюта-молия, солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва жамиятнинг бошқа стратегик вазифаларини амалга ошириш сингари асосий умуммиллий вазифаларга қаратмоғи зарур. Бошқа масалаларни ҳал этиш эса аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши лозим<sup>3</sup>.

## **1.2. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги асосий сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар**

Фуқаролик жамияти муаммоси инсониятнинг оқил кишиларини асрлар давомида қизиқтириб келган муҳим илмий муаммолар қаторига киради.

Инсоният тараққиёти шуни кўрсатадаки, кишилик жамияти пайдо бўлганидан шу бугунгача маълум бир тарихий даврларда жамият бар-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т., 1996. – Б.202.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т., 1996. – Б.183.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т., 1997. – Б.129–130.



қарор ривожланган ва тараққий этган, муайян бир даврларда эса таназзулга юз тутган. Бугунги кунда жамиятнинг тўла-тўқис ривожланиши, унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва бошқа барча соҳаларидаги муносабатларни тартибга, жараёнларни эса тўғри йўлга солиш учун давлатнинг Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган, келажакка йўналтирилган асосий йўналишларни белгилаб олиш зарур бўлади. Ана шундай йўналишлардан бири демократик фуқаролик жамияти яратиш ёки, бошқача айтганда, – **«Кучли давлатдан кучли жамият сари»** деган принципни ҳаётга жорий этиш демакдир<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш узоқ давом этадиган мураккаб жараёндир. Бунда биз, албатта, фуқаролик жамияти тўғрисидаги илғор таълимотларга таянишимиз ва уларни янада бойитган, мукамаллаштирган ҳолда ҳаётга татбиқ этишимиз керак. Фуқаролик жамияти ҳақидаги ғоялар хилма-хил бўлиб, уларнинг шаклланиши узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Фуқаролик жамияти ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожланиши одатда даврларга бўлиб тадқиқ этилади<sup>2</sup>.

Фуқаролик жамияти ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар шартли равишда икки йўналишга тақсимланади. *Биринчиси*, Ғарб мутафаккирларининг фуқаролик жамияти ва у билан боғлиқ масалалар ҳақидаги таълимотлари, *иккинчиси* Шарқ мутафаккирларининг «адолатли жамият» ва у билан боғлиқ масалалар ҳақидаги таълимотларидир. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотларни ўрганишга бундай ёндашув, *биринчидан*, Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари мавжудлиги билан боғлиқ бўлса, *иккинчидан*, ривожланган Ғарб демократик жамиятларининг шаклланиши ҳақидаги таълимотлар халқимизнинг ахлоқи, урф-одатлари, қадриятлари, менталитети, тафаккурига қанчалик мос келишини аниқлаш имконини беради, *учинчидан*, турли сабабларга кўра ҳозирги кунгача ҳам кўпчиликка номаълум бўлган Шарқ мутафаккирларининг адолатли жамият ҳақидаги таълимотларини жаҳон илмий жамоатчилигига тақдим этиш ва ундан Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамияти-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т., 2003. – Б.27.

<sup>2</sup> Қаранг: Худайбердиева А.Н. Эволюция политико-правовых идей о гражданском обществе: вопросы теории и практики: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2007. – С.12–16.

ни ривожлантириш жараёнида бевосита фойдаланиш имкониятларини очиб беради.

«Фуқаролик жамияти» тушунчасини илмий ва сиёсий-ҳуқуқий муомалага Арасту киритган. У фуқаролик жамиятини сиёсий тузумнинг маълум шакли орқали ўзаро боғланган эркин ва тенг ҳуқуқли фуқаролар уюшмаси сифатида таърифлаган<sup>1</sup>.

Буюк файласуф фуқаролик жамиятини фалсафий нуқтаи назардан ўрганган. У давлатга таъриф бериш жараёнида, аввало, «фуқаро» тушунчасини изоҳлаб ўтади. Унинг назарида давлат фуқаролар мажмуи, уларнинг жамоасидир<sup>2</sup>. Жамият билан давлатни бир маънода тушуниб, бундай таърифлашнинг назарий-ғоявий манбаи қадимги фалсафий фикрларга бориб тақалади.

Фуқаролик жамияти тўғрисидаги таълимотлар XVII–XIX асрларда яшаб ижод қилган Г. Гроций, Т. Гоббс, Б. Спиноза, Ж. Локк, Ш. Монтескьё, Ж. Ж. Руссо, И. Кант, Ф. В. Гегель каби олимларнинг асарларида ҳар томонлама ёритиб берилган.

«Фуқаролик жамияти» тушунчаси фақат XVIII асрнинг охирларида фанда барқарорлашди. Европа ижтимоий фикри тараққиётида фуқаролик жамияти мутлақ ҳукмрон давлат тизимига қарама-қарши қўйилган. Айнан ўша пайтларда фуқароларнинг шахсий хусусий эҳтиёжлари, манфаатларининг ҳал қилувчи моҳиятига алоҳида эътибор берилди бошланди. Бора-бора ижтимоий манфаатлару тартибларга қарама-қарши ўларок, индивидуализм фуқаролик жамиятининг туб моҳиятига айлана борди<sup>3</sup>.

Т. Гоббснинг фикрича, барча кишилар, табиатдаги мавжудотлар каби, бир хил жисмоний ва ақлий имкониятга эга бўлиб, ўзаро тенг ҳуқуққа эгадирлар. Улар туғилганда эркин бўлиб, ўзларининг ҳаракатларида шахсий манфаатларга асосланиб ҳаракат қиладилар. Уларнинг турмушларидаги ҳаракатлантирувчи куч ҳаётий фаровонликка эришишларига хизмат қилади. Б. Спинозанинг фикрича, инсон табиатнинг тирик мавжудоти бўлиб, ўзини сақлаш қонунларига бўйсунди. Бу табиий қоида инсоннинг яшаш, эркин фикрлаш ва ҳаракат қилиш ҳуқуқи билан мос келади. Файласуф «давлат» ва «фуқаролик жамияти»

---

<sup>1</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: Сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998. – Б.12.

<sup>2</sup> Қаранг: *Аристотель*. Политика. Ч. III. – М., 1965. – С.5

<sup>3</sup> Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т., 2003. – Б.16.

тушунчаларини бир хил маънода тушунади, чунки кишиларнинг ўзаро ҳаракатининг табиий ҳолати уларнинг ўртасида ва давлат билан «ижтимоий шартнома» асосида бўладиган ўзаро ҳамкорликнинг ўрнини босади, барча кишилар ягона ҳамжамиятнинг фуқароси ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ж. Локк инсоннинг ўз ҳаёти, виждони, эрки ва мулкини ҳимоя қилиш каби табиий ҳуқуқларидан келиб чиққан ҳолда инсоният ҳамжамиятини табиий ва сиёсий (фуқаролик) жамиятларга ажратади. Унинг фикрича, табиий ҳамжамият хонадон бошқарувини амалга оширадиган оилалар йиғиндисидан иборат. Бунда оила бошлиғи чекланмаган ҳокимиятга эгадир. Табиий ҳамжамиятда кишилар ҳаётининг эҳтиёжини таъминлашга қодир бўлган мулкка эгалик қиладилар. Мулкка бўлган эҳтиёжнинг барқарорлиги, бошқа бир инсоннинг мулкига тажовуз қилиш имкониятининг мавжудлиги, кишиларда ўзаро «ижтимоий шартнома» тузиш заруратини келтириб чиқаради. Бу шартнома кишиларнинг биргаликда яшашлари, мулкдан бемалол фойдаланишлари учун зарур. Шундай қилиб, ҳамжамият фуқаролик жамиятига айланиб, «кўпчилик кишилар ягона жамиятга бирлашадилар, табиат қонунларига асосан ўзларининг ижро этувчи ҳокимиятидан воз кечиб, уларни сиёсий ёки фуқаролик жамиятига берадилар»<sup>2</sup>. Ж. Локк шундай ёзади: «...Мутлақ ҳокимият, у кимнинг қўлида бўлмасин, фуқаролик жамиятига тўғри келмайди, куллик хусусий мулк билан чиқишмаганидек, фуқаролик жамияти ҳам мутлақ ҳокимият билан чиқишмайди»<sup>3</sup>.

Т. Гоббс ва Ж. Локк «фуқаролик жамиятини давлат томонидан ташкил қилинадиган ва бошқариладиган жамият» сифатида идрок этишган. Улар фуқаролик жамиятини ижтимоий воқеликнинг маълум бир бўлаги ҳисоблаб, уни амалда давлат билан бирга бўладиган, лекин давлатга ўхшамаган нарса деб ҳисоблашган. Масалан, Т. Гоббс қуйидагича ёзади: «Давлат Инжилда кўрсатилган Левиафан махлуқи сингари фуқаролик жамиятини ютиб юборишга интилади. Ижтимоий шартнома назарияси тарафдорларининг фикрига кўра, идеал давлат фуқаролик жамиятининг расмий вакили сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалга ошиши, жумладан хусусий мулкка эгалик қилиши учун шарт-шароит яратиш зарур. Фуқаролик жамияти ижо-

---

<sup>1</sup> Спиноза Б. Избр. соч. Т.2. – М., 1957.

<sup>2</sup> Локк Дж. Ибр. произ. В 3-х. т. Т.3. – М., 1988. – С.312–365.

<sup>3</sup> Локк Дж. Указ. соч. – С.365.

бий ривожланиш шароитида мавжуд сиёсий тузумнинг барқарорлигини кафолатлайди»<sup>1</sup>.

Ш. Монтескьё нафақат табиатда, балки жамиятда ҳам табиий қонунлар амал қилишини уқтиради. Ижтимоий соҳада жамиятнинг бу қонунлари амал қилиши инсоннинг эркин фаолияти билан боғлиқ. Шунинг учун бу қонунлар табиатдаги қонунларга нисбатан анча мураккабдир. Ш. Монтескьё фуқаролик жамиятининг вужудга келишини ижтимоий шартноманинг натижаси ҳисоблайди. У кишилар умумий хоҳиш-ирода асосида бирдамликка эришадилар ва бу бирдамлик фуқаролик жамияти деб номланади, деган хулосага келади. Фуқаролик жамияти ёки давлатнинг шаклланишини у зарурий тарихий жараён деб билади. Кишилар туғилганларида тенг ҳуқуққа эга бўладилар, аммо бу тенглик ҳуқуқини сақлаб қола олмайдилар. Чунки жамият улардан бу ҳуқуқни тортиб олади, улар қонунлар яратилиши билан қайтадан тенглик ҳуқуқига эришадилар. Ш. Монтескьё жамиятнинг ривожланишида қонунларнинг ўрнини қайд қилар экан, қонунлар кишилар, халқлар ва ҳукмдорлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, «қонун нимага рухсат берса, ўша нарса эркинликдир». Шу сабабли у бошқарувнинг уч шаклини ажратиб кўрсатади: республика, монархия, деспотия. Деспотия бир шахснинг ўзбошимчалик қилиши сабабли ҳокимиятнинг суиистеъмол бўлишига олиб келади. Ўзбошимчаликка йўл қўймасликнинг кафолати сифатида фуқаролар ўртасидаги, шунингдек фуқаро ва ҳокимият ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ бўлиши зарур<sup>2</sup>.

Файласуфлар Т. Гоббс, Б. Спиноза, Ж. Локк ҳамда Ш. Монтескьё фуқаролик жамиятини тушуниш ва унинг моҳиятини очиб беришга турлича ёндашишларига қарамасдан, уларнинг таълимотларида ўхшаш жиҳатлар бор: *биринчидан*, улар фуқаролик жамияти ва давлатни бири-бирига ўхшатадилар; *иккинчидан*, кишилик жамиятининг ривожланиши ва унда тартиб ўрнатиш мақсадида ўзаро «ижтимоий шартнома» тузиш зарурлигини тан оладилар. Кўпчилик файласуфлар бу мезонларни фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шартлари деб ҳисоблайдилар.

---

<sup>1</sup> Формирование гражданского общества в современной России // Социологические исследования 1994–1995 гг. – М., 1996. – С.136.

<sup>2</sup> Формирование гражданского общества в современной России // Социологические исследования 1994–1995 гг. – М., 1996. – С.289.

Ж. Ж. Руссо хусусий мулкнинг мавжудлиги фуқаролик жамиятида муҳим роль ўйнашига эътибор қаратади. Унинг фикрича, хусусий мулк давлат ва фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосини ташкил қилади. У, ўз даврининг кўпчилик олимлари сингари, «ижтимоий шартнома» асосида сиёсий ҳокимиятни яратиш тарафдори бўлиб, қуйидагича ёзади: «Ҳар ким ўз мулки ва қудратини умум хоҳиш-иродасининг олий раҳбарлигига топширса, биз уларнинг ҳар бирини бир бутуннинг муайян бўлаги сифатида қабул этамиз»<sup>1</sup>. Ж. Ж. Руссо қонунни умумий хоҳиш-ироданинг юридик ифодаси сифатида таърифлаб, барча фуқаролардан унга оғишмай риоя қилишларини талаб қилибгина қолмай, қонун кучли давлат мавжуд бўлиши учун асос бўлишини ҳам ҳис этади<sup>2</sup>.

XVII–XVIII асрда яшаб ўтган европалик мутафаккирларнинг фуқаролик жамияти ҳақидаги ижтимоий-сиёсий фикрларини ўрганиш қуйидаги хулосаларга олиб келади: *биринчидан*, фуқаролик жамиятининг асосини умуминсоний қадриятлар, фуқароларнинг табиий ҳуқуқлари, хусусан, яшаш ҳуқуқи, эркинлик, хусусий мулк ҳуқуқи ва бошқалар ташкил этади; *иккинчидан*, фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёни феодализм бағрида бошланган; *учинчидан*, фуқаролик жамияти инсонларнинг табиий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун биргаликда ҳаракат қилиш жараёнининг объектив натижасидир; *тўртинчидан*, фуқаролик жамияти сиёсий ҳокимият институтлари, яъни давлатсиз мавжуд бўла олмайди; *бешинчидан*, фуқаролик жамиятида унинг аъзолари ўртасидаги ва улар билан давлат ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқ билан тартибга солинади.

Фуқаролик жамияти ва унинг шаклланиши ҳақидаги таълимотлар тарихида Гегелнинг қарашлари янги бир йўналишни вужудга келтирди. Унинг фикрича, фуқаролик жамияти оила билан давлат ўртасида ташкил топади. Кишилар табиий равишда «маданиятсиз» ҳолатда бўлганликлари учун улар фуқаролик жамиятига аъзо бўлишлари керак. Фуқаролик жамиятида ҳуқуқий муносабатлар ҳақиқий воқеликка айланади<sup>3</sup>. Гегель фуқаролик жамияти билан давлат ўртасидаги фарқни фалсафий жиҳатдан англашга ҳаракат қилди. Унинг фикрига кўра, давлат фаолияти доираси – умумий манфаатлар, фуқаролик жамияти эса хусусий манфаатлар соҳасидир.

---

<sup>1</sup> Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре. – М., 1938. – С.13.

<sup>2</sup> Руссо Ж.Ж. Трактаты. – М., 1969. – С.161–162.

<sup>3</sup> Гегель. Философия права. – М., 1990. – С.228.

Бизнингча, Гегель фуқаролик жамияти ҳақида фикр юритганида ҳаётнинг турли жабҳаларида юксак фаровонликка эришган буржуа жамияти доирасидаги етук ижтимоий муносабатларни назарда тутган. Олим таълимнинг моҳияти шундан иборатки, иқтисодий жиҳатдан ривожланмаган, қолақ ва тараққий топмаган жамиятда «ахлоқ», «ҳуқуқ», «қонун», «бурч» каби тушунчалар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Шу боис бундай жамиятни фуқаролик жамияти деб бўлмайди. Чунки фуқаролик жамиятида «ахлоқ», «ҳуқуқ» каби тушунчалар унда яшовчи инсонларга хизмат қилади, иқтисодиёт эса кўп укладли хусусият касб этади. Гегель таълимнинг бугунги кунда ҳам энг долзарб бўлган яна бир жиҳати шундан иборатки, у фуқаролик жамиятига унинг тарихий ривожланиш жараёнида дин, ахлоқ, оила ва бошқа омиллар таъсирида узок вақт давомида шаклланган юксак даражадаги умумий ва ҳуқуқий маданият хослигини кўрсатади.

Фуқаролик жамияти тўғрисидаги Гегель таълимоти асосида инсон, унинг ўрни, вазифаси ва ижтимоий ҳолати ётади. Унинг фикрича, ҳар бир шахс фаолияти биринчи галда ўз табиий ва ижтимоий эҳтиёжини қондиришга қаратилган бўлади. Бундай пайтда инсон худбин шахс ёки махлуқ сифатида гавдаланади. Аммо шахс ҳаёт кечириши жараёнида ўз эҳтиёжини қондириш учун бошқалар билан муносабатга киришмоғи зарур бўлади. Гегелнинг таълимотидан шундай хулоса келиб чиқадики, фуқаролик жамиятида ҳар бир шахс ўз олдига мақсад қўяди ва ўша мақсадга интилади, аммо у жамиятнинг бошқа аъзолари билан муносабатда бўлмай туриб, кўзлаган мақсадга эриша олмайди.

«Фуқаролик жамияти» тушунчасининг этимологик маъносини таҳлил қиладиган бўлсак, у немис тилидаги «*Bürgerliche Gesellschaft*» иборасининг таржимаси бўлиб, ундаги «*bürger*» сўзи икки маънони, яъни «фуқаро» ҳамда «буржуа» маънолари англатади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, «фуқаролик жамияти» тушунчаси ўша вақтда табиий равишда шаклланиб тараққий этган «буржуа жамияти»нинг моҳиятига мос келган. Буни биз Гегелнинг қуйидаги фикридан ҳам англашимиз мумкин: «Фуқаролик жамияти хусусий мулкка асосланган ижтимоий тузилма сифатида бозор муносабатлари тизимини ташкил этади, унга рақобат ва маъмурий ҳокимият томонидан бошқарилмайдиган жараёнлар орқали эришилади»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Гегель. Философия права. – М., 1990. – С.228

Шунинг учун ҳам «жамият» ва «фуқаролик жамияти» тушунчаларини бир хил маънода тушуниш, уларнинг моҳиятини тенглаштириш мумкин эмас. Фуқаролик жамияти шахсинг ижтимоий муносабатларда ижодий имкониятларини ҳар томонлама фаол кўринишларини қамраб олади, унинг эркинлиги жуда катта меҳнатни талаб этади. «Фуқаролик жамияти» «кишилиқ жамияти»га қараганда: *биринчидан*, анчагина тор тушунча; *иккинчидан*, кўп юз йиллар «ёшроқ»; *учинчидан*, инсоният тарихининг тараққий этган маълум бир босқичида шакллана бошлаган; *тўртинчидан*, юксак даражада тараққий этган ва мукамалдир.

Гегель схемаси бўйича, фуқаролик жамияти босқичига ўтиш даврида ҳали тўлиқ эркинликка эришилган бўлмади, чунки бу пайтда хусусий манфаатлар тўқнашуви умумий ҳокимият томонидан онгли равишда эмас, балки ташқи омиллар асосида тасодифан чекланади. Шу боис бундай жамиятда қарама-қарши манфаатлар тўқнашади, барчанинг барчага қарши кураши мавжуд бўлади. Гегелнинг фикрича, фуқаролик жамиятининг асосини эҳтиёжлар тизими, одил судлов, полиция ва корпорация ташкил этади. Шу билан бирга, у фуқаролик жамияти тузилишида учта табақани ажратиб кўрсатади: а) субстанцияга оид шахслар (ер эгалари – дворянлар ва деҳқонлар); б) саноатга оид шахслар (фабрикантлар, савдогарлар, ҳунармандлар); в) умумий шахслар (амалдорлар).

Гегель фуқаролик жамиятини ижтимоий алоқаларнинг юксак намунаси сифатида талқин этаркан, уни анархия ва деспотизмга қарши кўяди, – деб ёзади академик М. Шарифхўжаев. Гегелнинг фикрича, фуқаролик жамиятининг икки муҳим принципи мавжуд: *биринчиси*, индивидлар ўз хусусий манфаатлари билан яшайдилар; *иккинчиси*, улар ўртасида ижтимоий муносабатлар қарор топади, натижада одамларнинг ҳаёти бир-бирига боғлиқ бўлиб қолади. Шундай қилиб, «фуқаролик жамиятининг асосини хусусий мулк билан боғлиқ иқтисодий таркиб ва бозор муносабатлари ташкил этади»<sup>1</sup>, – дейди Гегель.

Гегель таълимотининг устунлик томони шундаки, у, *биринчидан*, фуқаролик жамиятини оддий жамиятдан ажратиб кўрсатди; *иккинчидан*, фуқаролик жамиятининг давлат билан айнан бир хил нарса эмаслигини кўрсатди; *учинчидан*, оила, давлат, жамият одамларни уч

---

<sup>1</sup> Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т., 2003. – Б.17.

даражада, яъни индивидуал, махсус ҳамда умумий манфаат ва эҳтиёжлар асосида бирлаштиришини асослаб берди; *тўртинчидан*, фуқаролик жамиятини шахслар мажмуаси ва улар ўртасидаги муносабат, кишилар уюшмаси, бирлашмаси ва ташкилотларининг фаолият соҳаси сифатида кўриб чиқди. Гегель хусусий мулк ва шахсий эркинлик билан бир қаторда, ошкоралик, умумий бохабарлик, ҳуқуқий давлат ҳам фуқаролик жамиятининг асосий элементлари эканлигини кўрсатади.

Гегель таълимоти бўйича, фуқаролик жамияти давлатнинг сиёсий ҳокимиятига қарам бўлмаган хусусий шахс, гуруҳ ва ижтимоий институтларнинг бир бутун тизимидир. Уларнинг ўзаро алоқаси эса ҳуқуқ билан тартибга солиниб туради. Унинг фикрича, фуқаролик жамияти, ҳатто давлатдан ажралиб чиққан тақдирда ҳам, унинг узвий қисми бўлиб қолаверади. Гегель фуқаролик жамиятининг турли элементлари унинг бошқа бир қисмига зарар келтирмаслиги учун давлатнинг назоратига эҳтиёж сезади деб, ўзининг юқоридаги фикрини асослаб беради. Шу маънода Гегелнинг таълимоти табиий ҳуқуқ концепцияси тарафдорлари Ж. Локк ва Ж. Ж. Руссонинг фикрларига қарши чиқади, чунки уларнинг қарашларига мувофиқ, давлат «амалга оширилган эркинликлар подшолигининг тизимидир»<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамияти ғоялари машҳур файласуф И. Кант асарларида ҳам ўз аксини топган. Унинг ёзишича, «бутун инсоният олдида турган буюк муаммо ... умумий ҳуқуқий фуқаролик жамиятига эришишдир». И. Кант жамиятнинг ҳамма аъзоларига буюк эркинликлар берилган тақдирдагина табиат ўз олдида кўйган мақсадларига эришиши мумкин деб ҳисоблайди, яъни «инсон ўзидаги бор имкониятларни ишга солиши мумкин, бунда табиатдаги барча мақсадлар ўз-ўзидан амалга ошмоғи керак. Шунинг учун тўлиқ эркинликка эришилган жамиятда ташқи қонунлар билан бирга, мажбурлов чоралари ҳам уйғунлашиб кетади, яъни мукамал адолатли фуқаролик тузуми инсоният учун табиатнинг олий мақсади бўлиши керак, чунки табиат бу мақсад ва вазифани бажара бориб, одамзодга қўйилган бошқа мақсад ва вазифаларни удралай олади. Одамлар бир-бирлари билан чиқиша олмаслигининг сабаби эса уларнинг эркинликка ўзбошимчалик билан муносабатда бўлишлари, яъни табиат ва жамият қонуниятларига амал қилмасликларидир. Аммо, И. Кантнинг фикрича, маълум бир чекланган маконда, яъни фуқаролик жамиятида одамлар дарахт-

---

<sup>1</sup> Гегель. Философия права. – М., 1990. – С.228.



лар каби ўзаро бемалол чиқишиб яшай оладилар. Масалан, ўрмонда дарахтлар бир-биридан ҳаво ва қуёш нурини қизганиб, янада юқори кўтарилади ва чиройли ҳамда тўғри бўлиб ўсадилар, эркинликда ўсган дарахтлар эса ўз шохларини хоҳлагандай чиқаради, шунинг учун тарвақайлаб ва эгри-бугри бўлиб ўсади. Инсониятни безаб турган маданият ва санъат энг яхши ижтимоий тузилмалар –одамийлик мевалари бўлиб, улар ўз табиатига кўра инсонни ўзини ўзи интизомли қилишга олиб келади ва шу сабабли мажбурлаш санъати орқали табиат берган зехни тўлиқ ривожлантиради»<sup>1</sup>.

И. Кантнинг фуқаролик жамияти тўғрисидаги фикрларини ўргана эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, у эркинлик тўғрисида сўз юритганда асосий эътиборни ҳуқуққа қаратади. Унинг фикрича, ҳуқуқсиз жамият мавжуд бўла олмайди ва тўлиқ ривожлана олмайди. Худди шундай давлат ҳам ўз ички ижтимоий муносабатларини ҳуқуқ билан тартибга солади.

XVIII асрга келиб «фуқаролик жамияти» тушунчаси фалсафа, сиёсатшунослик, жамиятшунослик ва ҳуқуқ соҳаларида алоҳида атама сифатида ишлатила бошланди. Унгача эса «давлат» ва «жамият» тушунчалари бир хил маънода тушунилиб, бир бутун воқелик деб ҳисоблаб келинган. Аммо кейинчалик ҳам ушбу тушунчалар ўртасидаги фарқ принципиал жиҳатдан тўлиқ ажратиб кўрсатилмади. Уларни бир-биридан ажратиб ўрганиш жуда ҳам мураккабдир, чунки давлат жамиятнинг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Бундан ижтимоий ва давлат ҳокимияти тузилмалари, механизмлари тўлиқ бир-бирига ўхшаш деган хулоса келиб чиқмаслиги керак.

Давлат ва жамиятни бир-биридан ажратиб турган чегарани аниқ белгилаш ва унинг бири иккинчисига нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, унинг ажралмас таркибий қисми эканлиги ҳақида зарур илмий назарияларни яратиш учун узоқ муддат керак бўлди. Фуқаролик жамияти деганда, аввало, унинг энг муҳим соҳаларидаги ижтимоий муносабатлар, яъни давлатдан маълум бир даражада мустақил бўлган мулкчилик, бозор, оила ва ахлоқ муносабатлари тушунилган. Бундай маънода фуқаролик жамияти унинг таркибий қисми бўлган давлатнинг расмий институтлардан ташқарида бўлган, улар назоратида бўлмаган

---

<sup>1</sup> *Кант. И.* Соч. В 6-х. т. Т.6. – М., 1963-1966. – С.5; *Кант. И.* Идея всеобщей истории во всемирно-гражданском плане // *Философия истории: Антология.* – М., 1995. – С.61–62.

ҳаёт соҳаларини, яъни алоҳида шахслар, уларнинг бирлашмалари ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, хусусан, товар ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги муносабатлар мажмуидан иборат бўлган. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, фуқаролик жамияти деганда, шахснинг «фуқаровий ишларига», инсонларнинг шахсий ҳаётига, ижтимоий муҳитдаги эркин тадбиркорликка, ташаббускорликка давлат ҳокимияти аралашмайдиган ижтимоий тизим тушунилади. Бу ерда давлат фақат тунги қоровуллик (миршаблик), ҳакамлик, назоратчилик вазифасини бажариши керак. Бунда фуқаролик жамияти бозор муносабатлари ва фаолиятнинг бошқа шакллари хос муносабатларнинг синоними сифатида тасаввур этилади, яъни расмий ҳокимият бу ерда иштирок этмаслиги керак<sup>1</sup>.

Давлат ва фуқаролик жамиятининг муносабати ҳозирги замонда ҳам энг долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда. Ҳуқуқий адабиётларда бугунги кунда очик давлат концепцияси илгари сурилмоқда. Унга асосан, фуқаролик жамиятининг вужудга келиши демократик давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг бир вақтда шаклланиб боришида намоён бўлади. Бундай мазмундаги давлатнинг очиклиги жамият ва унинг ривожланишига ёрдам кўрсатишдир. Чунки фуқаролик жамиятини тузиб ёки ўрнатиб бўлмайди, лекин унинг шаклланиши ва ривожланишини (жумладан қонунчилик асосида) рағбатлантириб бориш зарур<sup>2</sup>.

Ғарб мутафаккирларининг фуқаролик жамияти, унинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисидаги таълимотларига таянган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, бундай жамиятда у ерда яшаётган барча инсонларнинг ҳаёт тарзи етарли даражада юксак бўлади, доимо тараққиёт, барқарорлик ва фаровонлик ҳукм суради. Аксинча, камбағал, қашшоқ, қолоқ жамият ҳеч қачон фуқаровий жамият мақомини ололмайди, чунки бундай мамлакатда инсонларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечирishi, жамиятнинг ўзи эса гуллаб яшнаши, тараққий этиши учун зарур бўлган шароит ва имкониятлар мавжуд бўлмайди. Шунинг учун ҳам ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳамма жамият ҳам фуқаролик жамияти бўла олмайди. Фуқаролик жамиятида ҳеч қачон давлат ва давлат органларининг барча нарсдан устувор бўлишига, ижтимо-

---

<sup>1</sup> Матузов Н.И. Гражданское общество: сущность и основные принципы // Правоведение. – 1995. – №3. – С.84–85.

<sup>2</sup> Қаранг: Открытое государство: политико-правовое видения // Государства и права. – 2003. – №10. – С.61.

ий бошқарувда бошбошдоқлик (хаос, анархия) ва ҳуқуқий нигилизмга йўл қўйилмайди.

Бугун Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг назарий масалаларини тадқиқ этиш биринчи навбатда ўзбек халқининг турли ижтимоий фанлар соҳасида ўз асарлари билан бутун жаҳонга машҳур бўлган аждодлари меросини, хусусан адолатли жамият ҳақидаги таълимотларини ўрганишни талаб қилади. «Бизнинг юртимизда ўтмиши улуғ бўлган буюк халқ яшайди, бизнинг аждодларимиз дунёдаги қадимий ва бой цивилизацияни яратган»<sup>1</sup>. Шарқнинг улуғ алломалари асрлар давомида фуқаролик жамияти билан боғлиқ муаммолар хусусида ҳамиша бош қотирганлар. Жумладан, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқа қомусий ақл эгаларининг сиёсий-фалсафий таълимотларида фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ қатор сиёсий-ҳуқуқий ғоялар ифодасини топган<sup>2</sup>. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, буюк аждодларимиз таълимотларида инсоннинг эрки, ҳуқуқи, ахлоқи, жамиятда адолатни қарор топтириш, ҳукмдорнинг одил инсон бўлиши, одил ҳукм чиқариши, одил ҳукмдорга хос фазилатлар, халқ итоати ва адолатли давлат фуқаролик жамиятига дахлдор масалаларнинг ўзига хос шарқона услубда ёритилганлиги ва улар бугунги кунда ҳам нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга эканлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

«Буюк аждодларимизнинг кенг қомусий билим, ғоя ва фикрларини ўзида мужассам этган, бугунги кунда ҳам илмий ва инсоний қадр-қимматини йўқотмаган бой ва бебаҳо мероснинг ҳозирги ўта мураккаб ва таҳликали замон олдимизга қўяётган кўпгина ўткир, оғир масала ва муаммоларнинг ечимини топиш, динимизнинг асл маъномоҳиятини холисона талқин ва тарғиб қилиш, катта умид билан ҳаётга кириб келаётган ёш авлодга тўғри йўл кўрсатишдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди»<sup>3</sup>.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида адолатли жамият қуришнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатлари ўзига хос шарқона

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Инсон унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. – Т., 2006. – Б.69.

<sup>2</sup> Қаранг: Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т., 2003. – Б.4.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т., 2007. – Б.277–278.

тарзда ёритиб берилган. У давлатни идора қилиш усули, сиёсати, қонун-қоидалари, шунингдек халқнинг расму одатларини, ахлоқини ўзида мужассамлаштирган низомнома – қомусдир<sup>1</sup>. Ушбу асарда давлатчилик ва адолатли жамият яратишнинг ўзига хос ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий ва ҳуқуқий концепциялари ишлаб чиқилган. Хусусан, асарда давлатни бошқарувчи шоҳ (бек), вазир, саркардалар, сипоҳсолорлар, ҳожиблар (давлат маслаҳатчилари), шоҳ гвардияси – кўриқчилар, элчилар, котиблар, хазиначи ва бошқа сарой хизматчилари қандай сифатларга эга бўлмоғи, халқ билан қандай муносабатларда бўлиши зарурлиги батафсил баён этилган. Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича, шоҳ оқил, заковатли, маърифатли, ёшларга таянувчи, адолатпарвар, халқига садоқатли, зўр иродали, юксак фаросатли, эзгу ишларга мойил, давлатни, халқни бошқаришда моҳир бўлиши лозим. Сарой аҳли, хизматчиси, аввало, оддий фуқаро билан муносабатга кириша олиши керак, фуқаролар билан муносабатда бўлганида жуда хушмуомала бўлиши шарт. Фуқаронинг моддий манфаати қондирилсагина, у интизомга бўйсунди. Донишмандлар эса адолатли давлат ва ҳақиқат таянчидирлар. Ҳақиқатни истаган шоҳ улардан йўл-йўриқ, маслаҳат сўраши, ёнига тортиши керак. Улар давлат ва жамиятни саодатга элтадилар. Ҳунармандлар давлат ва халқнинг ҳожатини чиқарадилар. Давлатнинг халқ билан муносабатига қараб у тўғрида яхши ёки ёмон деб хулоса чиқарадилар<sup>2</sup>.

Юсуф Хос Ҳожиб илгари сурган маърифатли, эзгуликка асосланган, саодатни кўзловчи адолатли давлат ва жамият қуриш ғоясининг негизида эса илм, маърифат, халқ билан бирга бўлиш, унинг саодати йўлида хизмат қилиш ғоялари ётади<sup>3</sup>. «Илумиз ўзим, – дейди Юсуф Хос Ҳожиб Кунтуғди (ўзи орзу қилган ҳукмдор) тилидан, – бу қамуғ эл ишини. Менгар эр керак бир билур иш башин, керак бир менгар эмди ўдрум киши. Уқушлуғ, билиглик кишилар баши» (Ёлғиз ўзим эл ишини қила олмайман. Менга иш кўзини биладиган кишилар керак. Энди менга сара бир киши лозим. Заковатли, билимли, кишилар боши бўлсин)<sup>4</sup>. Ушбу фикрларда «шарқча жамоатчиликка (ҳозирги истилоҳда демократликка) интилиш бор. Сўнг маслаҳатчиликка даъвогар кишилар заковатли, илмли ва раҳбарлик санъатини эгаллаган сифат-

<sup>1</sup> Каримов Қ. Илк бадиий дoston. – Т., 1976. – Б.7.

<sup>2</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т., 1971. – Б.330–665.

<sup>3</sup> Ёқубов А. «Қутадғу билиг»да давлатчилик концепцияси. – Т., 1997. – Б.11.

<sup>4</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т., 1971. – Б.661–662.

лари бўлишлиги уқтирилади. Шарқона тафаккурга хос бўлган бу уч категория «Қутадғу билиг»да қайта-қайта такрорланади. Бунинг сири шуки, бошқарув илмида Шарқ кўпроқ интеллектуал кучга таянади. Шу сабабли Шарқ ижтимоий ҳаётида «инқилобий сакрашлар» кузатилмайди. Натижада Шарқ минтақасида ижтимоий ҳаёт тадрижий ривожланиб келди»<sup>1</sup>.

Шарқ мутафаккирлари орасида Абу Наср Форобийнинг адолатли жамият қуриш ҳақидаги ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ўз замонасида «Муаллим ас-соний» («Иккинчи муаллим») унвонига сазовор бўлган Абу Наср Форобий (873–950) фалсафадан ташқари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалаларга оид «Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб», «Сиёсат ал-мадания» («Шаҳарлар устидан сиёсат юритиш»), «Бахт-саодатга эришув ҳақида» каби асарлар ёзган.

Абу Наср Форобийнинг адолатли жамият ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари негизида шундай жамиятни бошқариш масъулияти зиммасига юклатиладиган давлатнинг энг юқори мартабали раҳбарлари ва амалдорларида, шунингдек уларнинг атрофидаги масъул шахсларда мужассамланиши зарур бўлган ҳамда давлат ва жамиятнинг адолатли бошқарилишини таъминлайдиган ҳар томонлама мукамал инсоний фазилатлар ётади. Унинг фикрича, шаҳар раиси (малик) чуқур идрок этиш, мустақил фикрлаш, бошқариш, истеъдод ва малакасига қараб ҳар бир кишига муносиб вазифа бериш, улардан самарали фойдаланиш, керакли қарорлар қабул қила олиш, халқни бахтли қила олиш йўллари билиш каби қувватларга эга бўлиши зарур. Олимнинг фикрича, адолатли давлат ва жамият ҳикмат билан бошқарилади. Умуман, Абу Наср Форобий адолатли давлат ва жамиятни бошқаришда шох ўн икки қувват, фазилатга (Юсуф Хос Ҳожиб ҳам шунча хислатни кўрсатган) эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Шаҳар аҳолиси ихтиёри ўзида бўлган инсонлар гуруҳи бўлса, шаҳар уларнинг ихтиёрини намоиш қиладиган ва фаолиятлари шуқуҳини кўрсатадиган марказдир. Шаҳар аҳолиси бошқарувга ихтиёрий бўйсуннади, чунки бундай бошқарув аҳолини ўзи қабул қилган қонунлар воситасида маъқул йўлга, бахт-саодатга бошлайди. Раис эса одамларга икки мажбурият юклайди: биринчиси – барча учун тенг бўлган умумий мажбурият, иккинчиси – мансабдор билан аҳоли, ҳунарманд-

---

<sup>1</sup> Ёқубов А. «Қутадғу билиг»да давлатчилик концепцияси. – Т., 1997. – Б.61.

лар ўртасидаги мажбурият. Ушбу мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши бахт-саодатга элтади<sup>1</sup>.

Абу Наср Форобийнинг жамиятни бошқариш учун масъул бўлган амалдорлар, *биринчидан*, ҳар бир жамият аъзоси билан тенг бўлган умумий мажбуриятларга эгаллиги; *иккинчидан*, бошқарувни амалга ошириш жараёнида улар билан аҳоли ўзаро мажбуриятларга эгаллиги; *учинчидан*, юқоридаги мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши жамиятни бахт-саодатга олиб келиши ҳақидаги фикрлари ҳозир биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятига хос бўлган асосий принцип – «давлатнинг фуқаролар ва фуқароларнинг давлат олдидаги жавобгарлиги» принципини таъминлашга тўлиқ мос келади, десак адашмаймиз.

Абу Наср Форобийнинг адолатли давлатни бошқаришга боғлиқ ғояларида бошқарувни амалга оширувчи амалдорлар турли суиистеъмолликларга йўл қўймасликларининг асосий омиллари ҳақидаги фикрларни ҳам учратамиз. Хусусан, унинг фикрича, шаҳар идорасида икки қоидага: 1) шаҳар раисига яқин ёки унинг ёнида хизмат қилаётган кишиларда юқорида айтиб ўтилган ўн икки фазилатнинг мавжуд бўлиши; 2) шаҳар аъзолари бажарадиган фаолият турлари уларнинг ҳар бирида мавжуд фазилатларни инобатга олинган ҳолда белгиланишига амал қилиш керак<sup>2</sup>.

Бундан ташқари, Абу Наср Форобий шаҳарни бошқаришда амалга ошириладиган ишларнинг, *биринчидан*, афзаллиги ёки аҳамиятига; *иккинчидан*, фойдалилик даражаси ва унга бўлган эҳтиёжга; *учинчидан*, унинг мураккаблиги ёки осонлик хусусиятига асосий эътибор қаратилиши кераклигини кўрсатади<sup>3</sup>. Фозил шаҳарни бошқариш ҳақида фикр юритган Абу Наср Форобий бундай шаҳар раиси учун зарур бўлган 12 та хислат ҳеч қачон бир кишида мужассам бўлиши мумкин эмаслигини билади. Шунинг учун ҳам у фозил шаҳарда бошқарувни амалга ошириш учун зарур бўлган хислатларга эга бўлган икки ёки ундан ҳам кўп кишилар номзодларини шаҳар ҳокимлигига қўйишни таклиф этади<sup>4</sup>. Абу Наср Форобийнинг бу фикрлари бе-

---

<sup>1</sup> *Форобий Абу Наср*. Фазилат, бахт-саодат ва камолат ҳақида. – Т., 2002. – Б.22–29.

<sup>2</sup> Қаранг: *Форобий Абу Наср*. Фазилат, бахт-саодат ва камолат ҳақида. – Т., 2002. – Б.30.

<sup>3</sup> Кўрсатилган манба. – Б.31.

<sup>4</sup> *Форобий Абу Наср*. Фозил одамлар шаҳри. – Т., 1993. – Б.160–161.

восита жамиятни ҳуқуқий демократик тарзда бошқаришга оид талабларга мос келади.

Ўрта асрларда яшаб ижод этган Шарқ мутафаккирлар Низомулмулк, Кайковус ва Захирийларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида адолатли давлат ва фаровон жамият, бундай давлат ва жамиятни бошқарувчи инсонпарвар, одил ва халқпарвар шоҳ ҳақидаги фикрлар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу мутафаккирларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини олим Р. Ш. Сотиволдиев батафсил ўрганган<sup>1</sup>. Юқорида номлари зикр этилган мутафаккирларнинг асарларида ҳам адолатли давлат қуриш, фаровон жамият барпо этиш, энг аввало, давлат тепасига адолатпарвар, халқпарвар, маърифатпарвар, давлатни бошқаришда билимли ва бой ҳаётий тажрибага эга бўлган мутафаккирларнинг фикр-мулоҳазалари ва маслаҳатларига таяниб иш кўрадиган шахснинг келиши билан боғлиқ эканлиги кўрсатилади. Шарқ ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларида адолатпарвар ҳукмдор ғояси марказий ўрин тутди<sup>2</sup>.

Шарқ мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотларида халқнинг аҳволини яхшилаш, давлат ва жамиятни бошқариш, жиноят ва жазо, деярли барча ижтимоий-сиёсий масалаларнинг ҳал этилиши идеал шоҳ билан боғлаб қаралади. Айни пайтда, мутафаккирлар шоҳ билан раият (халқ) ўртасидаги алоқаларни ҳам унутмаганлар<sup>3</sup>.

Мутафаккир Низомулмулкнинг фикрича, подшоҳнинг давлатни бошқаришда барча ишларни маслаҳат билан амалга ошириши унинг маърифатли, мустаҳкам иродали, оқил ва кенг дунёқарашга эга бўлган шахс эканлигини билдиради. Ҳар бир киши маълум бир нарса ҳақида кўпроқ ё камроқ билади. Агар подшоҳ бирор ишни амалга оширмакчи ёки қандайдир заруратни ҳал этмокчи бўлса, у албатта доно қариялар ва улуғлар билан машварат ҳамда кенгаш қилмоғи лозим. Ҳар бирлари ўз фикрларини билдириб, подшоҳ раъйи билан солиштириб, бир-бирларининг фикрларини эшитиб ва ҳар томонлама ўйлаб, кейин ўртада маъқулланган фикрни танлайдилар. Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> *Сотиволдиев Р.Ш.* Политическая и правая мысль раннесредневекового мусульманского Востока. – Душанбе, 1999.

<sup>2</sup> История политических и правовых учений. – М., 1999. – С.140.

<sup>3</sup> *Мамадалиев Ш.О.* Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. – Т., 2003. – Б.45.

<sup>4</sup> *Низомулмулк.* Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. – Т., 1997. – Б.36–37.

Шарқона ҳуқуқий демократик давлатнинг ўзига хос жиҳатлари ва бу борадаги қарашлар Амир Темур (1336–1405) ҳаёти ва фаолиятида, унинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашларида яна ҳам мукамалроқ акс этган. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, у «туркий давлатчилигимиз тарихида ислом мафқурасига асосланган теократик давлатнинг ўзига хос демократик шаклини яратди ва унга амал қилди. Темурнинг марказлашган мутлақ ҳокимликка асосланган принциплари ҳуқуқий давлатчилик унсурлари – кенгаш, машварат, қурултой кабилар билан уйғунлашган эди»<sup>1</sup>. Соҳибқирон ўзининг машҳур «Тузук»ларида шундай деб ёзади: «... Ҳар ишни кенгашган ҳолда қилдим. Ҳар вақт кенгашчилар йиғилиб, мажлис очилар экан, яхши-ёмондан, фойдазиёндан, олдимиздаги ишларни қилиш-қилмасликдан сўз очиб, улардан фикр сўрар эдим. ... Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат (маслаҳат), қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим»<sup>2</sup>. Амир Темурнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотида бугун ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолаётган ғоялардан бири – давлатни бошқаришда ижтимоий фикрга таяниш. Унинг ўзи давлатни бошқариш ишларини амалга оширишда фозилу уламоларни, дин аҳлини, шоиру донишмандлар ҳамда хунармандларни маслаҳатга чақириб, у ёки бу амалларда суҳбат қурган, уларга маслаҳат солган. Шу билан бирга, у бажариладиган иш учун амалдорларнинг, шу жумладан ўзининг жавобгарлигини алоҳида қайд этган. Айниқса, у ислом динини тарғиб қилиш ва ҳимоя этиш, давлатни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлашга, энг аввало, давлат бошлиғи масъул эканлигини айтган. Амир Темур ўз «Тузук»ларида яна шундай ёзади: «Мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забт этиб, салтанатни бошқардим ва салтанат тахтига зебу зийнат бердим. Ана шу ўн икки нарсадан иккинчиси давлат устунларини ташкил этиб турган табақалар ва тоифалар билан давлатни бошқариш сиёсати бўлди»<sup>3</sup>.

XVI асарда ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар маълум даражада Мавлоно Муҳаммад Қозининг (1499–1551) «Ҳукмдорга ўғитлар» асарида ўзига хос тарзда акс этади. Аллома ушбу асарида подшоҳ учун зарур бўлган ўн хислатни санаб ўтади. Уларда подшоҳ ўзига

<sup>1</sup> Бобоев Ҳ, Норматов К. Куч-қудрат – адолатдадир (Амир Темурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ва ҳозирги давр). – Т., 2001. – Б.4–5.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. – Т., 1996. – Б.25.

<sup>3</sup> Кўрсатилган манба. – Б.68–69.



мамлакатнинг бир аъзоси сифатида қараши, мўминлар ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб, уларга сахийлик, мурувват кўрсатиши, дин уламоларини маслаҳатга чорлаши, зарур бўлса юртни қилич билан ҳимоя этиши кераклиги уқтирилади. Насихат тарзида ёзилган ушбу асарда бурчни бажариш вожибдир, дейилади. Ҳукмдор ориф одамларга яқинлашиши, жоҳил ва фосиқлардан узоқроқ бўлмоғи зарур<sup>1</sup>.

Адолатли давлат ва уни бошқаришга ақлу идрок ва илму тафаккур нуқтаи назаридан ёндашиш Аҳмад Донишнинг қарашларида ҳам акс эттирилган. Аҳмад Дониш (1827–1897) «агар адолатли давлат ақл, онг принципларига мувофиқ тарзда ташкил этилмаса ва бошқарилмаса, ундай давлатдан яхшилик кутиш мумкин эмас»<sup>2</sup>, – деб таъкидлаган. У Шарқ алломалари ва мутафаккирлари илгари сурган ва оқил ҳукмдорлар амал қилган адолатли давлатни илм-маърифат аҳлига таяниб бошқариш ғоясини давом эттирди<sup>3</sup>.

Аҳмад Донишнинг фикрича, давлат раҳбари, амир 10 та хислатга эга бўлиши, жумладан халқнинг ҳолидан хабар олиб туриши, маслаҳатлашиб давлатни бошқариши, сарой аъёнларини, айниқса, бошқариш ишига ноқобилларни давлат ишларидан четлатиши, ҳамманинг меҳнат қилиб кун кўришини таъминлаши зарур. У ҳатто амир билан бирга халқ ичидаги оқил одамлардан махсус Кенгаш тузиб, давлатни адолатли идора этиш принципини ёқлаб чиқди, халқ зўравонликка асосланган давлатга қарши чиқиши, уни тахтдан ағдариш ҳам мумкинлигини эътироф этди<sup>4</sup>.

Шарқ мутафаккирлари «адолатли жамият» деб эътироф этган «фуқаролик жамияти» ва у билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий таълимотларда жамиятда адолат, тенглик, тинчлик, фаровонлик, илму-маърифат қарор топишига умид қилдилар<sup>5</sup>. Алишер Навоий, Жомий, Умар Ҳаём, Ибн Сино, Беруний, Ибн Рушд, Фирдавсий, Жалолиддин Румий, Фурқат, Аваз Ўтар, Анбар Отин каби буюк Шарқ мутафаккир ва ижодкорлари ҳам ўз асарларида у ёки бу даражада адолатли жамият, халқпарвар давлат ва унинг ҳукмдори, уларга хос бўлган хусусиятлар

---

<sup>1</sup> Мавлоно Муҳаммад Қози. Ҳукмдорга ўғитлар. – Т., 1999. – Б.27–28.

<sup>2</sup> Дониш А. Наводир ул-вақое. – Т., 1964. – С.125.

<sup>3</sup> Дониш А. Путешествие из Бухары в Петербург. – Душанбе, 1976. – С.193–194.

<sup>4</sup> Рзаев К. Туси, Тошқулов Д. Дониш. – М., 1990. – С.99–117.

<sup>5</sup> Қаранг: Ҳайруллаев М.М. Культурное наследие и история философской мысли. – Т., 1985; Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Самарқанд, 1998; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т., 2000.

ҳамда фазилатлар, жамият ва давлатни бошқаришнинг инсонпарвар усуллари ҳақидаги ғояларни илгари суришган.

Қадимда яшаб ўтган Шарқ мутафаккирлари ва алломаларининг таълимотларига асосланиб шуни айтиш мумкинки, фуқаролик жамиятининг мақсад ва вазифалари аҳолининг ҳамма ижтимоий қатламлари фаровонлигини таъминлаш, фуқароларнинг турмуш (ижтимоий-иқтисодий) даражасини оширишга кўмаклашувчи шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ижтимоий муносабатларнинг турли соҳларидаги эҳтиёжларини қондириш ва шу орқали шахснинг ижодий имкониятларини очиб бериб, уни татбиқ этишига кўмаклашишдан иборат. Шунинг учун ҳам «бизга ҳамиша маънавий куч-қувват берадиган миллий қадриятларимиз, бой тарих ва маданиятимиз, буюк аجدодларимизнинг қолдирган бебаҳо мероси, дину диёнатимизни кўз қорачиғидай асраб авайлаб, эъозлаб, эртанги кунга бўлган ишонч туйғусини ўз амалий ишларимиз билан янада мустаҳкамлашимиз лозим»<sup>1</sup>.

### **1.3. Фуқаролик жамиятининг ўзига хос белгилари ва хусусиятлари**

«Фуқаролик жамияти» тушунчаси пайдо бўлганидан то ҳозирги кунгача бундай жамиятнинг моҳияти ва мазмунини тўлиқ очиб бериш учун унинг белгиларига мурожаат қилишади. Дарҳақиқат, фанда ҳар қандай тадқиқот объектини ўрганишда албатта унга хос бўлган белгилар аниқланади ва шу белгилар асосида унга тавсиф берилади.

Бундан ташқари, тадқиқот объектининг белгиларини унга ўхшаш бошқа объектларнинг белгилари билан қиёслаш уларнинг бир-биридан фарқи ҳамда ўзаро ўхшаш ва боғлиқ томонларини батафсил ёритишга имкон беради.

Фуқаролик жамиятининг белгиларини ўрганиш бизга, *биринчидан*, унинг мазмун ва моҳиятини тўлиқ очиб беришга, *иккинчидан*, унинг давлат, хусусан ҳуқуқий давлат билан муносабатини аниқлашга, *учинчидан*, Ўзбекистонда ривожлантирилаётган фуқаролик жамиятининг назарий асосларини яратишга, *тўртинчидан*, бундай фуқаролик жамиятига илмий тавсиф беришга ёрдам беради.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т., 2007. – Б.249.

Ҳуқуқий ва бошқа адабиётларни ўрганиш фуқаролик жамияти белгиларини тушунтиришда олимлар ўртасида ягона фикр йўқлигини кўрсатди. Бир гуруҳ олимлар фуқаролик жамиятининг асосий белгиларини кўрсатиш билан чегараланишган<sup>1</sup>, иккинчи гуруҳ олимлар ҳуқуқшуносликнинг классик назарияси, яъни Гегель таълимотига асосланган ҳолда жамият ҳаётининг асосий соҳалари бўйича фуқаролик жамиятининг белгиларини алоҳида гуруҳларга ажратиб ўрганишган<sup>2</sup>, учинчи бир гуруҳ олимлар эса фуқаролик жамиятининг асосий белгиларини кўрсатиш билан бирга, бундай жамиятга хос бўлган барча хусусиятларни ҳам батафсил тадқиқ этишган<sup>3</sup>.

Ҳуқуқшунос олимлар Р. Қ. Қаюмов ва И. Т. Тультеевлар фуқаролик жамиятининг асосий мақсади – инсон ҳаётини сақлаш, унинг мақсадларини, орзуларини шу жамиятдаги ташкилотлар, ижтимоий институтлар, гуруҳлар, оила ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишдир, деб ёзишади. Улар куйидагиларни фуқаролик жамиятининг асосий белгилари деб кўрсатишади: а) кўппартиявийлик; б) сиёсий ҳаёт ва сиёсий институтлар; в) мафкура ва фикрлар хилма-хиллиги; г) ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеининг баландлиги; д) жамиятни бошқаришда қонун устунлиги; ж) оммавий ахборот воситаларининг мавқеи. Бундай жамиятдаги маънавий ҳаёт умумбашарий кадриятлар асосида амалга оширилиши, бир қанча вазифалар давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширилганлиги, инсоннинг муқаддаслиги, эркинлиги, қонун олдида тенглиги, ижтимоий адолатнинг тўлиқ қарор топганлиги билан характерлидир<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Қаюмов Р.Қ., Тультеев И.Т.* Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи. – Т., 2001. – Б.40; *Schmitter C.* «Society», in National Research Council, *The Transition to Democracy: Proceeding of a Workshop* (Washington, D. C.: National Academz Press, 1991). –Р. 16–25, 20.

<sup>2</sup> Қаранг: *Қирғизбоев М.* Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998. – Б.12–13; *Гражданское общества и правовое государство: предпосылки формирования.* / Под. ред. *Г.Н. Манова.* – М., 1991. – С.7–8; *Исламов З.* Общество. Государство. Право. – Т., 2001. – С.42–49; *Шарифхўжаев М.* Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т., 2003. – Б.10.

<sup>3</sup> Қаранг: *Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Б. Бобоев, Ҳ.Т. Одилқориев.* – Т., 2000. – Б.462; *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – Б.171.

<sup>4</sup> Қаранг: *Қаюмов Р.Қ., Тультеев И.Т.* Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи. – Т., 2001. – Б.40.

Ҳуқуқшунос олим Ҳ. Т. Одилқориев ҳам худди шу белгиларни фуқаролик жамиятининг асосий белгилари деб кўрсатиб ўтса-да, лекин у сиёсий ҳаёт ва сиёсий институтларни, мафкура ва фикрлар хилма-хиллигини алоҳида-алоҳида белгилар сифатида ажратмайди<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамияти мавзусида тадқиқотлар олиб борган америкалик олим С. Шмиттер: а) шахсининг аҳоли гуруҳлари ва давлатдан мустақиллиги; б) ташкилий яхлитлик, бир бутунлик; в) давлат томонидан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқларга асосланган «корпоративлик»; г) либераллашиш билан боғлиқ жараён ёки ҳодиса; д) демократик натижалар таъсирида автократиянинг деспотик куч сифатида заифлашувини унинг алоҳида белгилари сифатида кўрсатади<sup>2</sup>.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, айрим ҳуқуқий адабиётларда фуқаролик жамияти белгиларини асосий ҳаёт соҳалари бўйича гуруҳларга ажратиб тушунтиришга ҳаракат қилинади. Россиялик ҳуқуқшунос олим Г. Н. Манов таҳрири остида чоп этилган манбада фуқаролик жамиятининг асосий белгилари иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳалар бўйича ажратиб кўрсатилган. Ушбу манба муаллифларининг фикрича, фуқаролик жамияти хусусий мулк асосида пайдо бўлган ва ривожланган. Бу эса фуқаролик жамияти тизимларининг давлат ва халқ ҳокимиятчилигига нисбатан мустақил шаклланиши учун иқтисодий шарт-шароитлар яратилишига олиб келган.

Ҳуқуқий давлат ўз фаолиятида учта функцияни амалга оширади: а) қонунчилик; б) ижро этиш; в) судлов. Булар фуқаролик жамиятини учта мустақил, айна вақтда ўзаро боғлиқ ҳокимиятга ажратади. Фуқаролик жамиятининг маънавий соҳасида умумий қадриятларнинг устунлиги ажралиб туради. Чунки инсонларнинг қонун олдида тенглиги – уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, мансаби, миллати, динидан қатъи назар – фуқаролик жамиятида барча инсонлар учун тенг имкониятлар очиб беради<sup>3</sup>.

Ҳуқуқшунос олим З. М. Исломов ҳам фуқаролик жамиятига хос белгиларни иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳалар бўйича ажратиб

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – Б.172–173.

<sup>2</sup> Қаранг: *Schmitter C.* «Society», in National Research Council, *The Transition to Democracy: Proceeding of a Workshop* (Washington, D. C.: National Academz Press, 1991). P.16–25, 20.

<sup>3</sup> Қаранг: *Гражданское общества и правовое государство: предпосылки формирования* / Под ред. *Г.Н. Манова.* – М., 1991. – С.7–8.

тушунтиради. Унинг фикрича, хусусий мулк фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади<sup>1</sup>.

Кўпгина олимлар бугунга келиб жамиятда фуқаролик жамиятига хос белгилар шаклланганлигини қайд этадилар. М. Қирғизбоев фуқаролик жамиятига хос белгилар шаклланганлигини далиллар билан асослашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, *иқтисодий соҳасида* – нодавлат ташкилотлар, кооператив-ширкатлар, ижара жамоалари, акциядорлик жамиятлари, уюшмалар, корпорацияларнинг фаолият кўрсатаётганлиги; *ижтимоий соҳасида* – оила, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар, иш ва яшаш жойларидаги ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик фикрини аниқлаш, шакллантириш ва ифода этишнинг маданийлашган тартиблари, ижтимоий ихтилофларни куч ишлатмасдан, тазйиқсиз, қонунлар доирасида ҳал қилиш амалиётининг мавжудлиги; *маънавий соҳада* – сўз, виждон ва фикрлар эркинлиги, ўз фикрини очиқ билдиришнинг реал имкониятлари, ижодий, илмий ва бошқа уюшмалар мустақиллигининг ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатдан таъминланганлиги ҳозирги даврда Ўзбекистон фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бораётганлигини исботламоқда<sup>2</sup>.

Ҳуқуқшуносликнинг классик назарияси (Гегель таълимоти)да ҳам фуқаролик жамиятининг учта асосий белгиси, яъни иқтисодий, сиёсий ва маънавий белгилари қайд этилади. Бу асосий белгилар қайд этилган даврда ҳеч бир давлатда ҳозирги маънодаги Конституция ва ҳуқуқий манбалар бўлмаган. Инсоният ўз демократик тамаддун ривожига ҳаётини аниқ конституциявий-ҳуқуқий асосларда белгилашдек қадриятни ихтиро этди. Ҳозирги демократик дунёни мазкур қадриятларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ушбу демократик омил фуқаролик жамиятининг тўртинчи асосий белгисини келтириб чиқарди.

Академик М. Шарифхўжаев бугунги кунда фуқаролик жамиятига тўртта асосий белги хослигини таъкидлаб, уларни қуйидагича изоҳлайди. Фуқаролик жамиятининг *биринчи*, яъни бош асос-белгиси – хусусий мулкка асосланган иқтисодиёт. Хусусий мулк фақат очиқ, ботинан ривожланишга қодир, сиёсийлашмаган, ҳар қандай мафкура монополизмидан ҳоли жамиятдагина шаклланади, мавжуд бўлади. Фуқаролик жамияти мустақил ишлаб чиқарувчи, мустақил харидор

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Исламов З.М.* Общество. Государство. Право. – Т., 2001. – С.42–49.

<sup>2</sup> Қаранг: *Қирғизбоев М.* Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998. – Б.12–13.

ҳамда мустақил ва озод фуқаролар жамиятидир. Фуқаролик жамиятининг *иккинчи*, яъни сиёсий асос-белгисини кўппартиявийлик, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлар, мустақил жамоат уюшмалари таъминлайдиган плюрализм – сиёсий-ғоявий қарашларнинг хилма-хиллиги ташкил этади. Оммавий ахборот воситалари эса фуқаролик жамияти сиёсий асос-белгиси тизимида алоҳида сиёсий-ижтимоий, ғоявий-ташвиқий мақом касб этади. Фуқаролик жамиятининг *учинчи*, яъни маънавий асос-белгиси эркинлик, қонунлар олидида барчанинг тенглиги, ижтимоий адолат каби умуминсоний қадриятлар ҳисобланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, академик М. Шарифхўжаев назарияга конституциявий-ҳуқуқий асос-белги атамасини биринчи бўлиб фуқаролик жамиятининг *тўртинчи* белгиси сифатида киритди<sup>1</sup>.

Республикамизнинг етук ҳуқуқшунос олимлари жамоаси томонидан чоп этилган «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» дарслигида фуқаролик жамиятига хос бўлган асосий белги ва хусусиятлар яна ҳам кенгроқ берилган. Унда: иқтисодий эркинлик, мулк шакллариининг хилма-хиллиги, бозор муносабатлари; инсон ва фуқаронинг табиий ҳуқуқларини сўзсиз эътироф этиш ва муҳофаза қилиш; ҳокимиятнинг қонунийлиги ва демократик табиати; қонун ва одил судлов олдида барчанинг тенглиги, шахсининг ишончли ҳуқуқий ҳимояланганлиги; ҳокимиятларнинг бўлиниши ва ўзаро ҳамкорликда ишлашига асосланган ҳуқуқий давлат, сиёсий ва мафкуравий фикрлар хилма-хиллиги, ошқора муҳолифатнинг мавжудлиги; сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги; давлатнинг фуқаролар хусусий ҳаётига аралашмаслиги, уларнинг ўзаро мажбурият ва масъулияти; синфлараро тотувлик, шерикчилик ва миллий аҳиллик; одамларнинг муносиб ҳаёт даражасини таъминловчи таъсирчан ижтимоий сиёсатнинг мавжудлиги фуқаролик жамиятининг белгилари сифатида кўрсатилган<sup>2</sup>.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг назарий асосларини яратишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган ҳуқуқшунос олим Ҳ. Т. Одилқориев бундай жамиятнинг асосий белгиларини санаб ўтиш билан бирга, унга хос бўлган хусусиятларни яна ҳам тўлиқроқ ва кенгроқ тушунтириб беришга ҳаракат қила-

---

<sup>1</sup> Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т., 2003. – Б.10–14.

<sup>2</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Б. Бобоев., Ҳ.Т. Одилқориев. – Т., 2000. – Б.462.

ди. Фикримизча, олим томонидан тақдим этилган фуқаролик жамиятининг белгилари унинг мазмуни ва моҳиятини тўлиқроқ ёритишга имкон беради. Муаллифнинг «Конституция ва фуқаролик жамияти» монографиясида фуқаролик жамиятининг қуйидаги асосий белги ва хусусиятларини кўрсатиб ўтилган:

– жамият ва шахс эҳтиёжлари тизимида фаол ижобий фаолият ва меҳнатнинг роли алоҳида мазмунга эга бўлиши. Меҳнатга асосланган ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлар тизимининг қарор топиши;

– жамият мазмуни, унинг ривожланиш қонуниятлари моҳиятининг хусусий мулкчилик муносабатлари орқали белгиланиши;

– хусусий мулк барча мулк шакллари қатори раванқ топиши ва уни муҳофазалашда қонуннинг, давлат ҳокимиятининг алоҳида ўрин тутиши;

– фуқароларнинг ҳуқуқий жиҳатдан бир хил мақомга эгаллиги ва қонун олдида тенглиги. Жамиятда адолатли суд тизимининг қарор топиши ва унинг фуқароларни ҳимояловчи қосбон идорага айланиши;

– шахснинг хусусий ҳаёти ва иқтисодий фаолиятига давлат аралашувининг қонун доирасида чекланиши. Ҳуқуқий давлатчиликнинг мавжуд бўлиши;

– шахснинг давлат ҳокимиятига нисбатан мулкӣ ва иқтисодий мустақиллиги;

– давлат, давлат идоралари ва фуқаролар ҳуқуқнинг тенг субъекти сифатида муносабатга кириша олиши, уларнинг судда тенг тарафлар сифатида майдонга чиқа олиши. Фуқаролар ҳуқуқларини кафолатлаш ва устувор таъминлаш механизмларининг яратилганлиги;

– фуқаролик жамиятининг таркибий институтлари, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг мавжудлиги;

– жамиятнинг юксак маънавий-маданий ва ахлоқий ривожланганлиги инсонлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, иймон-инсоф доирасида, шахс кадрини эъзозлаш асосига қурилганлиги.

Ҳуқуқшунос олим Ҳ. Т. Одилқориев фуқаролик жамияти ҳақидаги илмӣ тавсиф ҳар томонлама тўлиқ ва мукамал бўлиши учун фуқаролик жамиятининг бугунги ташкилий тузилмалари ва институтларини уч гуруҳга: иқтисодий соҳадаги манфаатларни қаноатлантирувчи тузилмалар; ижтимоий соҳадаги манфаатларни акс эттирувчи тузилмалар: сиёсий соҳадаги манфаатларни акс эттирувчи институт ва тузилмаларга бўлиб таҳлил қилади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – Б.171–175.

Сиёсатшунослар ҳам фуқаролик жамияти белгиларини етарли даражада ўрганганлар. Жумладан, Л. Сморгунов ва В. Семеновнинг фикрича, жамиятнинг сиёсий ҳаётида демократик тузилманинг манбаи сиёсат қобиғида эмас, балки унинг ташқарисида, яъни инсон ўзининг мантиғи ва мазмуни билан тасаввур қилиб, ўз хоҳишлари ва қобилиятлари эркин барпо этилишини акс эттиради. Бу соҳа фуқаролик жамияти деб аталади. Фуқаролик жамияти демократиянинг асосини ташкил этади. Фуқаролик жамияти қанчалик ривожланса, жамиятнинг сиёсий тизими ҳам шунчалик демократлашади. Фуқаролик жамиятида инсон ўзининг яшаш, эркинлик, шахсий дахлсизлик, эркин меҳнат қилиш, мулкдор бўлиш каби ажралмас ҳуқуқларига эга. Оила, мактаб, меҳнат жамоалари, миллий ва ижтимоий гуруҳлар фуқаролик жамиятининг ўзига хос белгилари ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти инсоннинг шундай ҳолати билан тавсифланадики, унда жамият ҳар бир аъзосининг эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, фуқаро сифатида мустақиллиги акс этиши керак.

Қаерда фуқаролик жамияти ривожланмаган бўлса, ўша ерда инсоннинг ҳаёти, ҳақ-ҳуқуқи, тенглиги ва мустақиллигига хавф-хатар мавжуд бўлади.

Умуман олганда, кишилиқ жамияти фуқаролик жамиятига тўлиқ алоқадор эмас, аммо фуқаролик жамияти унинг асосий базаси ҳисобланади. Жамиятда давлат инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган, тенгликни ва адолатни кафолатлайдиган умумий сиёсий ташкилот сифатида иштирок этади. Бу ерда давлат жамиятнинг ҳокимият ва мустақиллик белгиларини ўзида ифодалайдиган ягона сиёсий шакли сифатида майдонга чиқади<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамияти – комил фуқаролардан, яъни узвий боғлиқликда бўлган ҳамда ахлоқий маданиятига таянадиган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан иборат жамият<sup>2</sup>.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга катта аҳамият берилади. Унинг асосий мақсади инсон ҳаётини сақлаш, унинг мақсадлари, ҳаётий орзулари, ниятларини шу жамиятдаги ташкилотлар, ижтимоий институтлар, гуруҳлар, оила ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишдир. Бу ташкилотлар, институтлар ва гуруҳлар алоҳида шахс-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Сморгунов Л.В, Семенов В.А.* Политология. – Санкт-Петербург, 1996. – С.80–81.

<sup>2</sup> Қаранг: *Саидов А.Х, Таджиханов У.Т, Одилқориев Ҳ.Т.* Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик. – Т., 2002. – Б.8.



га унинг ҳокимият манбаи эканлигини, унинг лаёқати ва ҳаракати, обрўси юксак кадрият эканлигини тушунтиришга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу ташкилот ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар<sup>1</sup>.

«Фуқаролик жамияти» тушунчасига давлат доирасидан ташқаридаги барча ижтимоий муносабатлар йиғиндисини киритиш унинг маъносини янада тўлиқроқ очиш имконини беради.

Ривожланган фуқаролик жамияти алоҳида индивидларнинг фаолияти эмас, балки гуруҳ, бирлашма, муассаса, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат тузилмаларининг ҳамкорлигидир<sup>2</sup>.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти муаммоси жамиятда шахс фаоллигининг ривожланишини таъминлаш, жамиятнинг демократлашувини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, айти пайтда давлат вазифаларини чеклаш, унинг фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш ва уни кучайтириш нуқтаи назардан кўриб чиқилиши керак. Бизнингча, «фуқаролик жамияти» тушунчасининг мазмуни жамиятдаги сиёсий муносабатларнинг бутун йиғиндисини, яъни иқтисодий, ижтимоий, шу жумладан сиёсий тузумни, давлатнинг ҳаётий асосини ташкил этувчи миллий, маънавий-руҳий, диний ва бошқа муносабатларни ўз ичига олади.

Фуқаролик жамиятида эркинлик, қонуннинг устуворлиги, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглиги унинг мавжуд бўлиши ва янада ривожланиши учун асосий шарт-шароитлардан ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ўзаро диалектик боғлиқ бўлиб, бир-бирини объектив тақозо этади, бири иккинчисисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Фуқаролик жамияти давлат билан биргаликда ривожланади. Ҳуқуқий давлатни фуқаролик жамияти ривожланишининг натижаси ва уни янада такомиллаштиришнинг шароити деб ҳисоблаш мумкин<sup>3</sup>.

Ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимларнинг фуқаролик жамиятининг белгилари, хусусиятлари, таркибий тузилмалари ҳақидаги мазкур таълимотлари ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ. Аксинча, бу таъ-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – Б.172.

<sup>2</sup> Қаранг: *Исломов З.М.* Гражданское общество: вчера, сегодня, завтра // Ўзбекистон: фуқаролик жамияти сари. – Т., 2003. – Б.58.

<sup>3</sup> Қаранг: *Вишневский А.Ф., Горбатов Н.А., Кучинский В.А.* Общая теория государства и права. – М., 2004. – С.542.

лимотлар бир-бирини бойитади ва фуқаролик жамиятининг мазмун-моҳиятини янада тўлиқ очиб бериш ҳамда унга мукамал илмий тавсиф бериш имкониятини яратади.

Ғарб мутафаккирларининг демократик жамият ҳақидаги таълимотларини ўрганиш уларнинг халқимиз ахлоқи, урф-одатлари, қадриятлари, менталитети, тафаккурига қанчалик мос келишини аниқлаш, Шарқ мутафаккирларининг «адолатли жамият» ҳақидаги таълимотларини ўрганиш эса улардан Ўзбекистонда эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантиришда бевосита фойдаланиш имкониятларини очиб беради.

Шарқнинг буюк алломалари ва мутафаккир олимларининг «адолатли жамият», «фозил давлат», «оқил ва халқпарвар ҳукмдор» тўғрисидаги таълимотлари бугунга келиб Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг назарий асосларини яратишга хизмат қилмоқда.

Фуқаролик жамияти давлатдан ташқарида ва давлатгача бўлган даврда мавжуд бўла олмайди, бундай жамиятдаги давлатда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади. Фуқаролик жамиятида давлатнинг асосий вазифаси фуқароларнинг фаровонлигини таъминлаш ҳамда қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари учун уларга барча шарт-шароитни яратиб бериш ҳисобланади. Жамият эса давлатдан ўз аъзоларининг ҳаёти, дахлсизлиги, соғлиғи ва хавфсизлигини ҳимоя қилишни талаб этишга ҳақлидир. Давлат аҳолининг турли қатламлари ўртасидаги моддий тафовутлар ва зиддиятларни юмшатиш учун ижтимоий дастурларни амалга оширишга мажбур ҳисобланиб, давлатнинг ташқи сиёсий ва муҳофаа қудрати билан ана шундай жамиятнинг мавжуд бўлиши, бошқа жамият билан моддий ва маънавий яқинлашуви таъминланиши керак.

Фуқаролик жамияти – инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган, унинг манфаатлари устуворлиги, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик муҳити шаклланган, умуминсоний қадриятларни эъзозлаш, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари сўзсиз амалга ошиши кафолатланган, жамоатчилик назоратида самарали фаолият кўрсатаётган демократик ҳуқуқий давлат мавжуд бўлган, юксак маънавий-маданий қадриятларга асосланган инсоний муносабатлар ҳукмронлик қилувчи адолатли, эркин ижтимоий макон.

## **II боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ**

### **2.1. Ўзбекистон Конституцияси – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий пойдевори**

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистонда давлат мустақиллиги ва ҳозирги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори бўлган Асосий қонун – Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини қабул қилиш бош вазифа қилиб қўйилди<sup>1</sup>. Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига садоқатини эълон қилиб, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлигини намоён қилиб, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақилликнинг меваси, маҳсули сифатида вужудга келди ва бугунги кунда адолатли, инсонпарвар, демократик ҳуқуқий фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. «Ўзбекистон ўзи учун демократик ривожланиш ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини аниқ ва равшан белгилаб олган ва бу мақсад Конституциямизда муҳрлаб қўйилган»<sup>3</sup>.

Академик М. Шарифхўжаев таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, *биринчидан*, жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари борасидаги демократик ютуқларига таянади; *иккинчидан*, жамиятда иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий фикрлар хилма-хиллигини, кўппартиявийликни мустаҳкамлайди; *учинчидан*, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришга жиддий ҳуқуқий таъсир кўрсатади; *тўртинчидан*, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ваколатларининг бўлинишини аниқ белгилаб беради; *бешинчидан*, Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси билан шартномали муносабатини мустаҳкамлайди; *олтинчидан*, ўзбек давлатчилигининг миллий хусусиятларини кенг ва

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т., 1996. – Б.185.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2015. – Б.8.

<sup>3</sup> *Каримов И.А.* Инсон унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. – Т., 2006. – Б.70.

асосли йўсинда акс эттиради; *еттинчидан*, ҳуқуқий нормалари таърифларининг лўндалиги, таҳлилий-концептуал маънодорлиги ва ифодаларининг аниқлиги билан ажралиб туради<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятларга эга эканлигининг ўзи унинг бугунги кунда ўзбек халқи ўз олдига қўйган энг эзгу олий мақсад – адолатли демократик фуқаролик жамияти куришининг асосий пойдевори эканлигини яққол кўрсатиб турибди. «Мустақил Ўзбекистоннинг илк Конституцияси – давлат ва жамият ҳаётининг Асосий қонуни қабул қилинганлиги биринчи босқичдаги қонун чиқариш фаолиятининг гултожиси бўлди. Конституция ёш давлатимиз чинакам мустақиллигининг, янги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар дунёга келишининг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда»<sup>2</sup>.

Олий ҳуқуқий кучга эга бўлган Конституция бевосита ҳаракат қилувчи универсал ҳуқуқий ҳужжат сифатида давлат ҳудудида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг барча иштирокчиларига зарурий ҳуқуқий мезон ва керакли хулқ-атвор намунаси, шунингдек субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг асосий манбаи ҳисобланади<sup>3</sup>. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг барча нормалари, ҳатто бугунга келиб белгиланган тартибда ўзгартирилган нормалари ҳам жамият тараққиётининг маълум бир босқичида асосий мақсадимиз бўлган фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қайси бир жиҳатдан хизмат қилган ва хизмат қилиб келмоқда. Амалдаги Конституциянинг Ўзбекистонда адолатли демократик фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун тўғридан-тўғри ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётган айрим нормаларини кўриб чиқамиз.

Фуқаролик жамиятининг асосий белги ва хусусиятларига асосланган ҳолда конституциявий нормаларни шартли равишда саккиз гуруҳга, яъни: 1) давлат, шахс ва жамиятнинг ўзаро муносабатини белгиловчи; 2) инсон ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаб, жамиятда уларни амалга ошириш учун барча шарт-шароитларнинг яратилиши, инсонларнинг меҳнатга асосланган ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлари тизимининг қарор топишини ҳамда адолат, ҳақиқий инсонпарварлик ғоя-

---

<sup>1</sup> Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т., 2003. – Б.248–250.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т., 1996. – Б.201.

<sup>3</sup> Қаранг: Конституционное право России / Отв. ред. А.Н. Кокотов, М.И. Кукишкин. – М., 2003. – С.23.

ларининг устуворлигини таъминловчи; 3) жамиятда барча миллат ва элатларнинг тинч-тотув ҳаёт кечириши ҳамда қонун олдида тенглигини таъминловчи; 4) фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этишини таъминловчи; 5) жамиятда кўппартиявийлик, ижтимоий ҳаётнинг, айниқса сиёсий ҳаёт ва сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллигини таъминловчи; 6) жамиятнинг иқтисодий асосини белгилаб берувчи, барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар ҳимоя этилишини таъминловчи; 7) жамиятда Конституция ва қонунларнинг устуворлиги ҳамда қонунийлик тамойилларини белгилаб берувчи; 8) суд ҳокимиятининг ҳамда одил судловни амалга оширишда судьяларнинг мустақиллигини таъминловчи нормаларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

1. Демократик фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири жамиятдаги хусусий муносабатларнинг давлат таъсири ва аралашувидан, маъмурий тазйиқлардан ҳоли бўлишидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустақамланганидек, бундай жамиятда: а) давлат халқнинг иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади; б) давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар (2-модда); в) давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилади (7-модда); г) давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширади (14-модда); давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар (15-модда); е) Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ва давлат бири-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан боғлиқдир (19-модда); ж) давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди (58-модда); з) диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди (61-модда).

Ушбу конституциявий нормалар, *биринчидан*, давлат билан жамият ўртасидаги муносабатларни аниқ белгилаб беради; *иккинчидан*, уларнинг бир-бирининг фаолиятига аралашмаслигини мустақамлайди; *учинчидан*, уларнинг бир-бирига боғлиқлик томонларини ҳам аниқ кўрсатиб беради; *тўртинчидан*, демократик фуқаролик жамиятида давлат устидан жамоатчилик назорати ўрнатилишини белгилайди. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олди-

да жавобгарлигининг Конституция нормасида мустаҳкамлаб қўйилганлиги давлат ва унинг органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва уни амалга ошириш тизимини ҳамда механизмини ривожлантиришнинг бевосита ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

2. Фуқаролик жамиятининг асосий шартларидан яна бири жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун барча шарт-шароитларнинг яратилиши, меҳнатга асосланган ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлар тизимининг қарор топиши ҳамда адолат, ҳақиқат, инсонпарварлик ғоялари устуворлигининг таъминланишидир. Фуқаролик жамиятида эркинлик, қонун олдида барчанинг тенглиги, ижтимоий адолатнинг таъминланиши ҳамма фуқароларнинг ижодий салоҳияти ва истеъдоди бевосита рўёбга чиқарилишига имконият яратади. Фуқаролик жамияти ҳуқуқ ва адолат мезонлари билан ўлчанади. Ҳуқуқ жамиятнинг ўзига хос «гуманистик императиви» (инсонпарварлик талаби), яъни инсоний-ахлоқий қонидаси, маънавий маёғи ҳисобланади<sup>1</sup>. Асосий қонунимизда шахс манфаати давлат манфаатидан устунлиги белгиланиб, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилган. Айнан ана шу қатъий талабни нафақат қонунларимиз ва ҳуқуқий меъёрларимизда белгилаб қўйиш, балки ушбу устувор принципни ҳаётимизга татбиқ этиш ўта муҳим аҳамиятга эгадир<sup>2</sup>.

Ўзбекистон халқи шунчаки демократик жамият эмас, балки адолатли демократик жамият куриш йўлидан бормоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «адолатга интилиш – халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак»<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масаласига бағишланган бўлиб, ўз ҳажми бўйича энг катта қисмларидан биридир. Чунки инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари – башарият маданиятининг умумий ютуғи. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бизнинг жамиятда фақат қонунлар билангина эмас, балки ўзбек халқининг

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – Б.170.

<sup>2</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Инсон унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. – Т., 2006. – Б.62–63.

<sup>3</sup> *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т., 1998. – Б.399.

ўзлигини англаши, одоб-ахлоқи, қилган эзгу ишлари ва меҳмондўстлиги билан ҳам мустаҳкамланади. Ўзбекистонда энг муҳим инсоний қадриятлардан бири ҳамиша оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий адабиётларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминловчи конституциявий нормаларни айрим олимлар: инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг умумий кафолатлари; ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш давлат мажбуриятлари; ҳуқуқ ва эркинликларни ўзи ҳимоя қилиш; суд ҳимояси; халқаро ҳимоя; зарарни қоплаш; одил судловнинг конституциявий кафолатларига ажратиб таснифлашса<sup>2</sup>, бошқалари эса уларни асосий конституциявий кафолат-нормаларга; умумий конституциявий кафолат-нормаларга; конституциявий-процессуал кафолат-нормаларга ажратган ҳолда ўрганишган<sup>3</sup>.

Конституциянинг қуйидаги нормалари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита белгиловчи нормалар сифатида алоҳида гуруҳларга ажратилади: а) Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади. Уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади (13-модда); б) давлат ўз фаолиятини ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади (14-модда); в) Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга. Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт (18-модда); г) фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир (19-модда); д) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосда эга бўлганлигидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир (21-модда); е) Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди (22-модда); ж) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро

---

<sup>1</sup> Қаранг: Саидов А.Х. Қиёсий конституцияшунослик. – Т., 1993. – Б.41.

<sup>2</sup> Қаранг: Баглай М.В. Конституционного право Российской Федерации: Учебник. – М., 1999. – С.252–264.

<sup>3</sup> Қаранг: Калашиников В.С. Система конституционных гарантий обеспечения прав и свобод граждан в условиях формирования в России гражданского общества // Государства и права. – М., 2002. – №10. – С.19–20.

ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади (23-модда); з) Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқаролар шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга: яшаш (24-модда), эркинлик ва шахсий дахлсизлик (25-модда), айбсизлик презумпциясидан фойдаланиш (26-модда), ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги (27-модда), бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш, Ўзбекистонга келиш ва ундан чиқиб кетиш (28-модда), фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш (29-модда) ҳуқуқларига эгадирлар; и) Ўзбекистонда ҳар бир шахс: мулкдор бўлиш, банкка қўйилган омонатларнинг сир тутилиши ва мерос ҳуқуқига (36-модда), меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, ишсизликдан ҳимояланиш (37-модда), дам олиш (38-модда), қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш (39-модда), малакали тиббий хизматдан фойдаланиш (40-модда), билим олиш (41-модда), илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш (42-модда) ҳуқуқларига эга; к) давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди (43-модда); вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир (45-модда); хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлидирлар (46-модда); л) оила жамиятининг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга (69-модда); оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади (65-модда); м) Ўзбекистон Республикасининг Президенти: фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир; амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Малисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади (93-модда). Конституциямизда қайд этилган ушбу нормалар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлаш, эркин, адолатли демократик фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

3. Жамиятда яшовчи барча миллат ва элатларнинг тинч-тотув, фаровон ҳаёт кечиришлари фуқаролик жамиятига хос бўлган асосий хусусиятлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қуйидаги қоидалари жамиятда барча давлат органлари ва унинг мансабдор шахсларига ўзларига берилган ваколатлар доирасида барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарининг



доимий ҳурмат қилинишларини, уларнинг ривожланишини таъминлайдиган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш жавобгарлигини юклайди: а) Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади; б) Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир (18-модда); в) Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади (57-модда). Жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, маданий соҳаларида барча миллат ва элатлар тиллари, урф-одатлари ва анъаналарининг тенг асосда ва адолатли ҳурмат қилиниши, ривожланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириш, албатта, жамиятда тинчлик, турли миллатлар ва элатлар ўртасида тотувлик сақланишига хизмат қилади.

4. Фуқаронинг бевосита ўзи ёки фуқаролик жамияти институтлари орқали давлат ишларини бошқаришда иштирок этиши таъминланганлиги ҳам бундай жамиятнинг ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Конституциянинг қуйидаги нормалари фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этишини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда: а) халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи (7-модда); б) жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади (9-модда); в) фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдум ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади (32-модда); г) сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар (60-модда); д) сайлов

куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутаты, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси бўлиши мумкин (77-модда); е) Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин (90-модда); ж) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар (117-модда).

5. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири кўппартиявийлик, ижтимоий ҳаёт, айниқса сиёсий ҳаётнинг ва сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллигидир. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш омилларидан бири – сиёсий майдон кенгликларида демократик мамлакатларга хос бўлган кўппартиявийлик тизимини қарор топтириш. Фақат кўппартиявийликка асосланган ижтимоий-сиёсий муносабатлар мажмуасигина фуқаролик жамиятини қуриш учун шарт-шароитлар яратади<sup>1</sup>. Фуқаролик жамиятига хос бўлган бундай хусусиятлар, энг аввало, жамиятда демократиянинг шаклланишида намоён бўлади. Сиёсий партиялар айни вақтнинг ўзида давлат ва фуқаровий жамиятни бир-бирига боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига, қонунийлик ва барқарорликка, давлат ва жамиятда демократизмга кафолатлар беришга қаратилган кўппартиявийликнинг конституциявий роли аниқлаб берилган<sup>2</sup>.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қуйидаги қоидалари Ўзбекистонда қонунийликка асосланган кўппартиявийлик, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм), ҳақиқий соғлом демократиянинг шаклланишига ҳуқуқий пойдевор ва асос бўлиб хизмат қилмоқда: а) Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч бир мафкура давлат мафку-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998. – Б.15–16.

<sup>2</sup> Қаранг: Саидов А.Х. Қиёсий конституцияшунослик. – Т., 1993. – Б.49.

раси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас (12-модда); б) фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилиш ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар (33-модда); в) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас (34-модда); г) ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (35-модда); д) Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади (56-модда); е) давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради (58-модда); ж) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат (77-модда).

6. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асос-белгисини хусусий мулк ва эркин иқтисодий фаолиятга асосланган бозор муносабатлари ташкил этади. Ўзбекистон Конституцияси фуқаролик жамиятининг қарор топишини хусусий мулкнинг қатъий мавқега эга бўлиши билан боғлайди. Жамиятда барча мулк шакллари ўртасида тенг рақобат бўлиши ва бир хил ҳимоя қилинишини, эркин иқтисодий фаолият юритишни таъминлаш Конституциянинг қуйидаги нормаларида мустаҳкамланган: а) ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли (36-модда); б) бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари

каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳоллар ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин (53-модда); в) мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади (54-модда).

7. Конституция ва қонунларнинг устуворлиги ҳамда қонунийлик тамойиллари тўлиқ таъминланган ҳуқуқий давлатгина адолатли демократик фуқаролик жамиятига хосдир. «Қонун устуворлигига эришиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим бўғинидир»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қуйидаги нормаларида: а) Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади (7-модда); б) давлат ўз фаолиятини қонунийлик принципи асосида амалга оширади (14-модда); в) Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар (15-модда); г) Ўзбекистон Республикасининг бирорта қонидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас (16-модда); д) фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт (20-модда); е) ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас (25-модда); ж) ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадрқимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас (26-модда); з) ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т., 1997. – Б.273.

ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас (27-модда); и) фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин (29-модда); к) диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди (31-модда); л) аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт (35-модда); м) барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларни бажарадилар (47-модда); н) фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар (48-модда); о) фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга (49-модда), атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга (50-модда), қонун билан белгиланган солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлашга (51-модда), қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир (52-модда); п) мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлат ҳуқуқининг ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт (54-модда); р) махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади (57-модда); с) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас (71-модда), Ўзбекистон Республикасининг қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир (72-модда); т) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир; у) Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганида ёхуд улар бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин (95-модда); ф) Ўзбекистон Республикаси

худудидида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар (118-модда); х) Ўзбекистон Республикаси худудидида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий, кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади (121-модда).

Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади<sup>1</sup>.

8. Демократик фуқаролик жамиятига хос бўлган асосий хусусиятлардан бири – суд ҳокимияти мустақиллигининг таъминланганлиги. Бугунги кунда «...Суд – инсоният аҳлининг бутун цивилизация тарихи давомида эришган энг буюк ютуғидир. Суд – қонунийлик ва ҳуқуқий-тартиботни таъминлашнинг ўта нозик сайқал топган энг такомилга етган воситаси (механизми)дир»<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «бугунги кунда бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш бўлмоғи зарур. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар»<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қуйидаги қоидалари жамиятда одил судловни амалга оширишда судларнинг мустақиллигини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда: а) Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принци-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б.28.

<sup>2</sup> Одилқориев Ҳ.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – Б.79–80.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т., 2003. – Б.30–31.

пига асосланади (11-модда); б) фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас (19-модда); в) жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади (26-модда); г) жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади (62-модда); д) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати биргаликда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилайди (78-модда); е) Олий Мажлис Сенати Президентнинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини, Олий судини, Олий хўжалик судини сайлайди (80-модда, 93-модда); ж) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди раислари Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенат мажлисларида иштирок этиши мумкин (81-модда); з) Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга (83-модда); и) Ўзбекистон Республикасининг Президенти вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади (93-модда); к) Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади (106-модда); л) судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди (107-модда); м) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради. Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзо бўлишлари ҳамда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас. Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсундилар (108-модда); н) Конституциявий суднинг қарорлари қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас. Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият

кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади (109-модда); о) Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир (110-модда); п) мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек тадбиркорлар ўртасида иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлар томонидан уларнинг ваколат доирасида амалга оширилади (111-модда); р) судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш, борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади. Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши, сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият тури билан шуғулланиши мумкин эмас (112-модда); с) ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади (113-модда); т) суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир (114-модда); у) Ўзбекистонда суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади (116-модда).

Хулоса тариқасида шуни айтиш жоизки, «бугун босиб ўтган йўлимизни танқидий ва холисона баҳолар эканмиз, юртимизда миллий давлатчилик, эркин ва обод жамият қуриш инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг салоҳияти ва кудратини, халқимизнинг ҳаёти даражасини юксалтириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида қандай улкан марраларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасига Конституциямиз белгилаб берган



йўл-йўриқларни оғишмай амалга ошириш натижасида эришаётганимизни мамнуният билан таъкидлаш лозим»<sup>1</sup>.

Конституциявий қоидалар жамиятнинг тарихий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ривожланиш даражасига мувофиқ келиши зарур, акс ҳолда у бажарилмайди<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси жамиятнинг тарихий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ривожланиш даражасига тўлиқ мувофиқ бўлиб, ўз мазмун-моҳияти билан халқ иродасини ифодаловчи, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳамда давлат ва жамият бошқарувининг демократик принципларини белгиловчи ва мустаҳкамловчи асосий қонундир.

## **2.2. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш**

Мустақиллик йилларидаги тараққиёт шуни кўрсатмоқдаки, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этади.

Фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган ҳуқуқий ислоҳотлар ҳақида гап кетганда амалдаги ҳуқуқ тизимининг мазмун-моҳияти, уни ислоҳ қилиш ҳамда такомиллаштириш нуқтаи назаридан икки ўзаро боғлиқ ибора – «ҳуқуқий ислоҳотни таъминлаш» ва «ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш» ибораларининг маъносини аниқлаштириш талаб этилади. Жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини, яъни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, маънавий жабҳаларни тубдан ислоҳ қилиш учун қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёни – «ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш», ушбу мақсадда қонун ва бошқа қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш жараёни амалдаги ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилишнинг бир йўналишидир. Демак, «ҳуқуқий ислоҳотни таъминлаш» ибораси «ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш» иборасидан кенг бўлиб, биринчиси иккинчисини ўз ичига олади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т., 2008. – Б.143–144.

<sup>2</sup> Қаранг: Мазуров А.В. Конституция и общественная практика. – М., 2004. – С.49.

Демократик жамият, бозор иқтисодиёти сари бошланган ҳаракатнинг ортга қайтмаслиги ва барқарорлиги унинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга бевосита боғлиқдир. Мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлгандагина, ўз умрини яшаб бўлган тузумни тўла ишонч билан қайта қуриш, ривожланган юқори самарали бозор иқтисодиётига эга янги жамиятни барпо этиш мумкин бўлади<sup>1</sup>.

Юқоридаги мулоҳазалар ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлашнинг зарурлиги ва аҳамиятини тўла тасдиқлайди. Ҳуқуқий адабиётларда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари жамиятнинг қайси соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш ва муносабатларни тартибга солишга қаратилганлиги асосида уч гуруҳга ажратиб таҳлил қилинади: а) сиёсий ислоҳотларни, яъни давлат қурилишига оид фаолиятни ҳуқуқий таъминлашга хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; б) иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлашга хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; в) суд ислоҳотларини, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари фаолиятини ислоҳ қилишни ҳуқуқий таъминлашга хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар<sup>2</sup>.

Ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш: *биринчидан*, ҳуқуқий демократик давлат қуриш; *иккинчидан*, туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш; *учинчидан*, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ рўёбга чиқариш; *тўртинчидан*, жамиятда мустақил суд ҳокимиятини қарор топтириш; *бешинчидан*, давлатнинг жамиятни бошқариш функцияларини аста-секин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтиши механизминини ҳуқуқий расмийлаштиришдир.

Ҳуқуқий ислоҳотларни таъминлаш деганда, жамиятнинг ҳуқуқий тизимини тубдан ислоҳ этиш, яъни уни маърифий дунё кадриятлари ва умум эътироф этган тамойиллар асосида демократик тарзда янгидан барпо этиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий бўғинларини инобатга олган ҳолда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари қуйидагича: а) ҳуқуқий тизимни либераллаштириш (эркинлаштириш); б) қонун чиқариш жараёнини, бутун ҳуқуқ ижодкорлигини демократлаштириш; в) ижтимоий ҳаётнинг

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ислон Каримов Конституция тўғрисида / Тузувчилар А. Саидов, У. Таджиханов. – Т., 2001. – Б.116–117.

<sup>2</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – Б.119.

ҳамма соҳаларида қонуннинг устуворлигини таъминлаш; г) бозор иқтисодиёти талабларини инобатга олган ҳолда ҳамда юридик техника қоидаларига риоя этган тарзда қонунчиликни системалаштириш, айниқса кодекслаштириш; д) ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари фаолиятини ҳам демократик ислоҳотлар қамровига олишни кенгайтириш; е) шахснинг ҳуқуқий муҳофазаланиши кафолатларини кучайтириш; з) ҳуқуқий ислоҳотни билимдон ва малакали кадрлар билан таъминлашнинг мукамал тизимини ташкил қилиш; и) аҳолининг кенг қатламлари ичида ҳуқуқий умумтаълимни жорий этиш; м) суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, одил судловни демократлаштириш, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари амалга ошириш<sup>1</sup>.

Мустақилликка эришилган дастлабки кунларданок Ўзбекистон олдида жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларни амалга ошириш, биринчи навбатда, унинг ҳуқуқий заминини яратиш вазифаси турарди. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий ислоҳотлар мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошланган десак асло хато қилмаймиз.

Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришлар амалга оширилган 1991–2000 йилларни ўз ичига олган *дастлабки босқични*<sup>2</sup>, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнини, уни амалга оширишнинг ҳар бир *босқичидаги* устувор йўналиш ва вазифаларни ҳисобга олиб, шартли равишда *даврларга* ажратилди.

***Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кундан то 1993 йилгача бўлган биринчи даврнинг ўзига хослиги***, биринчидан, 1991 йил 31 августда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг, иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан боғлиқдир. Бундан ташқари, ушбу даврдаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг ўзига хос хусусияти яна шундаки, бунда асосий эътибор жамиятни маъмурий-буйруқбозликка, фақатгина давлат мулкига асосланган иқтисоддан эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодга ўтишга қаратилган иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъмин-

<sup>1</sup> *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – Б.119–137.

<sup>2</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т., 2008. – Б.5.

ловчи қонунлар ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилишга қаратилди. 1991 йилнинг август-декабрь ойларида 13 та, 1992 йилда 52 та қонун қабул қилинди<sup>1</sup>.

Ушбу даврда қабул қилинган қонунларни, мазмун-моҳияти ва асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда, шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: а) давлат мустақиллигини эълон қилиш ва мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар; б) давлат ҳокимият органлари ҳақидаги ва демократияни шакллантиришга қаратилган қонунлар; в) инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, айниқса, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар; г) иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган қонунлар; д) жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар.

Мазкур даврда қабул қилинган қонунларнинг 22 фоизи суверен демократик Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилиш ва қонуний мустаҳкамлашга; 18 фоизи унинг давлат ҳокимият органлари ҳақида ва жамиятда демократияни шакллантиришга; 18 фоизи инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, айниқса, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган қисмини ҳимоя қилишга; 30 фоизи жамиятда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва бозор муносабатларини шакллантиришга; 12 фоизи эса жамиятда қонунийликни, хавфсизликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган.

***Иккинчи давр ўз ичига 1993–1996 йилларни олади.*** Ушбу давр 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш мақсадида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш даври бўлди.

Ушбу қисқа даврда амалдаги 51 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида қонунлар, шунингдек 107 та янги қонун ва 7 та кодекс қабул қилинди. Мазкур даврда, *биринчидан*, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципини қарор топтиришга; *иккинчидан*, инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, қонуний

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – Б.119–137.

манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг хизматларини муносиб тақдирлаш асосларини яратишни таъминлашга; *учинчидан*, давлат мулкани хусусийлаштириш, иқтисодий соҳада туб ислоҳотларни амалга ошириш ва ривожланган бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган қонунлар қабул қилинди.

Бу даврда қабул қилинган қонунларнинг 12,1 фоизи Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципини қарор топтиришни; 29,9 фоизи инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг хизматларини муносиб тақдирлаш асосларини яратишни; 33,6 фоизи давлат мулкани хусусийлаштириш, иқтисодий соҳада туб ислоҳотларни амалга ошириш ва ривожланган бозор муносабатларини шакллантиришни; 6,5 фоизи табиий муҳитни ҳимоя қилиш ҳамда ундан фойдаланишни тартибга солишни; 12,3 фоизи қонунийлик, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни; 5,6 фоизи эса жамиятда демократияни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилганлиги ушбу даврдаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳатларини намоён қилади.

***Учинчи давр 1997–2000 йилларни ўз ичига олади.*** Бу даврда ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий мазмуни жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янада чуқурлаштиришни ҳуқуқий таъминлашдан иборат бўлди.

Ҳуқуқий ислоҳотларнинг ушбу даврида 71 та қонун, 8 та кодекс ва 7 та амалдаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида, шундан 3 таси бўйича янги таҳрирда қонунлар қабул қилинди. Бу даврда қабул қилинган қонун ва кодексларнинг 10,8 фоизи инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмини яратишга; 6 фоизи жамиятнинг маънавий соҳаси, айниқса таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишни; 45,8 фоизи иқтисодга инвестиция, шу жумладан чет эл инвестициясини жалб этишни, иқтисодий субъектларнинг эркин фаолият кўрсатиши ва иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги фаолиятларни ҳуқуқий тартибга солишни; 26,6 фоизи жамиятда қонунийлик, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, 10,8 фоизи эса жамиятда демократияни янада чуқурлаштириш, айниқса оммавий ахборот воситалари фаолиятини кучайтиришни таъминлашга қаратилганлиги ушбу босқичдаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этди.

Ўзбекистон тараққиётининг 1991–2000 йилларни ўз ичига олган дастлабки босқичида совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилди, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик институтларининг фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, 2001–2007 йилларни ўз ичига олган *иккинчи босқич – фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври* – иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнаган давр бўлди<sup>2</sup>.

Жамият ривожланишининг ушбу иккинчи босқичи шартли равишда 2001–2002 йиллар, 2003–2004 йиллар, 2005–2007 йилларни ўз ичига олган уч даврга ажратиб таҳлил қилинди.

Ҳуқуқий ислоҳотларнинг 2001–2002 йилларни ўз ичига олган биринчи даврида жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштиришни таъминлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ҳуқуқий ислоҳотларнинг бу даврига хос хусусиятлар, авваламбор, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларини эркинлаштиришга доир стратегик дастурнинг қабул қилиниши билан боғлиқ. Ушбу дастур қабул қилинганидан кейинги даврда амалга оширилган ишлар ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: «*биринчидан*, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократлаштириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, хусусий мулкни, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес манфаатларини ҳимоялаш борасида зарур қафолатларни яратиб бериш бўйича ишлар амалга оширилди ва изчил давом эттирилмоқда; *иккинчидан*, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг бу муҳим соҳаларида муносабатларни тартибга солувчи бир қатор

---

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т., 2008. – Б.35.

<sup>2</sup> Қаранг: Кўрсатилган манба. – Б.5.

янги қонунлар қабул қилинди ва кўпгина қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилди. Жиноят, Жиноят-процессуал ва бошқа кодекслар қайтадан кўриб чиқилди; *учинчидан*, прокуратура тизими устидан ижтимоий назоратни кучайтириш, унинг айрим ҳуқуқларини чегаралаш ва қисқартириш, бу ҳуқуқларнинг кўпини суд идораларига бериш масалаларига аниқлик киритилди; *тўртинчидан*, инсон ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича миллий мониторинг тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда; *бешинчидан*, нафақат қонунчилик соҳасида, балки қонунларни амалиётга қўллаш, жазо тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилди; *олтинчидан*, судлар тўғрисидаги, прокуратура тўғрисидаги, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида, судларни жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштириш муносабати билан катор кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди»<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг бу фикр-мулоҳазалари ушбу даврдаги ислоҳотларнинг, жумладан ҳуқуқий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва хусусиятларини ҳар томонлама ёритиб беради.

Бу даврда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш, айниқса, ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлашга қаратилган 42 та ҳамда амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 6 та қонун қабул қилинди. Қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва асосий мақсадларидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, уларнинг 20,8 фоизи инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш механизминини вужудга келтириш, жамиятнинг маънавий тизимини янада такомиллаштиришга; 52,1 фоизи иқтисодий соҳада олиб борилаётган туб ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, айниқса, тадбиркорлик ва эркин иқтисодий фаолият кафолатларини яратишга; 16,7 фоизи жамоат тартиби ва хавфсизлигини, қонунийликни таъминлашга, муҳофаза соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга; 10,4 фоизи эса жамият сиёсий тизимини демократлаштириш, айниқса, давлат олий ҳокимият органлари тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишни янада чуқурлаштиришни таъминлашга қаратилган.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т., 2003. – Б.12–13.

Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йўлининг 2003–2004 йилларни ўз ичига олган иккинчи даврида жамиятда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш ҳуқуқий таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» деб номланган маърузасида белгилаб берилган жамият ривожланишининг устувор йўналишлари ва вазифалари жамиятда ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш учун дастуриламал бўлди.

Мазкур босқичда ҳуқуқий ислоҳотлар, *биринчидан*, халқимизнинг тенгсиз олий неъматини – мустақилликни асраш-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга, *иккинчидан*, хавфсизлик ва барқарорликни, давлат суверенитетини, фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга, *учинчидан*, жамиятнинг сиёсий тизимини янада демократлаштириш, икки палатали парламентни шакллантиришга, *тўртинчидан*, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шартини бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишга, *бешинчидан*, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек ошкораликни, демократик тамойилларни амалий ҳаётда жорий қилишга, *олтинчидан*, жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришга, *еттинчидан*, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янада чуқурлаштиришга, *саккизинчидан*, жамиятнинг демографик ва барча миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат юритишни таъминлашга қаратилди<sup>1</sup>.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, юқорида кўрсатилган устувор вазифаларни бажариш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. 2003–2004 йилларни ўз ичига олган бу даврда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 21 та янги қонун, 14 та амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида, шундан 8 таси бўйича эса янги таҳрирдаги қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунларнинг 33,3 фоизи жамият сиёсий тизимини янада эркинлаштириш,

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т., 2003. – Б.11–19.



жумладан давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида ислохотларни амалга оширишга; 22,2 фоизи иқтисодий ислохотларни амалга оширишга; 19,4 фоизи жамият маънавий соҳасининг, айниқса фан ва техниканинг ривожланишини ҳуқуқий таъминлашга; 13,9 жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда мудофаа соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга; 11,2 фоизи инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилди.

2005–2007 йилларни ўз ичига олган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишининг учинчи даврида: *биринчидан*, қонун чиқарувчи олий орган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилиши ва фаолият кўрсатишига; *иккинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат раҳбари сифатида ҳокимият органларининг ўзаро уйғун ва ҳамжиҳат фаолият юритишини таъминлашга; *учинчидан*, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ваколатини кенгайтириш ва ролини кучайтиришга; *тўртинчидан*, марказий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказишга; *бешинчидан*, судларни ихтисослаштириш ва уларни суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилишга; *олтинчидан*, жиноят процессида ярашув институтлари фаолиятини кенгайтиришга; 2008 йил 1 январдан мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судга беришни таъминлашга; *еттинчидан*, фуқаролик жамияти институтларини эркин ривожлантириш, уларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти самарадорлигини оширишга; *саккизинчидан*, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг эркинлигини ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, иқтисодиётда давлатнинг назорат ва бошқарув ваколатини кескин камайтириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашувини чеклашга; *тўққизинчидан*, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга; *ўнинчидан*, иқтисодиёт тармоқларида фаол инвестиция сиёсатини юритишга; *ўн биринчидан*, солиқ юкини камайтириш борасида изчил сиёсат олиб боришга; *ўн иккинчидан*, қишлоқ хўжалигида хусусий фермер хўжаликларни ташкил этишга; *ўн учинчидан*, аҳоли турмуш

шароитини яхшилаш, оилалар фаровонлигини янада ошириш, инсонлар саломатлигини яхшилаш ва аҳоли ночор қисмининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилди<sup>1</sup>.

Юқорида кўрсатилган устувор вазифаларнинг бажарилишини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида янги икки палатали парламент томонидан 140 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Қабул қилинган қонунларнинг ярмига яқини бевосита амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш орқали ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, сиёсий тизимни демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришни ҳуқуқий таъминлашга қаратилди. 2005–2007 йилларда қабул қилинган қонунларнинг 30,2 фоизи иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга; 23 фоизи жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашни кучайтиришга; 21,5 фоизи халқаро муносабатларни такомиллаштиришга, 11,5 фоизи инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга; 10,1 фоизи жамият сиёсий тизимини янада эркинлаштириш, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришга; 3,7 фоизи эса бошқа соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишни ҳуқуқий таъминлашга қаратилди.

Республикамыз тараққиётининг *учинчи босқичи* шартли равишда 2008–2009 йиллар, 2010–2016 йилларни ўз ичига олган икки даврга ажратиб таҳлил қилинди.

2008–2009 йилларни ўз ичига олган мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва янгилашни изчил давом эттириш даврида: *биринчидан*, макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, жалб этилаётган инвестицияларни кўпайтириш ҳисобидан таркибий ўзгаришларни қатъий давом эттириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилашга; *иккинчидан*, ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт, солиқ-бюджет сиёсатини янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантиришга; *учинчидан*, аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т., 2008. – Б.37–50.

соҳаларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга<sup>1</sup>; *тўртинчидан*, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишга; *бешинчидан*, бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттиришга; *олтинчидан*, қишлоқ турмуш даражасини юксалтириш, қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга; *еттинчидан*, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантиришга; *саккизинчидан*, мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришга; *тўққизинчидан*, банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишларига қаратилди<sup>2</sup>.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2008–2009 йилларни ўз ичига олган даврда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 34 та янги қонун, 66 та амалдаги қонунларга ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида, шундан 2 таси бўйича янги таҳрирда қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунларнинг 8 фоизи давлат ҳокимият органлари ҳақидаги ва жамиятда демократияни шакллантиришга; 11 фоизи инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, айниқса аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган қисмини ижтимоий ҳимоя қилишга; 8 фоизи инсон ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича миллий мониторинг тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга; 2 фоизи суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишни изчил давом эттириш ва янада чуқурлаштиришга; 4 фоизи қонунийлик, қонунларни амалиётга кўллаш, жазо тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш соҳасида ҳам жиддий ўзгаришларни амалга оширишга; 2 фоизи жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришга; 17 фоизи

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т., 2008. – Б.213–224.

<sup>2</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т., 2009. – Б.166–195.

халқимизнинг тенгсиз олий неъматини – мустақилликни асраш-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга; 5 фоизи хавфсизлик ва барқарорликни, давлат суверенитетини, фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга; 5 фоизи табиий муҳитни ҳимоя қилиш ҳамда ундан фойдаланишни тартибга солишга; 25 фоизи ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларни тартибга солиш ва амалга оширишни ҳуқуқий таъминлашга; 2 фоизи қишлоқ турмуш даражасини юксалтириш, қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга; 9 фоизи иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, бозор муносабатларини шакллантириш, банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилиш ишларига қаратилди.

2010–2016 йилларни ўз ичига олган даврда Ватанимиз мустақиллигининг шонли йигирма йиллигини нишонлаш арафасида халқимиз демократик ҳаёт қуриш борасида босиб ўтган йўлни сарҳисоб қилиш ва истиқбол учун янги вазифаларни белгилаш эҳтиёжи туғилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида баён этган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ана шу ижтимоий эҳтиёжга жавоб берувчи стратегик ва дастурий аҳамиятга молик ҳужжат бўлиб, адолатли ва фаровон жамият сари одимлаб боришимизнинг янги босқичини бошлаб берди. Унда давлатимиз раҳбари жамиятимизнинг истиқболли тараққиётини таъминловчи устувор йўналишларни белгилаш баробарида, бу борадаги муҳим вазифаларни ҳал этишда эликдан зиёд қонунчилик ташаббуси тарзидаги таклифларни баён этди. Хусусан, *биринчидан*, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўналишида Конституция ва бошқа қонунларга 7 та қўшимча ва ўзгартириш; *иккинчидан*, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш соҳасида 3 та янги қонун, 2 та янги таҳрирдаги қонун, 1 та дастур ва амалдаги қонунларга 5 та қўшимча ва ўзгартириш; *учинчидан*, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш хусусида 4 та янги қонун ва амалдаги

қонунларга 3 та қўшимча ва ўзгартириш; *тўртинчидан*, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш масалалари бўйича амалдаги қонунларга 5 та қўшимча ва ўзгартириш; *бешинчидан*, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида 3 та янги қонун, 1 та дастур қабул қилиш ҳамда 2 та қонунга қўшимча ва ўзгартириш; *олтинчидан*, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишида 12 та янги қонун, 3 та янги таҳрирдаги қонун ва амалдаги қонунларга 3 та қўшимча ва ўзгартириш киритиш масаласи кун тартибига қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг бу фикр-мулоҳазалари ушбу даврдаги ислоҳотларнинг, жумладан ҳуқуқий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва хусусиятларини ҳар томонлама ёритиб берди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари тақдим этган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» Олий Мажлис палаталари қонун ижодкорлик фаолиятининг стратегик дастуриламали сифатида мазкур фаолиятга янгича руҳ, маъно-мазмун, жўшқинлик, изчиллик ва тизимлилик бахш этди. Энг муҳими, барча қонунларимизни демократик фуқаролик жамияти куриш эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берадиган сифат ҳамда савияга эга бўлишига кўмак берди.

Концепцияда давлатимиз раҳбари катта миқдорда янги қонунларни қабул қилиш, кўплаб амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш борасида қонунчилик ташаббусини илгари сурди. Энг муҳими, Президентимизнинг қонунчилик ташаббуслари илмий ва амалий жиҳатдан чуқур асослангандир. Концепцияда белгиланган устувор вазифаларни собитқадамлик билан бажарилиши аҳолининг сиёсий-ижтимоий фаоллиги кучайишига, кўппартиявийлик тизими ривожланишига, жамиятимизни янада эркинлаштиришга, фуқаролик жамияти институтларининг мавқеи ва таъсири ошишига олиб келади. Энг муҳими, халқ ва давлат ҳокимият ўртасида доимий мулоқот, ўзаро ҳамкорлик кучайишида муҳим омил бўлади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010–2016 йилларни ўз ичига олган даврда 53 та қонун, 2 та кодекс ва 100 та

---

<sup>1</sup> *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва баркамол жамият орзуси. – Т., 2012. – Б.177–178.

амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида, шундан 15 таси бўйича янги таҳрирда қонунлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги 2010 йил 1 июнь, «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 7 июнь, «Архив иши тўғрисида»ги 2010 йил 15 июнь, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 29 сентябрь, «Ахборот кутубхона фаолият тўғрисида»ги 2011 йил 13 апрель, «Жиноят ишини юритиш чоғида камокда сақлаш тўғрисида»ги 2011 йил 29 сентябрь, «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги 2011 йил 4 октябрь, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги 2011 йил 5 октябрь, «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги 2011 йил 12 октябрь, «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги 2010 йил 22 декабрь, «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги 2010 йил 27 декабрь, «Рақобат тўғрисида»ги 2012 йил 6 январь, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги 2012 йил 26 апрель, «Мардлик» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги 2012 йил 11 сентябрь, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги 2012 йил 24 сентябрь, «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги 2012 йил 17 декабрь, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги 2012 йил 20 декабрь, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги 2012 йил 25 декабрь, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги 2013 йил 23 сентябрь, «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги 2013 йил 4 октябрь, «Гаров реестри тўғрисида»ги 2013 йил 23 октябрь, «Ўзбекистон Республикасининг бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2013 йил 26 декабрь, «Экологик назорат тўғрисида»ги 2013 йил 27 декабрь, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги 2014 йил 2 январь, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги 2014 йил 5 май, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май, «Тижорат сирини тўғрисида»ги 2014 йил 11 сентябрь, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги 2014 йил 25 сентябрь, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги 2014 йил 3 декабрь, «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги 2014 йил 26 май, «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги

2015 йил 25 август, «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги 2015 йил 26 август, «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги 2015 йил 9 декабрь, «Ўзбекистон Республикасининг божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2016 йил 20 январь, «Парламент назорати тўғрисида»ги 2016 йил 11 апрель қонунлари қабул қилинди<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда 2010–2016 йилларда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва асосий мақсадларидан келиб чиқиб ажратадиган бўлсак, уларнинг 22,5 фоизи давлат ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги ва жамиятда демократияни шакллантириш, сайлов эркинлиги янада таъминланиши ҳамда сайлов қонунчилиги ривожлантиришга; 10,9 фоизи инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг хизматларини муносиб тақдирлаш асосларини яратишни таъминлашга; 6,4 фоизи иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация жараёнларини изчил давом эттириш хусусий мулкка йўл очиб бериш мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шarti бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишга; 7 фоизи табиий муҳитни ҳимоя қилиш ва ундан фойдаланишни тартибга солувчи; 5,1 фоизи жамиятда қонунийликни, жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашни кучайтиришга; 13,5 фоизи ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларни тартибга ва амалга оширишни ҳуқуқий таъминлашга; 3,2 фоизи суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишни изчил давом эттириш ва янада чуқурлаштиришга; 9 фоизи мустақилликни асраш-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш ҳамда халқаро муносабатларни такомиллаштиришга; 3,2 фоизи қонунийлик, қонунларни амалиётга қўллаш, жазо тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш соҳасида ҳам жиддий ўзгаришларни амалга оширишга; 7 фоизи ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт, солиқ-бюджет сиёсатини янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантиришга; 4,5 фоизи аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рақобатлаштиришга; 7,7 фоизи банк

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базасининг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишларига қаратилди.

Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, умуман, бугун амалий ҳаётимизда қилаётган барча-барча ишларимиз мамлакатимизни ривожлантириш ва модернизация қилиш суръатларини қай даражада жадал таъминлаб бераётгани, бизни ўз олдимизга қўйган бош мақсадимизга, яъни Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишидек буюк мақсадга қанчалик яқинлаштираётганини англаш ва баҳолаш биз учун айниқса муҳимдир<sup>1</sup>.

Хулоса тариқасида шуни таъкидлаш жоизки, мустақил тараққиётимизнинг ўтган йилларида тўпланган оз бўлса-да, лекин ғоят мазмунли тажрибамиз бир ҳақиқатни такрор ва такрор тасдиқлаб бермоқда. Яъни, фақат демократик ўзгаришларнинг ҳаётда ўзини оқлаган моделлари негизида чуқур асосланган сиёсий йўл ва ислохотларни изчил амалга ошириш, бугунги дунёдаги тарихий ва реал воқеликни эътиборга олиш ҳисобидангина бу ислохотларнинг муваффақияти ва самарадорлигини, давлат ва жамиятнинг, аҳоли турмуш даражасининг юксак ва барқарор ўсиш суръатлар билан ривожланишини таъминлаш мумкин.

### **2.3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари**

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунлар устунлиги принципининг таъминланишидир. Бу принцип барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлишини талаб этади. Соҳибқирон Амир Темур айтганидек, «қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади»<sup>2</sup>.

Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг муқаддас принципларидан бири бўлган қонун устунлиги ва уни амал-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т.21. – Т., 2013. – Б.92–93.

<sup>2</sup> *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1996. – Б.125.



да таъминлаш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Қонун устуворлиги принципининг моҳияти ва уни таъминлаш муаммолари ҳуқуқ соҳасида кўпгина олимлар томонидан тадқиқ этилган. Россиялик ҳуқуқшунос олим Ю. А. Тихомиров қонун устунлиги ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий принципларидан бири эканлигини уқтиради. У қонуннинг устунлиги принципи унга хос бўлган барча хусусиятлар, яъни: а) давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари қонун орқали ҳал этилишининг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланганлиги; б) давлат органлари ва жамоат ташкилотларида қўлланиладиган барча ҳуқуқий ҳужжатлар ичида қонуннинг устунлиги; в) Конституцияда барчанинг қонунийлик принципа риоя қилиши мустаҳкамланганлиги; г) ҳуқуқий кучи жиҳатдан қонуннинг бошқа барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан юқорилиги; д) конституциявий назоратнинг амалга оширилиши белгилаб қўйилганида намоён бўлишини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Академик М. Шарифхўжаев ва профессор Н. Шодиевнинг фикрича, Конституция ва қонун устунлигининг моҳияти, *биринчидан*, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонуннинг қатъий ҳукмронлигини билдириб, барча давлат органлари, мансабдор шахс ва фуқароларнинг қонунга сўзсиз бўйсунishi, унга риоя этишини таъминласа, *иккинчидан*, жамият ҳаётини тартибга солувчи ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади, *учинчидан*, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларини ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлари, шунингдек ҳуқуқ нормаларини бузганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асос вазифасини бажаради<sup>2</sup>.

Профессор Ҳ. Т. Одилқориев ҳам Конституция ва қонуннинг устуворлиги принципининг моҳияти: 1) жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонунларнинг қатъий ҳукмронлиги, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг Конституция ва қонунларга сўзсиз итоат этишида; 2) ижтимоий муносабатларнинг жамият, фуқаро ва давлат манфаатларига мос тарзда тартибга солинганлиги, мамлакат миқёсида барқарорлик, батартиблик ва қонуний тартибот муҳити ўрнатилганлигида; 3) ҳуқуқ бузилиши ҳолларининг олдини олиш, шунингдек ҳуқуқий муносабат иштирокчилари қонунни бузган тақ-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Тихомиров Ю.А.* Теория закона. – М., 1982. – С.89–90

<sup>2</sup> Қаранг: *Шарифхўжаев М., Шодиев Н.* Ўзбекистон – конституциявий давлат. – Т., 2003. – Б.68.

дирда уларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асос вазифасини бажаришида намоён бўлишини ёзган<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунос олим Ў. Х. Муҳамедов қонуннинг устунлиги принципага таъриф берар экан, унинг қуйидаги жиҳатларини алоҳида кўрсатиб ўтади: *биринчидан*, мамлакатда Конституция ва қонунлар ҳуқуқий ҳукмрон бўлиб, уларни фақат давлатнинг олий вакиллик органи қабул қила олиши ва давлат раҳбари тасдиқлаши, улар ўзида халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этиши; *иккинчидан*, Конституция меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ичида энг олий ўрин эгаллаши ва унинг тантанасини ҳеч қандай ҳуқуқ ёки ахлоқий қоида билан чеклаб бўлмаслиги; *учинчидан*, қонунлар фақат республика ҳаётининг муҳим масалалари юзасидангина қабул қилиниши; *тўртинчидан*, қонунлар ўзида инсон манфаатларининг, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини акс эттириши; *бешинчидан*, Конституция ва қабул қилинажак ҳар қандай қонуннинг мазмун ва моҳиятида ижтимоий адолат ғоялари ётмоғи зарурлиги; *олтинчидан*, қонунлар тўғридан-тўғри, бевосита амалга ошириладиган ҳужжат бўлиши<sup>2</sup>.

Бугунги кунда «мамлакатимизда Конституция ва қонунлар устунлигини таъминлашнинг ҳуқуқий тизими яратилди»<sup>3</sup>. Лекин ушбу принципни амалда таъминлаш энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди. Бу тамойиллар Конституцияда аниқ белгилаб қўйилган, аммо яширишнинг ҳожати йўқ, улар амалда ҳозирча ўзининг тўлиқ ижросини топмоқда, дея олмаймиз. Бунинг муҳим сабабларидан бири суд ҳокимиятининг етарли даражада самарали фаолият юрита олмаётгани билан боғлиқ»<sup>4</sup>.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва пировардига етказиш борасида янги қонунлар қабул қилишимиз, амалдаги қонунларни эса танқидий кўз билан баҳолаб, уларга замон талаб қилаётган ўзга-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – Б.262.

<sup>2</sup> Қаранг: *Муҳамедов Ў.Х.* Конституция ва қонун устунлиги. – Т., 2003. – Б.15.

<sup>3</sup> *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – Б.266.

<sup>4</sup> *Каримов И.А.* Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т., 2003. – Б.31.

ришларни киритиш мақсадида ҳали жуда катта ишларни амалга оширишимиз лозим<sup>1</sup>. Лекин, минг афсуски, қабул қилинаётган қонун ва қарорларимизни жойларга етказиш, кенг тушунтириш ишлари, тарғиботлар ўтказиш ва кечиктирмасдан ҳаётимизга жорий этиш, бунинг учун керакли чора-тадбирларни кўриш – бугунги кунда фаолиятимизнинг оқсоқ бир томонига айланиб қолмоқда<sup>2</sup>.

Ҳозирга келиб Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш борасида жамиятнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири бўлган Конституция ва қонуннинг устуворлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари қуйидагича:

1. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолиятида ҳокимиятларни тақсимлаш принципига амал қилиб, ислоҳотларни амалга ошириш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини вужудга келтиришда асосий бўғин ҳисобланади<sup>3</sup>. Жамиятда давлат ҳокимияти тизимининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципини ҳаётда тўлиқ таъминлаш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Бугун бу соҳадаги асосий вазифалардан бири қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини амалга оширувчи идоралар фаолият олиб бораётган соҳаларнинг ўзаро мувозанати ва мутаносиблигини, шунингдек бу идораларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳар қайсисининг ўз вазифа ва бурчини бажаришини таъминлайдиган амалий механизмларни ҳаётга жорий этишдир. «Бу масалаларнинг моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, – деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов – шуни чуқур англаб олишимиз керакки, агар қайси бир мамлакатда ҳокимият тармоқлари ўртасида Конституция ва қонунлар билан белгиланган демократик баланс, яъни мувозанат амалда таъминланмаса ва ҳар қайси ҳокимият тармоғи, бу қонунчилик, ижро этувчи ёки суд ҳокимияти бўладими, ўзига юклатилган ваколат ва вазифаларни тўлиқ ва холисона бажармаса, бу ҳолат, ҳеч шубҳасиз, шу мамлакатда авторитар бош-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б.322.

<sup>2</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Инсон унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрят. Т.14. – Т., 2006. – Б.152.

<sup>3</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – Б.228.

қарув усули юзага келишига ва шу рухдаги қарорлар қабул қилинишига олиб келади»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг қиёфаси, унинг ижтимоий, иқтисодий равнақи, сиёсий тузуми, бошқарувининг демократик принциплари, жамият ривожланишининг стратегик йўналишлари, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлиги ҳамда маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди. Давлат мустақиллигига эришиш туфайли Ўзбекистон Республикасининг тамомила янги, инсон манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи чинакам демократик Конституциясини яратишдек улкан тарихий имконият вужудга келди. Ўзбекистон Республикаси XII чақириқ Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрдаги ўн биринчи сессиясида Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилиниши мамлакат тарихида оламшумул воқеа эди. Шунингдек, 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги қонунига мувофиқ, Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар, 2007 йил 11 апрель қонуни билан 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига, тузатишлар киритилди. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрь қонуни билан Конституциянинг 77-моддаси биринчи қисмига ўзгартириш, 2011 йил 18 апрель қонуни билан 78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрь қонуни билан Конституциянинг 90-моддаси иккинчи қисмига тузатиш, 2014 йил 16 апрель қонуни билан 32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ўтган давр мобайнида Конституциямизга етти маротаба қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Натижада Конституциянинг жами 31 та моддасидаги нормалар давлат ва жамият ҳаёти билан ҳамоханг тарзда амалга оширилган ислохотларга мос равишда ривожлантирилди. Шу ўринда, унинг 20 та моддасига бир маротаба, 7 та моддасига икки маротаба, 3 та моддасига уч маротаба, 1 та моддасига тўрт маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар ҳамда тузатишлар киритилганлигини таъкидлаш лозим.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б.323.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар бевосита жамиятда асосий конституциявий принциплардан бири бўлган Конституция ва қонуннинг устунлигини таъминлашга қаратилгандир. Юқорида таъкидлаб ўтилган конституциявий қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиришлар, *биринчидан*, давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги ваколатларнинг демократик асосларда янада мукамал қайта тақсимланиши, улар фаолиятининг мутаносибликда ва мувозанатда амалга оширилишини таъминламоқда; *иккинчидан*, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларини амалга оширувчи идораларга ўз фаолиятларини Конституцияда белгилаб берилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига тўлиқ риоя қилган ҳолда мустақил равишда олиб бориш учун барча зарурий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратди; *учинчидан*, доимий ва профессионал асосда фаолият олиб борувчи Қонунчилик палатаси қонунлар тайёрлаш устида ишлаш жараёнининг барча босқичларини демократик асосларда такомиллаштириш, ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш ҳамда сифатли, яъни демократик, адолатли, инсонпарвар қонунларнинг қабул қилинишини таъминлашга қаратилди; *тўртинчидан*, ҳудудий субъектларнинг маҳаллий кенгаш депутатлари вакилларини тенг миқдорда бирлаштирувчи парламентнинг юқори палатаси ҳисобланган Сенатнинг тузилиши мамлакатнинг барча ҳудудларидаги ҳаёт, амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотларга эга бўлиш, шунингдек қабул қилинаётган ҳар бир қонунда барча ҳудудлардаги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини Конституция ва қонунлар, адолат, инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда ҳимоя қилиш имконини беради; *бешинчидан*, сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан кўппартиявийлик асосида сиёсий партияларнинг қонун чиқарувчи орган қўйи палатасидаги вакиллиги кенгайтирилди ҳамда депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилди; *олтинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларининг қайта тақсимланиши натижасида давлат, суд тизими ва махсус хизматларни, чет эллар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш масалалари парламентнинг юқори палатаси ҳисобланган Сенатга ўтказилди; *еттинчидан*, Бош вазир номзодини таклиф этиш ва тасдиқлаш, унинг ҳисоботини тинглаш ҳамда муҳокама қилиш, унга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тартиби қатъий

белгилаб қўйилди. Бу жамиятда парламент ролини янада кучайтиришга ҳамда давлат қурилиши соҳасидаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш хизмат қилиши аниқ. Шунинг учун ҳам «барчамиз жамиятда мавжуд бўлган турли кучлар ўртасида, биринчи галда, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш тизимини ўрганишимиз ва амалда ҳаётга жорий этишимизга тўғри келади. Бусиз демократик давлат фаолиятини тасаввур этиб бўлмайди»<sup>1</sup>.

2. Бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам жамиятда бевосита Конституция ва қонунларнинг устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган. «Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш бўлмоғи зарур. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар»<sup>2</sup>.

Мустақиллигимиз қўлга киритилгандан то ҳозирга қадар суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар мантиқий изчиллик ва собитқадамлик билан босқичма-босқич амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилган (2014 йил 20 январда қўшимча ва ўзгартишлар киритилган) «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги, 2000 йил 14 декабрда янги таҳрирда қабул қилган (2014 йил 20 январда қўшимча ва ўзгартишлар киритилган) «Судлар тўғрисида»ги, 2001 йил 7 декабрда қабул қилган (2014 йил 22 апрелда қўшимча ва ўзгартишлар киритилган) «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги, 2006 йил 16 октябрда қабул қилган (2014 йил 14 майда қўшимча ва ўзгартишлар киритилган) «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги, 2012 йил 18 сентябрда қабул қилган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида»ги, 2010 йил 1 июнда қабул қилган «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Рес-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т., 2003. – Б.223.

<sup>2</sup> Кўрсатилган манба. – Б.30–31.

публикаси Хўжалик судлари тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2010 йил 26 апрель, «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 2 август, «Умумий юрисдикция судларининг тузилмасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги 2013 йил 24 июнь фармонлари, «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2012 йил 29 декабрь фармойиши ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди<sup>1</sup>.

Бу соҳада бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотлар, *биринчидан*, барча турдаги ва даражадаги суд идораларининг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил амалга оширишини ҳаётда таъминлашга, *иккинчидан*, умумий юрисдикция судларини ихтисослаштириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга, *учинчидан*, судьяларни танлаш ва лавозимга сайлаш (тайинлаш) жараёнини янада демократлаштиришга қаратилгандир.

3. Жамиятда адвокатура тизимининг ролини кучайтириш ҳам Конституция ва қонуннинг устуворлигини таъминловчи йўналишлардан биридир. «Биз адвокатура тизимини кучайтириш ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун қонунчилик соҳасида ҳам, амалий ишлар соҳасида ҳам кўпгина чора-тадбирлар кўрмоқдамиз»<sup>2</sup>. Бу борада 1996 йил 27 декабрда «Адвокатура тўғрисида»ги ва 1998 йил 25 декабрда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги ҳамда «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги дастлабки қадамлардир. Адвокатура тизими фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва кафолатларини яратиш, жамиятда адвокатларнинг мавқеи ва аҳамиятини кўтариш, *биринчидан*, судлов амалиётида барча иштирокчиларнинг Конститу-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базасининг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>2</sup> *Каримов И.А.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т., 1999. – Б.390.

ция ва қонунларга қатъий риоя қилишини, *иккинчидан*, одил судловда адолатнинг қарор топишини, *учинчидан*, адвокатларнинг ҳимоясидан фойдаланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини тўлиқ ҳимоя қилишни амалга ошириш орқали фуқаролик жамиятининг асосий шартларидан бири бўлган Конституция ва қонуннинг устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

4. Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, шу жумладан прокуратура, ички ишлар идоралари тизимларида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам ҳуқуқий демократик ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий шarti бўлган Конституция ва қонуннинг устуворлигини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов таъкидлаганидек, «Суд тизими билан бир қаторда жамиятда қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ҳам чуқур ислоҳотлар рўй бермоқда... Шубҳасиз, ҳаётимиздаги барча тармоқ ва жараёнларда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар қаторида ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам жорий қилинаётган ислоҳотлар ўзининг самараси ва натижасини бера бошлади. Энг муҳими, бу ислоҳотлар ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилишининг демократик ўзгаришлар йўлида босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлади»<sup>1</sup>.

5. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда «қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш»<sup>2</sup> жамиятда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан биридир.

Ҳуқуқий адабиётларда фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат хизмати соҳасида назоратни амалга оширишнинг учта йўналиши кўрсатилган: *биринчиси*, фуқаролик институтлари вакилларини давлат девонларида тузиладиган турли коллегиял тузилмаларга (танлов, шаҳодатлаш, малакавий ва бошқа комиссияларга) киритиш; *иккинчиси*, фуқаролик жамияти институтларини ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш босқичида ва давлат хизмати соҳасида ташкилий тад-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б.32.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т., 2003. – Б.28.



бирларни ўтказишга, давлат хизматига оид масалаларни очик ва кенг муҳокама қилишни амалга оширишда яқуний қарорни ишлаб чиқиш босқичида жалб этиш; *учинчиси*, давлат хизмати тизимида кадрлар масалалари бўйича қарор қабул қилишда фуқаролик жамияти институтлари билан келишиш. Шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда бугун биринчи ва иккинчи йўналишлар бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш: 1) фуқароларнинг, нодавлат нотажорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларини давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этишини; 2) давлат идоралари мансабдор шахслари зўравонлиги ва коррупциянинг олдини олишни; 3) фуқароларда давлатга, унинг идораларига бўлган ишончнинг мустаҳкамланишини; 4) жамиятда барчанинг Конституция ва қонунларга риоя қилишини, қонунийликни таъминлашда, мавжуд иллатлар, шу жумладан жиноятчиликка қарши курашда фуқароларнинг давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятини янада кенгайтиришни таъминлайди. Юқорида кўрсатилган барча омиллар, албатта, жамиятда Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

6. Конституция ва қонуннинг устунлиги принципини таъминлашнинг энг устувор, долзарб ва муаммоларга бой бўлган йўналиши – жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш. Ҳар қандай жамиятда адолатнинг қарор топиши, тинчлик-тотувлик, осойишталикнинг барқарор бўлишига фуқаролар, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади. Инсон, давлат ва жамият муносабатларида уйғунликка, улар манфаатларининг ўзаро мослигига эришилсагина, ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишимиз мумкин. Уларнинг бир-бирининг ҳуқуқларини яхши билишлари ва ҳурмат қилишлари, ўз мажбуриятларини сидқидилдан бажаришлари осойишталик ва фаровонликнинг зарур шarti ва омилидир. Бундай муҳитни яратиш эса ҳар бир фуқародан, жамиятнинг ҳар бир таркибий қисмидан, айниқса, давлат идоралари ва унинг ходимларидан юқори даражадаги ҳуқуқий маданиятга эга бўлишни талаб қилади. Таъкидлаб ўтиш керакки, «ижтимоий тараққиёт одимлари, жамиятимизда рўй бераётган, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган демократик жараёнлар суд-ҳуқуқ тизимида жорий

қилинаётган ислохотларни танқидий баҳолаб, уларни яна чуқурлаштиришни ва қатъиятлик билан олиб боришни талаб этмоқда»<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»<sup>2</sup>нинг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»<sup>3</sup>ги 2001 йил 4 январь фармойиши жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган асосий тадбирлардандир. «Фуқароларнинг ҳуқуқий хабардорлиги, айниқса ҳуқуқий саводхонлиги даражасини ошириш, ҳуқуққа нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш сиёсий онгни такомиллаштиришга, сиёсий билим доирасининг кенгайишига таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий хабардорлик ҳар бир фуқарога жамият ва давлат ишларини бошқаришда онгли равишда ва билимдонлик билан иштирок этиш, ўз хулқ-атвори ва фаолиятини тегишли тарзда бўлишини чинакам ҳуқуқий давлатнинг ва адолатли фуқаролик жамиятининг ажралмас қисмидир»<sup>4</sup>. Жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, *биринчидан*, ҳар бир фуқаронинг Конституция ва амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш ва уларга итоат этишини; *иккинчидан*, бугунги кунда қабул қилинаётган қонунлар муҳокамасида фаол иштирок этиш ва улардан тўлиқ хабардор бўлишни; *учинчидан*, жамиятнинг ривожланишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқлашда ёрдам берилишини; *тўртинчидан*, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқаларнинг, давлат ва жамиятнинг манфаатларига зарар етказмасликни; *бешинчидан*, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини амалга оширишлари ва ҳимоя қилишларини; *олтинчидан*, бошқалардан, айниқса давлат органлари ва унинг мансабдор шахс-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б.32–33.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – №9. – 227-м.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базасининг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>4</sup> Халилов Э.Х. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. – Т., 1997. – Б.26.

ларидан қонунларга риоя этишни талаб қилиш муҳитининг вужудга келишини таъминлайди. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «ҳар қайси инсон Конституция ва қонунларга ҳурмат билан қарагандагина бошқалардан, давлатдан, давлат идораларидан, қонунни муҳофаза қиладиган, унинг ижроси учун масъул бўлган ходимлардан ҳам қонунни сўзсиз бажаришни талаб қилишга ҳақли. Ана шундагина бутун жамият тафаккурида қонунга ҳурмат ва итоат билан қараш ҳукмрон бўлади»<sup>1</sup>.

Шунинг учун бугунги кунда ҳар биримиз, биринчи навбатда, қонунга амал қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишга, ўз ҳуқуқ ва эркинликларимизни қонун орқали ҳимоялашга, ўз мажбуриятларимизни оғишмай бажаришга ҳаракат қилишимиз керак. Бошқаларнинг, давлат ва жамиятнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини доимо ҳурмат қилишимиз лозим. Конституция ва қонун устуворлиги тантана қилишига, унга оғишмай риоя этиш эса ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчи бўлиб қолишига эришишимиз даркор. Бу эса Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий шартидир. «...биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б.153.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015. – Б.126.

## III боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

### 3.1. Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш – фуқаролик жамиятини ривожлантириш омили

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ижобий ва самарали ҳал қилиш биринчи навбатда жамиятни демократлаштиришни, оддийроқ қилиб айтганда, давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этишини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришни тақозо этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг муҳим ҳамда мураккаб йўналишларидан бири жамиятни демократлаштиришдир. «Демократлаштириш ва турмушимизнинг барча соҳаларида туб ислохотлар ўтказиш жараёни, узоқ ва узлуксиз давом этадиган жараён эканини аниқ билиб олишимиз керак»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, демократияни ривожлантириш ва демократик жамият қуриш соҳасида биз Европа Иттифоқи андозаларини қўллашимиз керак бўлади. Европа Иттифоқига хос демократик қадриятлар, инсон тафаккури, таълим тизими, ижтимоий кафолатлар, аҳолининг ижтимоий ҳуқуқлари – буларнинг барчаси биз учун тўла мос келади. Лекин бу тизимни кўр-кўрона кўчириб олиш тўғри бўлмайди. Бизнинг ўз менталитетимиз, ўз муаммоларимиз бор ва биз бу жиҳатларни ҳисобга олишимиз шарт<sup>2</sup>.

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида жамиятни модернизациялаш, аввало, унинг яхлитлигини сақлаб қолган ҳолда таркибий қисмлари, яъни жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари тизими, ўзини ўзи бошқариш идоралари, сиёсий партиялар, нодавлат ноижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари мустақиллигини ва жамиятни бошқаришда иштирок этишини янада кенгайтириб бориш орқали амалга оширилади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т., 1997. – Б.117.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т., 2005. – Б.367.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, «барча мамлакатлар учун, уларга хос хусусият ва аломатларни ҳисобга олган ҳолда, бирдек мос келадиган яккаю ягона – универсал демократия модели йўқ ва бўлиши мумкин эмас»<sup>1</sup>.

Юртбошимизнинг жамиятни модернизациялаш бўйича билдирган фикр ва мулоҳазалари, ғоялари ҳамда кўрсатмаларига асосланган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида демократияни янада чуқурлаштириш талаб этилади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир<sup>2</sup>.

Жамиятни модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларни, аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, куйида соҳаларга ажратиб таҳлил қиламиз.

1. Жамиятни модернизациялашнинг асосий шартларидан бири халқнинг сиёсий маданиятини юксалтириш, унга демократик эркинликларнинг мазмун ва моҳиятини тўғри тушуниб олиш ҳамда уни амалда қўллаш имкониятларини яратиб беришдан иборатдир. Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, сиёсий маданият, аввало фуқаролар, давлат идоралари ва унинг мансабдор шахслари, нодавлат нотажорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари ҳамда ўзини ўзи бошқариш идораларининг Конституция ва қонунга бўйсинишидан бошланади. Шунинг учун ҳам биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган адолатли фуқаролик жамиятида нафақат аҳоли сиёсий-ҳуқуқий билимининг ошиши, сиёсий онгининг юксалиши, балки, биринчи навбатда, барча даражадаги мустақил ҳокимият тармоқлари, нодавлат нотажорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолияти самарадорлигининг ортишига ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, жамиятнинг барча жабҳаларини, айниқса сиёсий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш йўлидан бораётган ҳар бир жамият сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксак,

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Инсон унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. Т.14. – Т., 2006. – Б.68.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т., 2005. – Б.177.

эркин фикрлайдиган ва соғлом тафаккурга эга бўлган шахсни тарбиялашга интилади. Фақат ана шундай шахслар яшаётган жамиятдагина демократия, фикр ва виждон эркинлиги, ҳақиқий кўппартиявийлик, фикрлар хилма-хиллиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланади, инсонпарварлик ва умуминсоний қадриятларга амал қилиб яшаш принципи ҳаётнинг асосий мезонига айланади. Чунки демократиянинг ижодкори, уни амалга оширувчиси, тарқатувчиси ва ривожлантирувчиси инсондир. Демократия халқнинг ҳокимиятга ўзи эгалик қилиши ва уни ўзи амалга оширишигина бўлиб қолмай, айти пайтда жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва бутун халқнинг ўз давлати ва жамиятининг келажаги, ўз тақдири олдидаги масъулияти ҳамдир. Шунини ифтихор билан қайд этиш жоизки, «фуқароларимиз сайловларга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим, жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига, демакки, ҳар бир сайловчи тақдирига таъсир кўрсатадиган сиёсий воқеа сифатида ёндашдилар. Бу ҳам бизнинг жамиятни демократлаштириш аҳолининг сиёсий маданиятини юксалтириш соҳасида эришган энг катта ютуқларимиздан биридир»<sup>1</sup>.

2. Жамиятдаги қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар, турли манфаатлар ўртасидаги мувозанатни барқарор таъминлайдиган механизмни барпо этиш, сиёсий ҳаётда ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳитини қарор топтириш ҳам жамиятни модернизациялашнинг асосий муаммоларидан биридир. Иқтисодий соҳада турли шакллардаги мулкларнинг вужудга келаётгани ва уларнинг қонун олдида тенглиги ҳамда давлат томонидан тенг муҳофаза қилиниши жамиятда ҳар хил ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг шаклланишини тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, турли мулк шакллариининг вужудга келиши ва ижтимоий табақаланиш жараёнига мувофиқ ҳолда манфаатлари ўзаро мос келмайдиган қарама-қарши кучлар ҳамда ҳаракатларнинг ҳам пайдо бўлишига олиб келмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда «Адолат» социал демократик, «Миллий тикланиш» демократик, «Гадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Либерал-демократик» ва Ўзбекистон Халқ демократик партияларининг фаолият юритаётгани кўппартиявийлик тизимининг шаклланишидан далолатдир. Мамлакатимиз сиёсий майдонида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётган ва халқимиз ўрта-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т., 2005. – Б.176.

сида ўзига эътибор тортаётган, аҳолимизнинг маълум ижтимоий гуруҳлари манфаат ва интилишларини ифода этишга қодир бўлган партияларга давлат раҳбари лавозимига номзодларни кўрсатиш ҳуқуқи берилиши, ўз навбатида, барча демократик норма ва талабларга тўлиқ жавоб беради<sup>1</sup>.

Жамиятда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, биринчи навбатда, парламентдаги сиёсий партиялар фракцияларнинг демократик қонунлар қабул қилиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида фаол иштирок этишлари, парламент фаолиятини ташкил этишда, шунингдек вакиллик ва ижроия ҳокимият органларини шакллантириш, уларнинг фаолиятини назорат қилишдаги роли кучайганлиги турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ўртасидаги мувозанатни вужудга келтирувчи механизмни шакллантирадиган асосий омиллардан биридир.

Ҳар бир сиёсий ташкилот ўз манфаатлари билан бошқа сиёсий бирлашмалардан фарқ қилади. Айнан гуруҳий манфаатлар сиёсий партия мақсадига асос қилиб олинади. Умумий ижтимоий манфаатга хизмат қилиш сиёсий ташкилотнинг гуруҳий манфаатга эга эканлигини рад этмайди. Бу ўринда гап сиёсий партиянинг ўз гуруҳий манфаатини давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлаштириш хусусида бориши мумкин. Аммо, баъзи манбаларда қайд этилганидек, гуруҳий манфаатлар ўз-ўзидан давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлашавермайди, акс ҳолда сиёсий плюрализмга ўрин қолмас эди. Сиёсий гуруҳлар манфаатининг мавжудлигини нафақат тан олиш, балки уларнинг ўзаро тортишувлари ва бир-бирларини назорат қилишини қўллаб-қувватлаш ҳам зарур. Ижтимоий баҳслар, тортишув ва ёндашувлар ижтимоий-сиёсий ҳаётни жонли ва жўшқин қилади, энг муҳими, гуруҳлар ўртасида ўзаро назоратни юзага келтиради, давлат яккаҳокимлигига, амалдорларнинг ўз вазифасини суиистеъмол қилишига йўл қўймайди<sup>2</sup>.

Бугунги кунда жамиятдаги манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантириш, ҳақиқий кўппартиявийликни қарор топтириш, мулкдорлар синфи ва ўрта синф шаклланишини жадаллаштириш, ижтимо-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т., 2008. – Б.145.

<sup>2</sup> Қаранг: *Мамадалиев Ш.О.* Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. – Т., 2003. – Б.168–169.

ий гуруҳлар ўртасидаги ҳамкорлик ва шерикчиликни вужудга келтириш, миллий истиқлол ғоясини жамият онгига мунтазам ва босқичма-босқич сингдириб бориш каби омиллар орқали таъминланмоқда<sup>1</sup>.

3. Жамиятда нафақат барча даражадаги давлат ҳокимиятининг ҳамма тармоқлари бир-биридан ажралган ҳолда ва мустақил фаолият кўрсатиши, балки барча нодавлат тузилмалари, ҳукуматга қарашли бўлмаган жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг Конституция ва қонунлар асосида бир-биридан мустақил ҳамда эркин фаолият олиб боришлари учун барча шарт-шароитларни яратиш, уларнинг фаоллигини оширишга ёрдам кўрсатиш бугунги энг долзарб вазифаларидан биридир. Ушбу муаммонинг ҳал этилиши жамиятнинг демократик принципларига ва амалдаги қонунларига асосланган ҳолда, ҳеч бир сиёсий кучнинг мафқурасига қарам бўлмасдан эркин фаолият кўрсатадиган, ўз мазмун-моҳиятига кўра жамиятнинг тараққиётига тўсқинлик қиладиган иллатларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга қодир бўлган сиёсий тизимни шакллантиришга имкон беради.

Жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатдан янгилашнинг устувор йўналишларидан бири сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик принципларни сўзда ёки қоғозда эмас, балки амалда жорий қилишдир. Ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари – матбуот, радио-телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши зарур<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да оммавий ахборот воситаларининг фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш бўйича қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш, фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасида устувор вазифалар белгилаб берилди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Эркаев А., Мўминов А., Қаҳрамонов А.* Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият. – Т., 2002. – Б.10.

<sup>2</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т., 2003. – Б.23.



Республика оммавий ахборот воситалари давлат томонидан соҳада изчиллик билан олиб борилаётган сиёсат натижасида фуқаролик жамияти институтлари тизимида тобора муҳим ўрин тутиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан газета, журнал, ахборотнома-бюллетень, радио, телевидение, ахборот агентликлари, веб-сайтлар каби жами етти турдаги оммавий ахборот воситалари давлат рўйхатига олинган.

Соҳанинг давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши замирида мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, юртимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказиш каби эзгу мақсадлар мужассам эканини алоҳида қайд этиш лозим.

Мустақилликнинг илк йилларида, яъни 1991 йилда оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 395 та бўлган бўлса, бугун улар 1454 тани ташкил этади. Улар 686 та газета, 302 та журнал, 15 та ахборотнома-бюллетень, 4 та ахборот агентлиги, 66 та телевидение, 34 та радио, 350 та интернет нашрлар (веб-сайтлар)дир. Уларнинг 775 таси, яъни 60 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир. Ҳозирда оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 тилида фаолият олиб бормоқда.

Республика оммавий ахборот воситаларининг ривожланиш динамикаси таҳлили миллий ахборот маконида хусусий сектор салмоғининг ошиб боришини ҳамда унинг ахборот ва сўз эркинлиги, фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда фаол иштирокини кўрсатади.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, журналистлар эркин фаолият кўрсатиши учун қонуний асос, зарур шарт-шароитлар яратилган. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Реклама тўғрисида» каби 10 дан ортиқ қонун ва 30 га яқин қонуности ҳужжатлари қабул қилинган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «барча оммавий ахборот воситаларига, мулк шакли, тиражи, қамрови ҳамда мавзу йўналишидан қатъи назар, уларнинг мамлақати-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базасининг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

миз ахборот майдонидан ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориши учун давлат зарур шарт-шароитларни яратиб бериши лозим»<sup>1</sup>.

4. Бугунги кунда жамиятни модернизациялаш, биринчидан, марказий давлат ҳокимияти идораларининг маъмурий ҳудудларни бошқариш бўйича ваколатларининг бир қисмини маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига босқичма-босқич ўтказиб бориш орқали уларнинг фаолиятини янада кенгайтириш, иккинчидан, жамиятда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда бошқа жамоат тузилмаларининг ҳуқуқи ва нуфузини оширишдир. Бундай жараённи самарали амалга ошириш, энг аввало, одамлар сиёсий-ҳуқуқий онгининг ошиб бориши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва фаоллигининг юксалиб боришига боғлиқдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жамиятни модернизациялаш жараёнида давлат ва жамиятни бошқариш соҳасидаги вазифа ва функциялар уч йўналишда қайта тақсимланиб борилмоқда. *Биринчи йўналиш* – республика марказий ҳокимият идораларининг айрим ваколатлари босқичма-босқич маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари зиммасига юклатилиши. *Иккинчи йўналиш* – маҳаллий давлат ҳокимиятлари ваколатларини, айниқса аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолининг урф-одатлари, анъаналари, ҳаёт тарзининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда яшашнинг умумий тартиб-қоидаларини белгилаш, тартибга солиш, назорат қилиш ҳамда коммунал хизматга тааллуқли масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари зиммасига ўтказиб бориш. *Учинчи йўналиш* – давлатнинг айрим ваколатларини Конституция ва қонунлар асосида фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат тузилмалари зиммасига ўтказиш орқали уларнинг жамиятни бошқаришдаги масъулиятини ошириб бориш.

5. Демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсий жабҳада ислохотларнинг самарали амалга оширилиши, энг аввало, бу жараёнда иштирок этаётган турли бўғиндаги кадрларга, айниқса раҳбар кадрларга боғлиқдир. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, «раҳбарларни танлаш ва тарбиялаш, керак бўлса раҳбарлик меҳнатига, тўғрироқ айтдиган бўлсак, раҳбарлик санъатига ўргатиш масаласи бугунги кунда

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т., 2003. – Б.23–25.

бошқариш тизимининг энг оғир муаммоси бўлиб қолмоқда»<sup>1</sup>. Ислохотларнинг муваффақияти кадрларнинг малакасига, уларнинг ташкилотчилик қобилияти, янги давр талабларини нечоғлик ўзлаштириб олгани, жонкуярлиги, ҳалол ва поклигига, қолаверса, ватанпарварлигига боғлиқ. Бошқарув тизимини такомиллаштириш бевосита раҳбарнинг маънавияти, шахс сифатидаги камолоти, етук ва комил инсонлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда<sup>2</sup>. Илгари бўлгани каби кадрларни шунчаки танлаб, жой-жойига қўйиш билан иш битмайди. Аввало, одамларни, биринчи галда барча даражадаги бошқарув ва ишлаб чиқариш раҳбарларини ўқитиш, тарбиялаш керак<sup>3</sup>.

Бундай вазифани ҳал этиш ҳар қандай даврда ҳам осонликча ҳал бўлмаган. Чунки бу одамларнинг тафаккури ва дунёқарашини ўзгартиришни тақозо этадиган, жамиятдаги маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, лоқайдлик, боқимандалик, коррупция каби иллатларни бартараф этиш, кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишни талаб қиладиган узоқ муддатли жараён дир.

Бугунги кунда истеъдодли, изланувчан, чуқур билим ва юксак малакага, сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эга бўлган, Ватанга, она заминга содиқ, ўз манфаатларини давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлаштирган ҳолда фаолият юритувчи, Республика Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «кечаю-кундуз эл ғами ташвиши билан яшаб, олдида турган муаммолар ечимини топмагунча, бошланган ишларни охирига етказмагунча ўзига ҳам, бошқаларга ҳам тиним бермасдан меҳнат қиладиган инсонларга бўлган эҳтиёж нафақат давлат идораларида, балки жамият сиёсий тизимининг барча таркибий қисмларида ҳам мавжуд дир»<sup>4</sup>.

6. Жамиятнинг таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодда ватанпарварлик ва миллий ғояга содиқлик фазилатларини шакллантириш борасида олиб борилаётган ишлар келгусида сиёсий тизимнинг барча таркибий қисмларини

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч–қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т., 2004. – Б.177.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т., 1997. – Б.204–205.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – Б.304.

<sup>4</sup> Қаранг: Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч–қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т., 2004. – Б.177.

юксак маънавият ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятга, чуқур билим ва юқори даражадаги касбий малакага эга кадрлар билан таъминлаш имконини беради. Мамлакатимизнинг демократик янгиланиш ва эркин ижтимоий тузумга хос бўлган барча асосий кадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳозирги кунда ҳеч қандай куч тўхтата олмайдиган муқаррар, қонуний жараёнга айланди<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда билим олиш тизими оила ва мактабгача тарбия муассасаларида, бошланғич, таянч, ўрта мактабларда, бошқа таълим юрталари (гимназия, лицей ва бошқалар)да умумий таълим олиш билан, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш тизими бўйича шаклланган.

Бугунжаҳон банки маълумотида кўра, мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,34 фоизга етган. Бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касб-ҳунарга эга бўлган ёшларгина мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин. Юртбошимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва халқ учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар»<sup>2</sup>.

Фуқаролик жамиятининг интеллектуал салоҳиятини таъминлаш ва муттасил юксалтириб боришда мактабнинг аҳамияти беқиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгаллиги таъкидланган. Билим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқларидан биридир. Мамлакатда таълим ва тарбия инсонпарвар ва демократик характерга эга. Истиқлол йилларида ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш мақсадида 200 га яқин ҳуқуқий ҳужжат, жумладан 15 дан ортиқ қонун, Президентимизнинг 60 дан ортиқ фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 100 дан зиёд қарор қабул қилинди.

Бугунги кунда республикамиз халқ таълими тизимида 9698 та умумтаълим мактабида 4,6 миллион ортиқ (4682477 нафар) ўқувчила-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т., 2005. – Б.176.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. – Т., 2010. – Б.95.

ринг ҳуқуқий онгини юксалтириш учун жами 385625 нафар педагог фаолият кўрсатиб келмоқда. 2015 йилда 1-синфга борган 631000 нафардан ортиқ болага 12 номдаги ўқув қуроли ва портфеллар текинга берилди. Шунингдек, 492493 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларига қишки кийим-бош тўплами берилди<sup>1</sup>.

Юртимизда таълим соҳасида ўқув муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. 2014 йилда ҳаммаси бўлиб 540 дан зиёд объект, шу жумладан 380 та мактаб, 160 дан ортиқ касб-хунар коллежи ва академик лицей тубдан янгиланди. Мазкур мақсадлар учун қарийб 550 миллиард сўм сарфланди. Ушбу маблағларнинг 120 миллиард сўмдан ортиғи таълим муассасаларини ўқув, лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш учун ажратилди. 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш дастури доирасида 19 та олий таълим муассасасида қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича қиймати 230 миллиард сўмлик ишлар бажарилди<sup>2</sup>. 2015 йилнинг ўзида 353 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, 147 та касб-хунар коллежи ва академик лицейда қарийб 400 миллиард сўм ҳажмидаги капитал таъмирлаш ишларини амалга оширилди<sup>3</sup>. Таълим-тарбия муассасаларини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бугунги кун талаблари асосида жиҳозлаш мақсадида 2015 йилда давлат бюджетидан таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга 34,3 фоиз ҳамда соғлиқни сақлаш тизимига 14,2 фоиз маблағ сарфланди<sup>4</sup>. 2020 йилгача эса 500 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, жумладан 101 та янги мактаб барпо этиш ва 810 та касб-хунар коллежи ва академик лицейларни капитал таъмирлаш режалаштирилмоқда.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг концептуал масалалари // Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2016. – Б.131.

<sup>2</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015. – Б.236–238.

<sup>3</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Эришган марралар билан чегараланмасдан, бошлаган ислохотларимизни янги босқичга кўтариш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. Т.23. – Т., 2015. – Б.286.

<sup>4</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015. – Б.237–238.

Тиббиёт соҳасида 2015 йилда 98 миллион доллар ҳажмидаги маблағ ҳисобидан 83 та тиббиёт муассасасини, 2020 йилгача эса 180 миллион доллардан зиёд маблағ эвазига 230 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш назарда тутилмоқда<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш аҳолимиз, аввало, ёш авлодимизнинг соғлиғини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини инобатга олиб, бу соҳага алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу борада спорт иншоотларини ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни замонавий инвентарлар билан жиҳозлаш учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. 2014 йил мобайнида фақат Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан 18 та намунавий спорт объекти ва 73 та мактаб спорт зали барпо этилгани, 24 та объектда қарийб 100 миллиард сўмлик реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 2 миллионга яқин фарзандларимиз, шу жумладан, 840 мингдан ортиқ қиз болалар спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда<sup>2</sup>.

Жумладан, давлат бюджетининг социал соҳаларга йўналтирилган йиллик харажатлари изчил ошиб бораётганини, биргина 2015 йилда ушбу рақам 60 фоиздан ортганини бу борадаги кенг кўламли ислохотларнинг мантиқий натижаси сифатида ёш авлодимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг моҳиятини, хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барча вилоят, шаҳар ва туманларимизда 300 га яқин мусиқа ва санъат мактаблари, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилгани, сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етди<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Эришган марралар билан чегараланмасдан, бошлаган ислохотларимизни янги босқичга кўтариш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. Т.23. – Т., 2015. – Б.286–287.

<sup>2</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015. – Б.238.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори // <http://www.press-service.uz/uz/document/5257/>

Нуфузли халқаро мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари эришаётган ғалабалар тобора кўпайиб бормоқда. Барчамизга мамнуният етказадиган томони шундаки, истеъдодли ўғил-қизларимиз халқаро майдонларда кўлга киритаётган катта ғалабалари билан Ўзбекистон ёшларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини такрор ва такрор намоён қилмоқда. 2015 йили 1 минг 668 нафар спортчилармиз, жумладан 567 нафар қизларимиз 165 та халқаро мусобақада иштирок этиб, 983 та медални кўлга киритганини, ёш иқтидорли мусиқачи ва ижрочиларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 та совринли ўринга сазовор бўлганини ва уларнинг 76 таси Гран-при ва биринчи ўрин эканини айтиш жоиз. Спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим ва кучли омили бўлиб келмоқда ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолиши шубҳасиз<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февраль қарори асосида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури қабул қилинди. Қабул қилинган йил дастурига асосан аввало аҳоли турмуш даражасини энг юқори поғоналарга кўтариш, она ва бола саломатлигини таъминлаш, соғлом фарзандни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида қаратилди. Республикаимизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган замонавий мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, болалар ижодиёти марказлари, муҳташам спорт саройлари, тиббиёт масканлари бугунги кунда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, бугун бизнинг демократик давлат, фуқаролик жамияти, замонавий иқтисодиёт тизимини барпо этиш, дунёда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида эришаётган ютуқларимизни ва барқарор натижаларимизни жаҳон жамоатчилиги тан олаётган экан, «...Бунинг боиси – аввало, эл-юртимизнинг қандай бой тарих ва маданий-маънавий меросга эга эканида, унинг интеллектуал салоҳияти ва илдизлари нақадар чуқур эканида, халқимизнинг ўз олдига қўйган юксак мақсадларга эришиш йўлида қандай буюк ишларга қодир эканидир. Бунинг боиси – биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва эзгу мақсад-муддаомиз бўлмиш эркин, озод ва обод ҳаёт бунёд этишда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаймиз»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади // *Халқ сўзи.* – 2016. – 11 февраль.

<sup>2</sup> *Каримов И.А.* Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015. – Б.170.

### **3.2. Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида фуқаролик жамияти институтлари ҳамда улар фаолиятини такомиллаштириш**

Очиқ ва кучли фуқаролик жамиятини бугунги кунда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва кенг қатламлари манфаатларини ифода этадиган мустақил ва барқарор нодавлат ноижорат ташкилотлар, эркин оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ривожланган тизимсиз тасаввур этиб бўлмайди<sup>1</sup>.

Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар жамиятнинг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар – нодавлат ноижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, жамоат тузилмалари ва ҳаракатлар ҳозирги замон сиёсий жараёнининг асосий иштирокчиларидир. Бугунги кунда жамиятнинг сиёсий соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти борган сайин ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар», деб кўрсатилгани жамиятда ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг вужудга келиши ва фаолият кўрсатиши учун конституциявий асосдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон қонунларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, фаолият юритаётган ижтимоий-сиёсий ташкилотларни уларнинг мақсадлари ва фаолиятининг мазмун-моҳиятига кўра шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: а) сиёсий партиялар ва ҳаракатлар; б) аҳолининг муайян тоифалари ёки жамият ижтимоий ҳаётининг муайян соҳалари манфаатларини кўзлаб фаолият юритувчи нодавлат ноижорат ташкилотлари ва жамоат тузилмалари; в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари.

Биз қуйида уларнинг бугунги кунда Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги фаолияти ва ўрнини кўриб чиқамиз.

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш муаммоларини сиёсий партиялар ва

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т., 2008. – Б.42.



уларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини чуқур ўрганмай туриб ижобий ҳал қилиб бўлмайди.

Истеъдодли ёш олим А. Янгибаевнинг фикрича, «замонавий демократик жамиятда сиёсий партиялар фаолиятининг энг муҳим мақсади – жамият ва давлат ўртасида икки томонлама алоқани таъминлаш. Бундай ўзаро алоқа у ёки бу масала, сиёсий ҳаракатлар амалиёти ҳамда бир қатор муҳим жиҳатларнинг муштараклигига асосланган, жамият ва давлат манфаатларини ифодаловчи узоқ муддатли сиёсий дастурларни амалга ошириш юзасидан ягона нуқтаи назарни яратишдан иборат. Фуқаролик жамиятининг бошқа субъектларидан фарқли ўлароқ, сиёсий партиялар давлат ҳокимияти органларини шакллантириш, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир кўрсатиш имкониятларига амалда эга бўлади»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»<sup>2</sup>ги қонунининг 1-моддасида: «Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир», деб кўрсатилган. Сиёсий партияга қонунда берилган ушбу таърифда қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш жоиздир: сиёсий партия, *биринчидан*, қарашлари, манфаатлари ва мақсадлари бир ёки жуда яқин бўлган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашуви асосида тузилади; *иккинчидан*, жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқариш мақсадида давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда иштирок этади; *учинчидан*, қонунда белгиланган тартибда сайланган вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашади. Сиёсий партияларнинг фаолият йўналиши негиздаги ихтиёрийлик, кўнгиллилиқ ва очиқлик уларнинг Ўзбекистонда барпо этилаётган адолатли фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири эканлигини кўрсатади.

Профессор Ш. Мамадалиев сиёсий партияларнинг вужудга келиши борасида қуйидаги фикрни илгари суради: «Сиёсий партиялар

---

<sup>1</sup> Янгибаев А.К. Ўзбекистон Республикаси сиёсий партияларининг давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда иштирокининг конституциявий-ҳуқуқий асослари. – Т., 2015. – Б.16.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – №2. – 36-м.

давлатнинг яккаҳоқимлиги ва мутлақлигини чеклаш мақсадида пайдо бўлади. Дастлаб улар яширин ҳолда ва ҳукмдорларнинг мустабид тузумини танқид қилувчи кишиларнинг ихтиёрий уюшмалари сифатида юзага келган. Ҳурфикрлик, эрк ва озодлик учун кураш ғояларининг, илму маърифатчилик ҳаракатининг кенг ёйилиши билан демократик ғояларни ҳимоя қилувчи, давлатнинг яккаҳоқимлигини чеклашга даъват этувчи сиёсий бирлашмалар, партиялар ижтимоий-сиёсий тизимда ўз ўрнини топа борди»<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунос олим Т. Раҳматуллаевнинг фикрича, бугунги кундаги сиёсий партиянинг ўзига хос хусусиятини ўз ваколатини ҳукуматга ўтказиш, давлат ҳокимиятини ўз қўлида сақлаб туриш ҳамда унга таъсир кўрсатиш учун сайловларда иштирок этиш ташкил этади. Партия ўз мақсадини амалга ошириши, жамиятга таъсир ўтказиши учун партия аъзолари сиёсий тизимда раҳбарлик ўринларини эгаллашлари лозим. Шундан кўриниб турибдики, ҳокимиятга интилиш ҳар бир партиянинг асосий белгисидир. Жамоатчилигимиз орасида аксарият ушбу ҳақиқатни ё тушунмайди, ё тан олгиси келмайди, аксинча ундан кўрқади. Қачонки сиёсий партиянинг илдизи жамият, халқ орасига кириб борса, юқори қисми давлатга етиб боради. Яъни, сиёсий партия жамият ичидан чиқиб, унинг муаммоларини чуқур англайди ва уларни сиёсий йўл билан ҳал этиш учун ўртага ташлайди. Бошқача айтганда, партия муаммони ҳал этиш йўлида ошкораликни таъминлаб, жамоатчилик назорати ўрнатилишига олиб келади<sup>2</sup>.

Сиёсий партияларнинг мавжудлиги – демократик тизимлар ривожланишининг зарурий шарт-шароитларидан бири. Демократия тамойиллари нуқтаи назаридан ёндашганда эса, сиёсий партиялар давлат органлари тизимига кирмайди ва бевосита давлат ишларида иштирок этмайди. Аммо сиёсий партиялар бир вақтнинг ўзида ҳам давлат соҳасига, ҳам фуқаролик жамиятига тааллуқли институт эканлиги билан ажралиб туради<sup>3</sup>.

Сиёсий партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сони, дастурий йўл-йўриқларининг ўзига хослиги ижтимоий манфаатлар йиғиндиси ва жамланиши орқали табиий йўл билан белгиланмоғи керак. Сиёсий

<sup>1</sup> Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. – Т., 2003. – Б.163.

<sup>2</sup> Қаранг: Раҳматуллаев Т. Сиёсий партия ва демократик тамойиллар. – Самарқанд, 1989. – Б.12.

<sup>3</sup> Қаранг: Қирғизбоев М. Фуқаролик: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т., 2010. – Б.109–110.

партиялар мавжуд бўлишининг асосий ва бирдан-бир принципи давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат бўлмоғи лозим. Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар халқ билан ҳокимият ўртасида асосий боғловчи бўғин бўлган демократик институтга тезроқ айланиши ғоят муҳимдир<sup>1</sup>.

Фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришда сиёсий партия институтлари орқали иштирок этишини янада фаоллаштириш мақсадида 2004 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш тўғрисида»ги қонуни<sup>2</sup> қабул қилинди. Ушбу қонун сиёсий партияларни молиялаштириш манбалари, унинг асосий принциплари, сиёсий партияларнинг давлат томонидан молиялаштириш ва хайрия ёрдами бериш, маблағлардан қонунда белгиланган мақсадларда фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш тартибларини белгилаб берди. Қонуннинг 6-моддасига асосан, сиёсий партиялар молиявий ва бошқа манбалардан, қонунда ҳамда уставларида назарда тутилган мақсадларда фойдаланади. Бу маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши, *биринчидан*, фуқароларнинг сиёсий партияларга бирлашиш фаоллигини оширишга; *иккинчидан*, барча сиёсий партияларга ўз фаолиятларини янада эркин ва ошқора олиб боришга; *учинчидан*, уларнинг ўз молиявий аҳволини мустаҳкамлашлари учун бир хил қонуний имкониятлар вужудга келтиришга; *тўртинчидан*, барча партияларга, уларнинг молиявий ҳолатидан қатъи назар, давлат ҳокимияти идоралари тизимини шакллантиришда иштирок этиш учун бир хил шарт-шароитлар яратишга; *бешинчидан*, сиёсий партияларнинг «кимларнингдир» ғаразли ниятларини амалга ошириш қуроли сифатида фаолият олиб бориши учун молиялаштирилишига йўл қўймаслик ва бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов собитқадамлик билан олиб бораётган сиёсат ва амалга оширилаётган демократик ислохотлар мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – Б.152–153.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2004. – №5. – 86-м.

кўппартиявийлик муҳитини қарор топтиришга йўналтирилган. Сиёсий партиялар аҳоли муайян қатламларининг, фуқаролар ҳамда улар уюшмаларининг фикрини, нуқтаи назарини ифодалашнинг муҳим демократик воситасидир<sup>1</sup>. «Ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши керак. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари, жамият тараққиёти борасидаги муқобил таклифлари ўз ифодасини топиши лозим. Амалда кўппартиявийлик – бу ҳар хил қараш ва ғоялар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан муҳолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдонидир»<sup>2</sup>. Сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш уларнинг қонунчилик ва давлат бошқаруви идоралари фаолиятига, мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга амалий таъсирини кучайтириш йўлида янги-янги имкониятлар очиб бермоқда<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги конституциявий қонунларнинг қабул қилиниши, ҳеч шубҳасиз, демократик ислохотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи роль ўйнади<sup>4</sup>.

Ушбу қонунлар сиёсий партияларнинг: *биринчидан*, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият олиб борувчи фракциялари, шу жумладан расмий равишда фаолият олиб борувчи муҳолифатнинг ҳуқуқий мақомини; *иккинчидан*, Қонунчилик палатасида тузилган фрак-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – Б.89.

<sup>2</sup> *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т., 2000. – Б.333.

<sup>3</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Жамиятни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т., 2007. – Б.103.

<sup>4</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т., 2008. – Б.38.

цияларнинг вакили Спикер ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашда кафолатли ҳуқуққа эга бўлишини; *учинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш ва озод қилишдаги ваколатлари ҳамда уни амалга ошириш тартибини; *тўртинчидан*, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш бўйича ваколатлари ҳамда уни амалга ошириш тартибини; *бешинчидан*, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш вазифасини амалга ошириш тартибини аниқ белгилаб берди.

Давлат бошқарувида бундай жараёнларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши, албатта, ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янги даврини бошлаб берди. Ушбу қонунларнинг қабул қилинганлиги ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг давоми, мамлакатнинг ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқич-ма-босқич тадрижий ривожлантириш натижаси, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ташланган муҳим қадам бўлди. Мазкур қонунларнинг амалда татбиқ этилиши эса бутун сиёсий тизимга, давлат қурилиши, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнларига ҳам чуқур таъсир ўтказди.

2008 йил 25 декабрда қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун<sup>1</sup> билан амалдаги 13 та қонун ҳужжатларига, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси биринчи қисмига тузатишлар киритилди. Унга кўра, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат»лиги белгиланди. Бу киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ва демократлаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, 2009 йилда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайлов натижаларининг таҳлили сиёсий партиялар айнан уларнинг ҳуқуқ-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2008. – №52. – 510-м.

лари ва ваколатлари кенгайиши ҳисобига сайлов кампанияларида янада фаолроқ иштирок эта бошлаганларини кўрсатди.

Таҳлиллар Республикаимизнинг конституциявий-ҳуқуқий тажрибаси, сиёсий партияларнинг давлат бошқаруви субъекти сифатидаги роли кучайиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни эълон қилди. Ушбу концепция асосида, 2011 йил 18 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига) қонун<sup>1</sup> қабул қилинди. Мазкур ўзгартишларга кўра, эндиликда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади. Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Янги шакллантирилган Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун ўз ваколати давридаги фаолияти дастурини тақдим этади, Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлари ва унга киритиладиган ўзгартишларни ишлаб чиқади ҳамда уларни мамлакат парламенти кўриб чиқиши учун тақдим этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2011. – №16. – 159-м.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида амалга оширилган кейинги ўзгартириш ва қўшимчалар 2014 йил 20 январда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонун<sup>1</sup>га киритилди. Унга биноан, сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса, у ёки бу партияга мансублигидан қатъий назар, шахсларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳақлидир. Депутатликка номзод этиб фуқаролар орасидан мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, тегишли вилоят, туман шаҳар иқтисодиётини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг, фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини оширишга кўмаклашаётган шахслар кўрсатилади.

Юқоридагиларнинг мантиқий давоми сифатида сайлов ислохотларидаги кейинги қадам 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) қонун<sup>2</sup> билан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамият сари» принципи босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти устидан қонун чиқарувчи олий органнинг, ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтириш, шунингдек ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини рўёбга чиқариш борасидаги масъулиятини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, давлат ҳокимияти органлари устидан жамоатчи-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №4. – 45-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №16. – 176-м.

лик назорати ва парламент назоратининг амалга оширилиши конституциявий норма сифатида мустаҳкамланди.

2015 йил 29 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун<sup>1</sup> қабул қилинди. Унга асосан, мамлакатимиз қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятидаги иштироки кучайтирилди. 2016 йил 11 апрелда «Парламент назорати тўғрисида»ги қонун<sup>2</sup> қабул қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ, сиёсий партиялар фракциялари парламент назоратининг бевосита субъектларига айланди. Парламент назоратининг субъекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазир ва давлат ҳокимияти бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда бошқа ижро ҳокимияти тизими бўйича парламент сўрови, депутатлик сўрови, ҳисоботларни эшитиш ва парламент текширувларини амалга оширишга эга бўлди.

Кўриб турганимиздек, Ўзбекистон Республикасида партиявий қурилиш жараёни демократия, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тақдири учун улкан аҳамият касб этади. Парламент фаолиятида иштирок этиш жараёнида Ўзбекистон сиёсий партиялари катта тажриба тўпладилар. Мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотларда уларнинг роли ва таъсири кучайди. Қонунчилик палатасининг сиёсий партиялар фракциялари фракциялараро парламент курашининг реал субъектларига айландилар. Сиёсий партияларнинг парламентдаги қизгин фаолияти қабул қилинаётган қонунлар сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда<sup>3</sup>.

Сиёсий ҳаётнинг изчил демократлашуви, сиёсий партиялар ролининг кучайиши ва вакиллик ҳокимияти асосларининг мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатди, нафақат парламентни, балки давлат ижроия ҳокимияти органларини ҳам кучайтириш имкониятини берди.

Сиёсий партиялар давлат органларини шакллантиришда фаол иштирок этадилар. Халқимиз ҳокимиятнинг эгаси сифатида тўрт

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2015. – №52. – 645-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №15. – 141-м.

<sup>3</sup> Қаранг: *Хакимов Р.Р.* Давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2009. – Б.15.



маротаба Президентлик (1991, 2000, 2007, 2015), беш маротаба парламент (1994, 1999, 2004, 2009, 2014) сайловларида иштирок этиб, ўзининг ҳокимиятга бўлган эгалик ҳуқуқини намоён этди. Хусусан, парламент ва президент сайловлари ҳақиқий маънода кўппартиявийлик асосида ўтказилди. Бу фуқароларнинг сиёсий жараёнда демократик иштирок этишини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

*Сиёсий партияларнинг фаоллигини қуйидагиларда кўрамиз:* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламент шаклига ўтказилгандан кейин, илк бор **2004 йил 26 декабрда** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда амалда фаолият юритган 5 та сиёсий партия ва фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан номзодлар таклиф этилди. Сайлов натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг барча 120 депутати сайланди ва рўйхатга олинди. Сайловларда 489 нафар депутатликка номзодлар кўрсатилиб, шулардан сайловчилар ташаббускор гуруҳи номзодлари сифатида 54 нафар киши ва сиёсий партиялардан номзод сифатида 435 нафар киши иштирок этди. Сайлов якуни бўйича Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловчилари энг кўп овоз олди, бу партиядан депутатларнинг 34,2 фоизи сайланди. Ўзбекистон Халқ демократик партиядан депутатларнинг 23,3 фоизи сайланди. Шунингдек, Фидокорлар партиясининг 18 нафар аъзоси, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 11 нафар аъзоси, «Адолат» социал демократик партиясининг 10 нафар аъзоси ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг 14 нафар аъзоси Қонунчилик палатасига сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига навбатдаги сайловда бир юз эллик нафар депутат, шу жумладан унинг ўн беш нафар депутати Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланиши белгиланди. **2009 йил 27 декабрда** бўлиб ўтган сайловда 4 та сиёсий партия Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинди, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда ўз номзодлари билан иштирок этишга руҳсат берилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 135 та ўрнига 517 нафар депутатликка номзодлар иштирок этди. Умумий сайлов натижаларига кўра, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиядан – 53, Ўзбекистон Халқ демократик партиядан – 32, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиядан – 31, «Адолат»

социал демократик партиясидан – 19 нафар, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг вакилларида 15 нафар депутат сайланди. Сайланган 150 нафар депутатнинг 33 нафари, яъни 22 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти органларига навбатдаги сайлов **2014 йил 21 декабрда** бўлиб ўтди. Унда 4 та сиёсий партия Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олиниб, сайловда иштирок этди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича тузилган 135 сайлов округидан 127 тасида депутатлик мандати учун 4 нафардан номзод ва қолган 8 тасида 3 нафардан номзод кураш олиб борди. Сайловчилар рўйхатига мамлакатимиз бўйича 20 миллион 789 минг 572 нафар фуқаро киритилди. Шундан 18 миллион 490 минг 245 нафари ёки 88,94 фоизи сайловда қатнашди. Илк овоз бериш натижаларига кўра, 113 та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Уларнинг 47 нафари Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан, 28 нафари Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан, 21 нафари Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан, 17 нафари «Адолат» социал демократик партиясидан депутат бўлиб сайланди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, 21 декабрь куни Ўзбекистон Экологик ҳаракати конференциясида 15 нафар номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб сайланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 22 та сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун етарли бўлган овозларни тўплай олмади. Марказий сайлов комиссияси қарорига кўра, 22 та сайлов округида такрорий овоз бериш 2015 йилнинг 4 январь куни ўтказилди. Умумий сайлов натижаларига кўра, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 52 нафари, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 36 нафари, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 27 нафари ва «Адолат» социал демократик партиясидан 20 нафари депутат бўлиб сайланди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Янгибаев А.К.* Ўзбекистон Республикаси сиёсий партияларининг давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда иштирокининг конституциявий-ҳуқуқий асослари. – Т., 2015. – Б.32–35.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, охирги йилларда депутатлик ўринлари учун сиёсий партиялар ўртасида қизгин рақобат кучайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарини шакллантиришда етакчи роль ўйнайдилар, чунки айнан улар сайловда иштирок этувчи бирдан-бир ташкилий-жамоавий субъектлар ҳисобланадилар.

Адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий шартларидан бири ижтимоий ҳаётда, айниқса, сиёсий соҳада нодавлат нотижорат ва жамоат тузилмаларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдир. Бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «*Кучли давлатдан кучли жамият сари*» принципини амалда ҳаётга жорий этишдир<sup>1</sup>.

Мазкур концептуал ғоянинг амалий аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади: 1) унда демократик ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштириш вазифалари ўз ифодасини топганлигида; 2) у мустақиллик йилларида бу соҳада амалга оширилган ислоҳотлар стратегиясининг узвий қисми бўлиб, мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичидаги ўзгаришлар заруратини ўзида акс эттирганида; 3) бу жараён ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислоҳотларнинг босқичма-босқич, ҳеч бир ижтимоий ларзаларсиз амалга оширилиши кераклигида; 4) пировард мақсадимиз мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамияти куриш эканини яққол кўрсатиб турганида.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи нодавлат ташкилотлар ва жамоат тузилмалари Конституция ва қонунларда белгиланган ваколатлар доирасида ва тартибда давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш, давлат идораларига ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклифлар киритиш, жамиятнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол қатнашиш орқали демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнига ҳисса қўшиб келмоқда.

Аҳолининг муайян тоифалари ёки жамият ижтимоий ҳаётининг муайян соҳалари манфаатларини кўзлаб фаолият олиб борувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат тузилмалари жуда кенг тушунча бўлиб, ўз ичига демократик жараёнларни ривожлантириш-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т., 2003. – Б.27.

нинг асосий институтлари бўлган ижтимоий ташкилотлар, марказлар, жамғармалар ва ҳаракатларни олади.

Маълумки, жамиятнинг «учинчи сектори» – нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда нечоғли ўрин тутганига қараб, ҳар қандай давлатнинг демократлашув даражаси ҳақида хулоса чиқариш мумкин. «*Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари*» бораётган Ўзбекистонда ҳам мазкур секторни ривожлантириш учун мустақилликнинг илк йиллариданоқ мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан белгиланади. Жумладан, 1991 йил 15 февралда «Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, 1999 йил 14 апрелда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги ва 2007 йил 3 январда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун<sup>1</sup>ларда жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари, уларнинг мақсадлари, иш фаолиятининг шакллари, тузилиш тартиби кўрсатилган.

Ўзбекистоннинг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги 1992 йил 2 июль қонунига<sup>2</sup> мувофиқ, касаба уюшмаси кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун эҳтиёжлар умумийлиги билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1999 йил 14 апрелда қабул қилган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуни<sup>3</sup> мазкур тоифа жамоат бирлашмаларининг фаолияти кенг ҳуқуқий асосга таяниши ва ривожланиши учун йўл очиб берди. Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ёки юридик шахслар (ёки улар биргаликда) томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилади. Улар жис-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базасининг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базасининг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базасининг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

моний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани бу соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади.

Мустақилликнинг илк йилларида, яъни 1991 йил республикамізда жами 95 та жамоат бирлашмаси мавжуд бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилда 2585 та, 2010 йилда 5100 га етган. Бугунги кунда мамлакатимизда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида 8500 тадан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. Булар қаторида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари, «Ижод» фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларини санаб ўтиш мумкин<sup>1</sup>.

Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тузилмаларининг мавқеи борган сайин ортиб бормоқда. Улар фақат аҳоли фикрларининг турли кўринишларини ифода этиб қолмасдан, одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда нодавлат ва жамоат тузилмалари аҳолининг турли манфаатларга эга қатламларини ўз мақсадлари асосида бирлаштириш орқали уларни давлат ва жамият масалаларини ҳал қилишга фаол иштирок эттиришга ҳаракат қилмоқда. Аҳолини уюштириш эса жамиятда барқарорликни таъминлаш ва юксак тараққиётга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бундан ташқари, аҳолининг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштирокини янада фаоллаштиришни таъминлаш ҳам нодавлат ва жамоат ташкилотларининг фаолияти орқали амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда «ўтган давр мобайнида фуқаролик жамияти институтларини эркин ривожланти-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Т., 2003. – Б.48.

риш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ва қондириш, муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни бажариш борасида уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишни таъминлайдиган зарур меъёрий-ҳуқуқий база, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар яратилгани ҳам бу соҳадаги катта ишларимиздан десак, янглишмаган бўламиз»<sup>1</sup>.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари худди шу хусусиятлари билан, бир томондан, кучли давлатнинг шаклланишида етакчи роль ўйнаса, иккинчи томондан давлатнинг кўпгина функцияларини ўз зиммасига олиш орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш жараёнининг вужудга келишида, янада аниқроғи, кучли жамиятнинг шаклланишида беқиёс аҳамият касб этади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, кучли давлат деганда, унинг зўрлик ишлатиш усуллари билан жамиятни бошқариши ҳақида эмас, балки давлатнинг мустаҳкам иқтисодий асосга эга бўлиш, ички ва ташқи сиёсатни олиб боришда халқ манфаатларини ҳимоя қила олиш, жамиятда хавфсизликни, барқарорликни, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш ҳамда демократиянинг умум эътироф этган принципларини шакллантира олиш куч-қудратига эгаллиги тушунилади. Аҳолининг нодавлат ва жамоат ташкилотлари орқали ҳокимиятни бошқаришда фаол иштирок этиш имкониятининг вужудга келиши кучли жамият мезони ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг моҳият ва мазмунини ҳам халқ томонидан бошқариладиган шароит ва унинг реалликка айланиши ташкил этади. Кучли жамият кучли давлат негизида шаклланади ва ҳукуматнинг мамлакат ичкарисидаги кўпгина фаолияти чекланиб, у фуқаролар қўлига ўтади ва уларни давлат фаолиятини назорат қилиши тўлиқ таъминланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда «*Кучли давлатдан кучли жамият сари*» деган принципни амалда ҳаётга жорий этиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларини босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўткази боришни тақозо этади<sup>2</sup>.

Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини ривожлантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т., 2008. – Б.43.

<sup>2</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т., 2003. – Б.27.

бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида: «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг эълон қилиниши эса бу борадаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. «Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда»<sup>1</sup>.

Концепциянинг қоидаларидан келиб чиқиб, бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан 2013 йил 28 декабрда «Экологик назорат тўғрисида»ги, 2014 йил 5 майда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, 2014 йил 25 сентябрда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, 2016 йил 11 апрелда эса «Парламент назорати тўғрисида»ги қонунлар<sup>2</sup> ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, Концепцияда белгиланган вазифалар доирасида 2013 йил 12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартда «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2013 йил 12 декабрь қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори қабул қилиниб, «Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Т., 2003. – Б.48.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базасининг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги ҳамда «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомлар тасдиқланди. Шунингдек, 2016 йил 25 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, амалдаги 7 та кодекс ва 17 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди<sup>1</sup>.

Мазкур қонун ҳужжатлари фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий фаоллигини ривожлантиришда, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратишда ҳал қилувчи омил сифатида нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимини кенг ривожлантириш, уларни ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ҳамда тартиб-таомилларни такомиллаштириш ва соддалаштиришга қаратилган қулай шарт-шароит, имтиёз ва имкониятлар шаклланиши учун муҳим замин яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти кўламини кенгайтириш ва янада фаоллаштиришни янги босқичга кўтариб, фуқаролик жамияти асосларини босқичма-босқич ва изчил мустаҳкамлашни таъминламоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Эндиликда ушбу ислоҳотлар жаҳондаги илғор ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва ўзбек халқи менталитетига хос бўлган анъаналарни уйғунлаштирган ҳолда олиб борилмоқда. Мазкур жараёнларга жамиятни демократлаштириш ислоҳотлари ҳам уйғунлашди. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда фуқаролик жамияти пойдеворининг янада мустаҳкамланишига, юртбошимиз томонидан илгари сурилган «*Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари*» тамойилини изчиллик билан босқичма-босқич рўёбга чиқаришга асос бўлиб хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базасининг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).



Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари яна шундан иборатки, давлат бошқарувидан фуқаролик бошқарувига ўтишда ҳокимият тузилмалари ўз функцияларининг бир қисмини ўз ташаббуси билан амалда халқ қўлига ўтказиб бормоқда. Айниқса, бу жараён маҳаллий давлат ҳокимияти функцияларини фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишда яққол сезилмоқда.

Адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг мазмун-моҳияти давлатчилик ривожланган сайин давлат бошқарувининг турли вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтини янада ривожлантиришдир<sup>1</sup>. Бугунги кунда сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бошқарув вазифаларининг асосий қисми республика марказий идораларидан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар ва туманлардаги давлат ҳокимияти бошқарув идораларига ўтишини таъминлашдир. Бундай жараён ўзини ўзи бошқариш жамоатчилик тизимларида ҳам аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Айни пайтда давлатшунослар ўртасида ҳам, сиёсатчилар ичида ҳам маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг оммавий ҳокимиятни амалга оширишда ўрни ҳақида ягона фикр йўқ. Уларнинг бир қисми маҳаллий ўзини ўзи бошқаришда давлат ҳокимиятининг қуйи органини кўришса (чунки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш жараёни ва уларнинг ҳуқуқий мақоми, моддий базаси давлат томонидан белгиланади), бошқалари эса маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини фақат фуқаролик жамияти соҳасига тааллуқли дейишади<sup>2</sup>.

Фуқаролик жамиятини қуриш, албатта, «*Кучли давлатдан кучли жамият сари*» босқичма-босқич ўтиш орқали рўй беради. Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади<sup>3</sup>. Маълумотларга кўра, республикаимизда 10188 та фуқароларнинг ўзини

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Тўлаганов А.* Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. – Т., 2002. – Б.6–7.

<sup>2</sup> Қаранг: *Вишневский А.Ф., Горбатов Н.А., Кучинский В.А.* Общая теория государства и права. – М., 2004. – С.547.

<sup>3</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Т., 2003. – Б.48.

ўзи бошқариш органлари мавжуд бўлиб, улардаги 8596 таси маҳалла, 101 таси шаҳарча, 1335 таси қишлоқ, 156 таси овул фуқаролар йиғинини ташкил этади. Фуқаролар йиғинлари маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, оилалар тинчлигини таъминлаш, ёш авлодни миллий мафкура ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида фаолият олиб бормоқдалар<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат органлари тизимида кирмайди ва фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий ҳокимият тизимида мустақил бўлган сифатида жойларда жамият ҳаётига доир муҳим масалаларни ҳал қилади. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади, нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир идора ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўядиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди»<sup>2</sup>. Маҳалла халқчил шарқона демократия дарсхонасидир. Маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда улкан тарбиявий вазифани бажариб келади. Кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида кишилар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича илмий изланишлар олиб борган ҳуқуқшунос олим Ш. И. Жалиловнинг фикрича, бугунги кунда маҳалланинг мавқеини кўтариш, *биринчидан*, ўзбек халқининг азалий анъаналарини, қадриятларини қайта тиклашга ва ривожлантиришга; *иккинчидан*, давлат вазифаларини аста-секин, босқичма-босқич ўзини ўзи бошқариш идораларига – маҳаллаларга ўтка-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Конституциявий ҳуқуқ: Дарслик / *Одилқориев Х.Т., Мухамедов Ў.Х., Саидов Б.А.* ва бошқ.; Масъул муҳаррир *Ш.Т.Икрамов.* – Т., 2014. – Б.569.

<sup>2</sup> *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т., 1996. – Б.281.

зиш билан жамиятни демократлаштиришга янги ва жуда катта имкониятлар яратди<sup>1</sup>.

Бугунги кунда маҳалла ўзини ўзи бошқариш органларининг энг ёрқин кўриниши, айна вақтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг бетакрор ўзига хос хусусияти шундаки, мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги 1991 йил 15 февраль, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 1999 йил 14 апрель, «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида»ги 1999 йил 14 апрель, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги 2013 йил 22 апрель, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2016 йил 25 апрель қонунлари, *Ўзбекистон Республикаси Президентининг* «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 1992 йил 12 сентябрь, «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги 1994 йил 23 август, «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги 1996 йил 10 декабрь, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 1998 йил 23 апрель, «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги 1999 йил 13 январь, «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2004 йил 25 май, «Аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ва тарғибот ишларининг самарадорлиги оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2006 йил 3 апрель фармонлари, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги 2013 йил 10 октябрь қарори, *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг* Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1993 йил 1 декабрь, «Фуқа-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Жалилов Ш.И.* Фуқаролик жамиятининг пойдевори. – Т., 2003. – Б.4.

роларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2013 йил 10 июль, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги 2013 йил 30 сентябрь, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2013 йил 7 октябрь, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини оширишнинг ташкилий тузилмаси ва тизими тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2013 йил 14 декабрь қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардир<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеини ошириш бўйича изчил олиб борилаётган ишлар, *биринчидан*, ўзбек халқининг минг йиллик тарихидаги энг ноёб ва азиз кадриятлар, анъаналар ва урф-одатларни тўлиқ тиклаш ва замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янада мустаҳкамлашни; *иккинчидан*, маҳаллий давлат ҳокимияти ваколатларини босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиб бориш билан жамият ҳаётини янада эркинлаштиришни таъминлайди.

Жамият тараққиёти шуни кўрсатадики, бугунги кунда ислохотларни амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш каби масалаларни ҳал қилишда ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаол иштирок этишлари ва ўз ҳудудларида бу ишлар амалга оширилишида масъул бўлишлари керак. Лекин, шуни алоҳида қайд этиш жоизки, айрим маҳалла фаоллари мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаяптилар. Бунинг асосий сабаби маҳалла фуқаролар йиғинининг фаолияти шундай катта имкониятлар берилганига мос даражада ташкил қилинмаганлиги, йиғинлар раисларининг бугунги талаб даражасида фаолият олиб бора олмаслигидир. Бундан ташқари, «кўпгина ҳолларда маҳаллий ҳокимликларнинг маҳалла вакилларига бошқарув ваколатларини беришга тўсқинлик қилиб келаётганликларининг ҳам гувоҳи бўламиз»<sup>2</sup>. Фуқа-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базасининг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>2</sup> *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т., 2000. – Б.308.

роларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги бундай объектив ва субъектив хусусиятга эга қийинчиликлар, тўсиқлар ва муаммолар мавжудлиги кўпгина изланишлар жараёнида ҳам аниқланган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциямизнинг 105-моддасига мувофиқ, «шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органи бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди»<sup>2</sup>. Ушбу қоидадан келиб чиқиб, мамлакатимизда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказиб келинмоқда. Мазкур сайлов жараёни ҳам юртимизда шаклланган демократик сайлов тизимининг узвий бир қисми бўлиб, унда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этади.

Республикамизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг натижаси туфайли, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддаси, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг ваколат муддати 2016 йил май-июнда тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори<sup>3</sup>га кўра, шу йил май-июнь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди.

Навбатдаги фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий шароитда бўлиб ўтди. Мазкур сайловларда мамлакатимиз аҳолиси ушбу жараённинг

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Хусанов О.Т.* Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. – Т., 1996. – Б.67; *Мамадалиев Ш.О.* Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. – Т., 2003. – Б.188–189.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2015. – Б.58.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори // <http://www.senat.gov.uz/uz/news/2016/pks-05-03.html>

мазмун-моҳиятини чуқур тушунишларини ҳамда ижтимоий фаоллигини кўрсатиб, ўз маҳалласи учун масъулиятини, жамиятимиздаги демократик ўзгаришларга дахлдорлигини яққол намойиш этди.

Сайловни юқори ташкилий савияда ташкил этиш ва ўтказиш, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талаблари асосида фуқаролар йиғинлари органларини шакллантиришда кенг иштирок этиш борасидаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўлатўкис рўёбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги қарори билан Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тузилди, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси тасдиқланди. Ушбу режа асосида аҳоли ўртасида соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, тушунтириш ҳамда тегишли ҳудудда доимий яшайдиган фуқароларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотажорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган энг муносиб фуқароларнинг сайланишини таъминлаш бўйича жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари сессияларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ва ўтказишга кўмаклашиш бўйича комиссиялар, 9764 та фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳлар тузилди.

Олий Мажлис Сенати Кенгаши комиссияси томонидан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи ҳудудий, туман ва шаҳарлар комиссиялари ҳамда ишчи гуруҳлари аъзолари учун соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳамда сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини тушунтириш бўйича 1600 та семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Сайловни ташкил қилиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинлари, кўмаклашувчи комиссия-

лар ва ишчи гуруҳларга услубий ёрдам сифатида Сенат Кенгаши комиссияси томонидан тегишли брошюралар, сайлов ҳужжатлари намуналари, методик тавсиялар тайёрланди ва тарқатилди. Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фонди томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жойларда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистлар учун ҳудудий семинар-тренинглар ўтказилди.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қоидаларини тушунтириш, шунингдек сайлов жараёнларини самарали ташкил этиш масалалари бўйича марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ҳамда Интернет нашрларида 1880 та материал чоп этилди, 2014 та телекўрсатув, 2500 дан ортиқ радио эшиттириш, 10 та ижтимоий ролик тайёрланди.

Сайлов жараёнларида 9764 нафар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг 105 мингдан ортиқ маслаҳатчилари сайланди.

Янги сайланган раисларнинг 73,6 фоизи олий маълумотли, 82,4 фоизи давлат органлари, нодавлат ноτιжорат ташкилотлар тизимида ва тадбиркорлик соҳасида бошқарув иш тажрибасига эга бўлиб, уларнинг 67 фоизи ушбу лавозимга биринчи марта сайланди. Раисларнинг 865 нафари аёллардир. Сайланган фуқаролар йиғинлари раислари маслаҳатчиларининг 51,1 фоизи олий маълумотга эга бўлиб, уларнинг 25,4 фоизини аёллар ташкил қилади. Маслаҳатчиларнинг 53,3 фоизи ушбу вазифага биринчи марта сайланди.

Сайлов натижалари таҳлили аҳолининг сайлов жараёнларида ижтимоий фаоллиги ошганлиги, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларидаги ўрни ва аҳамияти долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Янги сайланган фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»-

ги қарори<sup>1</sup> ижросига қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маърифий, ахборот-тушунтириш тадбирлари дастурини, шунингдек, «Соғлом она ва бола йили» давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишлари лозим<sup>2</sup>.

Мамлакатда ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган сайловлар фуқаролик жамиятининг ривожланиб бораётганлигини, жойларда фуқароларнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда фуқаролар йиғинларининг ўрни ошиб бораётганлигини, аҳолининг бу соҳадаги фаоллиги кучайганлигини кўрсатди. Шунингдек, сайловлар жараёнлари ва уларнинг натижалари ислохотларни чуқурлаштиришнинг «*Кучли давлатдан кучли жамияти сари*» принципининг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларига кириб бораётганлигининг яна бир ифодаси бўлди. Мустақиллик даврида ўзини ўзи бошқариш органларини фуқаролик жамияти институти сифатида ислох этиш ўзининг самараларини бера бошлади. Маҳаллалар мамлакатдаги аҳолининг ўзини ўзи бошқариш жараёнларида иштирок этишлари, сиёсий қарорлар қабул қилишда фуқаролар хоҳиш ва истакларини эътиборга олишга имкониятлар яратиши билан фуқаролик жамияти институтига айланиб бориш принципи асосида ривожланди.

Бугунги кунда жамиятда маҳалла, аввало, соғлом ижтимоий муҳит маскани. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларни адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳалланинг демократия дарсхонаси деб аталиши жуда ҳаётийдир.

Жамоатчилик муносабатларининг олий нуқтаси бўлмиш маҳалла институти ўзбеклар ҳаётини анъанавий ташкил қилишнинг ўзаги бўлган ижтимоий тузилма сифатида фуқаролик жамиятини ривожлантиришда алоҳида ўрин тутади. Фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти бўлган маҳалла маҳаллий ҳамжамиятларнинг ўзига хос модели, турар жойдаги миллий ўзини ўзи бошқариш бўлиб, асрлар давомида шаклланган анъаналар, урф-одатларга таянган ҳолда муҳим ташкилий-иқтисодий ва тарбиявий функцияларни бажаради. Маҳаллада ижтимоий онг оқсоқолларнинг ҳаётий тажрибаси, катта ёшдагиларнинг шахсий намунаси, жамоада ўзини тутиш қоидалари орқали бойиб боради. Ўзаро муносабатлар адолат, бир-бирини ҳурмат қилиш,

---

<sup>1</sup> <http://www.press-service.uz/uz/document/5257/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши ахбороти. // <http://www.senat.gov.uz/uz/news/2016/08-07.html>



меҳр-шафқат, ўзаро ёрдам асосига қурилади. Маҳалла, аслида, Шарқ демократиясининг илк мактабидир<sup>1</sup>.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни беқиёс<sup>2</sup>.

Бугунги кунда ҳар бир инсон, ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида инсонларнинг бошини бирлаштиришда, маъмурий-ҳудудларда тартиб-интизом, хавфсизлик, барқарорлик ва қонунийликни мустаҳкамлашда, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш жараёнида ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий этишда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти кун сайин ошиб бораётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Лекин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, муваффақиятларга маҳлиё бўлмасдан, ортиқча манманлик ва мақтанчоқликка берилмасдан, ўтган давр мобайнида эришган ютуқларимиз билан бир қаторда йўл қўйган камчилик ва нуқсонларимиз, бой берган имкониятларимизни холисона тан олиб, улардан тегишли сабоқ ва хулоса чиқариб, келгуси фаолиятимизда бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун барча чораларни кўришимиз, керак бўлса, оқу қорани, дўсти душманни ажратиб олишимиз, доимо сезгир ва огоҳ бўлишимиз, қисқа қилиб айтганда, ён-атрофимизда ҳали-бери сақланиб қолаётган хавф-хатарларга очиқ кўз билан қараб, турли таҳдидларга бўш келмасдан, охир-оқибатда ўзимизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга эришишимиз шарт<sup>3</sup>.

### **3.3. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида инсон ҳуқуқларининг таъминлаши**

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўтган даврда фуқаро ва давлат, шахс ва жамият муносабатларининг коммунистик маф-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Шарифходжаев М.* О процессах формирования гражданского общества в Узбекистане // Труд. – 2002. – 11 июнь.

<sup>2</sup> Қаранг: *Жалилов Ш.И.* Фуқаролик жамиятининг пойдевори. – Т., 2003. – Б.15.

<sup>3</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т., 2007. – Б.248–249.

курадан, синфий ақидапарастликдан, тоталитар онг ва тафаккурдан ҳоли бўлган, «инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади», деган конституциявий қоидага асосланган янги концепция яратилди. Ўзбекистонда «Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун» деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида инсон ҳуқуқларини таъминлаш бугунги кунда шартли равишда тўрт йўналишда амалга оширилишини тақозо этади: а) инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари ва қонуний манфаатлари Конституцияда қай даражада мустаҳкамланганлигини ўрганиш; б) Конституцияда белгиланган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаатлари ва бурчларини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари қандай ҳолатда эканлигини ўрганиш; в) инсон ва фуқароларнинг Конституция ва амалдаги қонунларда белгиланган ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаатлари ва бурчларини амалга оширишда жамиятдаги сиёсий институтлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партиялар фаолиятини ўрганиш; г) жамиятнинг ҳар бир аъзосини ўз ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаатлари ва бурчларини билиши, уни амалга ошириш имконияти ва қобилиятига, яъни ҳуқуқий, сиёсий, маънавий онги ва тафаккурининг қай даражада эканлигини ҳамда уларни юксалтиришни ўрганиш.

Жаҳон тараққиёти шуни кўрсатмоқдаки, «инсон ҳуқуқини қонунда ва амалда таъминлай олмаган, бунинг учун етарли кафолатлар яратиб бера олмаган жамият демократик жамият эмас»<sup>2</sup>.

Ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати – шахснинг конституция, қонун ҳужжатлари ва жорий қонунчиликда кўрсатилган, бутун жамият тан олган, риоя қилган ва давлат томонидан ҳимоя қилинган ўз ҳуқуқ ва манфаатларини қонун асосида реал ҳимоя қила оладиган шароитни яратиб берувчи восита, усул ва жараёнлар мажмуидир<sup>3</sup>.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Конституция-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т., 2008. – Б.54.

<sup>2</sup> *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т., 1996. – Б.110.

<sup>3</sup> Қаранг: *Калашиников В.С.* Система конституционных гарантий обеспечения прав и свобод граждан в условиях формирования в России гражданского общества. // Государство и право. – М., 2002. – №10. – С.18

сида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: а) инсоннинг табиий ҳамда умумий ҳуқуқ ва эркинликлари; б) умумфуқаровий шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар; в) сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар; г) иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликлар. Ўзбекистон «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация»-да санаб ўтилган барча инсон ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашни зиммасига олди.

Мазкур сиёсий ирода, қатъий азм-ихтиёр мамлакатимиз Конституциясида ўз аксини топди. Конституцияда инсон (фуқаро)нинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларига оид умумий қоидалар (18–22-моддалар); шахсий (шу жумладан инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқлари) ҳуқуқ ва эркинликлар (24–31-моддалар); фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари (32–35-моддалар); иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари (36–42-моддалар); инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари (43–46-моддалар) мустаҳкамланган. Конституциянинг атиги олтита моддасида (47–52-моддалар) фуқароларнинг бурч ҳамда мажбуриятлари ифодаланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда ... жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи - инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро – жамият – давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шахснинг ҳуқуқий мақоми: а) инсон ва фуқаро ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларининг тенглиги ҳамда тенг ҳуқуқлилиги; б) конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатланганлиги; в) фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланишига йўл қўйилмаслиги; в) ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги принципларига асосланган ҳолда мустаҳкамланган. Шахс нафақат муайян ҳуқуқ ва эркинликлар эгаси, балки мажбуриятлар соҳиби ҳамдир. Турли-туман ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлмиш фуқаро фақат ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиб қолмасдан, жамият, давлат ва бошқа фуқаролар олдида муайян мажбуриятлар ҳам ўтайди<sup>2</sup>.

Демократик жамиятда ҳар қандай субъектив ҳуқуқнинг рўёбга чиқиши унга муносиб ҳуқуқий мажбуриятнинг бажарилишини тақозо

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1996. – Б.124.

<sup>2</sup> Қаранг: Одилқориев Ҳ.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2003. – Б.138–163.

этади. Фуқаронинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг бунга тўсқинлик ёки қаршилик қилмаслик мажбурияти билан таъминланиши керак. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 20-моддасида фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистонда шахс ҳуқуқий мақоми халқаро ҳуқуқ қоидаларига асосланган ва умуминсоний ҳамда демократик принципларга тўлиқ риоя қилинган ҳолда Конституция даражасида мустаҳкамланганлигини яққол кўрсатиб турибди. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, реал ҳаётда ҳуқуқ ва эркинликларни самарали амалга ошириш учун инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатининг давлат ичидаги ҳар хил бузилиш ва салбий таъсирларга чидамли механизми зарур. Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатининг умум эътироф этган мукамал механизми ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган халқаро, миллий, маҳаллий ҳуқуқни ҳимоя қилувчи даражаларни ўз ичига олади.

Конституцияда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинларини ҳамда бурчларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини инсон ва фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчларини амалга ошириш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш йўллари, усуллари, тартибини белгилаб берувчи, шунингдек бу жараёни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ташкил этади. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимига кирувчи қонунларни шартли равишда қуйидаги тўрт гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир: а) инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш тартибини белгиловчи ва уларнинг ҳимоя қилинишини таъминловчи қонунлар; б) фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш йўллари, усуллари ва тартибини белгилаб берувчи ҳамда бу жараёни ҳуқуқий тартибга солувчи қонунлар; в) шахснинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини амалга ошириш йўллари, усуллари ва тартибини белгилаб берувчи ҳамда бу жараёни ҳуқуқий тартибга солувчи қонунлар; г) фуқароларнинг бурчлари ва уларни адо этиш тартибини белгиловчи қонунлар.

Бугунги кунда республикада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат аппарати фаолиятига кўмак бериш мақсадида инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи бир қатор институтлар ташкил этилди. Улар жумласига қуйидагилар киради: а) инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича қонунларга риоя этиш самарадорлиги усти-

дан парламент назоратини амалга оширувчи Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман); б) миллий ҳуқуқ нормаларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ стандартларига мувофиқлигини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институти; в) инсон ҳуқуқларига риоя қилиш соҳасида мувофиқлаштирувчи, таҳлил ва маслаҳат органи ҳисобланган Инсон ҳуқуқлари миллий маркази; г) республикада инсон ҳуқуқларини таъминлашни таҳлил қиладиган ва социологик таҳлиллар ўтказувчи, жамоатчилик фикрини ўрганувчи «Ижтимоий фикр» маркази. Бундан ташқари, ҳозирги кунда республикамизда адлия органларидан рўйхатдан ўтган ва қонуний асосда фаолият юритаётган нодавлат ва жамоат тузилмалари ҳамда халқаро ташкилотлар тузилмалари, ноҳукумат халқаро ташкилотлар ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланишмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан президент, парламент, ҳукумат, ички идоравий, прокуратура, суд, молия ва бошқа турдаги назоратлар амалга оширилишига қарамасдан, афсуски, улар томонидан инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши ҳоллари учраб турибди. Барча давлат органлари ҳам инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминламайди.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда энг муҳим масалалардан бири бошқарув ва ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини ўрнатишдан иборат<sup>1</sup>. Ривожланган демократик давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, қаерда жамоатчилик назорати кучли бўлса, у ерда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига йўл қўйилмайди ва уларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ амалга оширилиши таъминланади. Бугунги кунда жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётган ва энг самарали йўналиш инсон ҳуқуқ ва эркинликлари мониторинги тизимини яратишдир.

Мониторинг – барча давлат органлари, жамоат тузилмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиши ҳақидаги маълумотларни

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир.* Т.15. – Т., 2007. – Б.105.

узлуксиз йиғиш ва таҳлил қилиш. Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ҳақидаги маълумотлардан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этишни яхшилаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, янги ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, жамоатчиликни республиканинг у ёки бу ҳудудда инсон ҳуқуқларига риоя этиш соҳасидаги вазият ҳақида хабардор қилиш учун фойдаланиш зарур.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича мониторинг асосан қуйидаги уч функцияни бажаради: *биринчидан*, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши, уларнинг амалга оширилишининг таъминланиши ҳамда ҳимоя қилинишининг аҳволини билиш; *иккинчидан*, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишини, уларнинг амалга оширилишини ҳамда ҳимоя қилинишини таъминланишига ёрдам бериш; *учинчидан*, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари мониторингини уни амалга оширувчи субъектлар мақомига қараб иккига, яъни инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий давлат мониторингига ажратиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мониторинг БМТнинг қуйидаги органлари томонидан амалга оширилади: 1) Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия; 2) БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси; 3) БМТнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича конвенциал органлари; 4) Мониторингнинг шартномадан ташқари механизми<sup>1</sup>. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мониторинг белгиланган давлат органларидан рўйхатдан ўтган ва амалдаги қонунларга риоя этган ҳолда фаолият юритувчи халқаро ноҳуқумат ташкилотлари томонидан ҳам олиб борилади. Инсон ҳуқуқлари мониторинги, *биринчидан*, мансабдор шахслар ҳаракатлари ва қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мувофиқлигини аниқлаш; *иккинчидан*, инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олувчи ва бартаф этувчи ҳаракатларни ишлаб чиқиш учун бундай ҳолатларни аниқлаш; *учинчидан*, инсон ҳуқуқларига риоя этишни ва уларни ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида давлат органлари ўртасидаги ҳамда уларнинг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини таҳлил қилиш; *тўртинчидан*, жамоатчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги аҳволдан хабардор қилиш каби *вазифаларни* бажаради.

Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари қўпол бузилишларининг асосий сабаблари сифатида қуйи-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Саидов А.Х. Международный мониторинг прав человека: понятие, система и значение // Мониторинг прав человека. – Т., 2003. – Б.75–76.

дагилар намоён бўлмоқда: а) инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш, ҳимоя қилиш учун масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар айрим ходимларининг, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, турли ташкилот ҳамда муассасалар айрим раҳбарларининг касб малакаси пастлиги, дунёқарашининг торлиги, ҳуқуқни менсимаслиги, совуққонлиги, тўрачилиги ва жавобгарликни ҳис қилмаслиги; б) инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш устидан ички идоравий, прокурор, суд назоратининг талаб даражасида эмаслиги; в) инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни, ҳимоя қилишни таъминлаш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш соҳасида нодавлат нотижорат ва жамоат тузилмалари фаолиятининг суствлиги ва уларнинг бу соҳада давлат идоралари, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлигининг йўқлиги; г) фуқаролар аксарият қисмининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини, уларни амалга ошириш, бузилган ҳолларда эса уни тиклаш йўллари, усуллари ва тартибини ҳамда амалдаги қонунларни билмасликлари ёки бундай имкониятларга эга эмасликлари.

Жамиятда шаклланиб бораётган кўппартиявийлик муҳити, фикрлар ва мафкуралар хилма-хиллиги шароитида ҳар бир инсоннинг, фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қила олиши, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий шартларидан биридир. Агарда жамият қуришда фуқароларнинг онги, билими, маданияти, маънавияти юқори бўлса, бундай жамият ҳар қандай тобеликдан ҳоли бўлган кишилик жамияти бўлади.

Юксак маънавиятга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз ҳақ-ҳуқуқини билладиган, уни амалга ошириш учун керакли сиёсий-ҳуқуқий билимга ва маданиятга эга бўлган, ўз кучи ва қадриятига таяниб яшайдиган эркин фуқаро, озод шахснинг фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бу ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айнаи замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонни шакллантиришдир»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т., 1999. – Б.381.

Ижтимоий соҳага оид адабиётларда кўрсатилганидек, фуқаро ва шахс эркинлигини ҳуқуқий кафолатлашнинг ўзи ҳали унинг амалда эркин фуқаро ёки озод шахс эканлигини тўла англаб етганлигини билдирмайди. Унинг амалга ошиши қуйидаги омилларга боғлиқ: 1) фуқаро ва шахс томонидан эркинликни, озодликни тўла англаб етиш; 2) фуқаро ва шахснинг маънавий даражаси, ички маънавий дунёси; 3) ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши ва чуқур англаши; 4) ўз кучи ва имкониятига таяниши, ўзига ишончи; 5) воқеа ва ҳодисаларга муносабатда ўз фикр ва қарашига эгаллиги, мустақил ёндашиши; 6) ўз шахсий манфаатларини жамият билан уйғун ҳолда кўриши; 7) ҳар жиҳатдан баркамол, комил инсон бўлиш. Ўзини эркин, озод фуқаро ёки шахс сифатида англаб, ҳақиқий озодлигини, эркинлигини чуқур идрок этган ҳар бир киши Ватан олдидаги ўз бурчини тўлароқ идрок этади. Унда эркинлик ва озодликни англаш ўзаро уйғунлашади<sup>1</sup>.

Эркин, озод фуқаро ва шахсни шакллантириш, *биринчидан*, жамиятнинг маънавий ривожланиш даражаси, унинг имкониятларига; *иккинчидан*, ҳар бир инсоннинг маънавий дунёси, тафаккури билан узвийдир. Шунини таъкидлаш жоизки, жамиятнинг маънавияти қанчалик юқори бўлса, унинг аъзолари озод ва эркин бўлади. Озодлик ва эркинлик учун курашадиган, уни тўлиқ идрок этадиган ва қадрига ета оладиган инсонлар ва фуқаролар жамияти доимо адолатли, кучли ҳамда мустаҳкам бўлиб боради. Бугунги кунда жамият маънавиятини юксалтириш билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд. Бу, аввало, фуқароларда эркинлик, озодликнинг қарамликдан афзаллигини англашга қодир бўлган онг ва тафаккурни шакллантиришдир.

Бугун одамларнинг ўзлигини намоён этишда фикр эркинлигига, яъни ўз фикрини, қарашини ўзи ўйлаган, тушунган тарзда айта олишишларига эришиш муҳим. «Энг муҳими тарихан қисқа вақт ичида, аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди, уларнинг узок йиллар мобайнида коммунистик ва совет мафкураси тамойиллари асосида шакллантирилган фикрлаш тарзи ва дунёқарашини, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ўзи ўзгарди»<sup>2</sup>. Лекин айрим одамлар ўз фикрини эркин айта олиш даражасида эмас. Унга халақит берадиган қуйидаги жиҳатлар ҳаётда кузатилмоқда: а) одамларда кўрқув, ички назорат

<sup>1</sup> *Эргашев И., Шарипов Б., Жакбаров М.* Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. – Т., 2002. – Б.13.

<sup>2</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т., 2008. – Б.35.



кучли бўлиб, фикрни эркин ифодалашга салбий таъсир кўрсатмоқда; б) айрим одамларнинг ички маънавий дунёсининг юқори эмаслиги ҳам фикр эркинлигига салбий таъсир кўрсатмоқда; в) мавжуд сиёсий кучлар, жамоат ташкилотлари томонидан ўзларининг ҳимоя қилинишига бўлган кафолатга ишончининг юқори эмаслиги, айрим шахслар томонидан адолатсиз таъқиб ва тазйиқ кўрсатиш ҳолатлари мавжуд<sup>1</sup>.

Мустақил фикрлаш, уни эркин айтишга ҳаракат қилиш ва айта олиш эркин ва озод фуқарога, шахсга хос бўлган хусусиятдир. Озод шахс ва фуқаро, инсон тушунчалари уларнинг жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга, мавжуд муаммоларга нисбатан ўзининг шахсий муносабатини мустақил, ҳеч бир тазйиқсиз эркин билдириши билан боғлиқдир. Чунки, «фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан кўра даҳшатлироқдир»<sup>2</sup>.

Бизда кишилар дунёқарашини бошқариш эмас, балки одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш асосий мақсаддир. Бугун фуқароларга жуда кенг ҳуқуқ ва эркинликлар берилган. Аммо уларнинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини жуда фаол деб бўлмайдимиз<sup>3</sup>.

Мамлакатнинг фуқароси эканлигини ҳис қилган, ҳуқуқ ва эркинликларга онгли муносабатда бўлган, демократик кадриятларни асраб, ҳимоя қилган инсонларни ҳақиқий маънода озод ва эркин, деб ҳисоблаш мумкин. Мамлакат шундай одамларга таянади ва доимо эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам барчамизнинг асосий вазифамиз – ёшларимизга мустақил фикри ва дунёқарашига шакллантиришда кўмаклашиш, ҳаётда ўз позицияси ва ёндашувини қатъий белгилаб олишига ёрдамлашиш, уларни онгли ва билимли қилиб тарбиялаш, ён-атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмаслик, дахлдорлик туйғуси билан яшашга ўргатишдан иборат<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси шахснинг ҳуқуқий мавқеини белгилашда, *биринчидан*, инсон, унинг ҳаёти, шаъни, кадр-

<sup>1</sup> Қаранг: *Эргашев И., Шарипов Б., Жакбаров М.* Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. – Т., 2002. – Б.14.

<sup>2</sup> *Каримов И.А.* Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т., 1999. – Б.85.

<sup>3</sup> Қаранг: *Эргашев И., Шарипов Б., Жакбаров М.* Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. – Т., 2002. – Б.16.

<sup>4</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Инсон унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. Т.14. – Т., 2006. – Б.100.

қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият бўлиб, жамиятда, уларнинг устуворлиги; *иккинчидан*, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги; *учинчидан*, давлат билан фуқаронинг ўзаро сиёсий-ҳуқуқий алоқадорлиги ва масъуллиги; *тўртинчидан*, Конституция ва қонуннинг устунлиги принципларига асосланган бутунлай янги концепцияга таянган.

Мухтасар қилиб айтганда, фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар.

## ХУЛОСА

Ер юзида инсоният яратилганидан бошлаб ҳаётий ва инсоний қулайликларга эга бўлган адолатли жамият қуришга интилишлар ҳам шаклланди. Инсоният тарихининг илк давриданок адолатли жамият қуришда жамият барқарорлигини сақлашнинг бебаҳо омили сифатида ахлоқий ва маънавий қадриятларни ривожлантиришга эътибор қаратди. Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини, миллатлар, динлар ўртасидаги тотувликни тўлиқ таъминлаш қобилиятига, эркин фикрлайдиган комил инсонни тарбиялаш учун барча шарт-шароитларга эга бўлган адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш Ўзбекистон халқи олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбекистон халқи ХХІ асрга юксак инсоний мақсадлар билан, барқарор тараққиёт, мустаҳкам тинчлик ва фаровон ҳаётга эришиш, адолат ҳамда эркинлик тамойилларига асосланган демократик жамият қуриш ниятида қадам қўйди. Комил ишонч билан таъкидлаш лозимки, юртимиз дунё ҳамжамиятининг барча маърифий давлатлари сингари умумбашарий қадриятлар қарор топадиган, инсон қадри ва ҳуқуқлари эъзозланадиган ҳамда безавол таъминланадиган, давлат идоралари ва мансабдор шахслар халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган, демократия том маънода тантана қиладиган фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бормоқда.

Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун жамиятда адолатли, инсонпарвар, демократик қонунлар қабул қилиниши ва улар ҳаётда тантана қилиши шарт. Конституция ва қонунларнинг устуворлиги демократик ҳуқуқий давлат ва эркин адолатли фуқаролик жамияти ҳаётининг муқаддас принциpidир. Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида унинг асосий принциpi бўлган «Конституция ва қонунларнинг устуворлиги»: судларнинг мустақиллигини қонунда ва амалда жорий этишни; адвокатура тизимининг ролини кучайтиришни; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини эркинлаштиришни; давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришни; жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янада чуқурлаштиришни тақозо этади.

Республикамизда фуқаролик жамияти барпо этиш ислоҳотлари бир томондан, жамиятни ўзини такомиллаштириш соҳасини қамраб олган бўлса, иккинчи томондан, давлат ҳокимиятини органларини нормализлаштириш, ҳокимият органлари ваколатларини бир қисмини фуқаролик жамияти институтларига бериш, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органларига давлат органларини бошқаришда иштирок этиш имкониятларини яратиш йўли билан амалга оширилмоқда. Чунки, фуқаролик жамияти фақат ҳуқуқий давлатни амал қилиши шароитидагина яшай олади, ўз ўрнида, ҳуқуқий давлатнинг ўзи ҳам фуқаролик жамияти институтларини шаклланиб бориши баробарида қад кўтариб боради.

Мамлакатда ижтимоий барқарорликни таъминлаш зарурати, турли йўналишлардаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бу борадаги фаоллигига эришиш ҳамда уларнинг ривожланишини етарли даражада қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий эркинлаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган жамиятнинг ўрта қатламини шакллантириш вазифаси айнан шу институтлар иштирокида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бу, жамият томонидан ислоҳотлар жараёнининг қўллаб-қувватланиши имкониятларини ҳам кенгайтиради. Ватанимизда туб сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни жамият ҳаётини кенг қўламли эркинлаштиришини оғишмай амалга ошириш қонун устуворлигига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишнинг зарур шартларидан биридир. Ушбу демократик ўзгаришлар қонунийликка асосланган ижтимоий адолатли, пировард натижада, жамият ҳаётининг асосий мезони ва қонидасига айлантиришга қаратилиши лозим. Бу борада аксарият фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданияти юқори даражада бўлиши ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бунга эришишнинг энг мақбул йўлларида бири нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ижтимоий-сиёсий институтларнинг фаолиятини янада эркинлаштириш, уларнинг давлат органлари ва жамоатчилик билан ўзаро муносабатларида ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқдир.

Ҳозир мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг «Ўзбек модели»га хос бўлган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосидаги ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Ислоҳотларнинг бу босқичида инсонни ўзини янги жамият куриш жараёнига жалб этиш, инсон манфаатларини ислоҳотлар натижалари билан уйғунлаштириш,

инсонни маънавий қарашларини юксалтириш баробарида унинг яратувчилик салоҳиятини юзага чиқариш, янги жамият қуришнинг инсон эркинлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг асосий қафолати эканлигига муҳим эътибор бериш, умуман олганда, бу мақсадларни амалга ошириш учун инсонни ўзини ижтимоий-сиёсий фаол бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мамлакат ривожланиш стратегиясининг узвий бир қисми сифатида эътироф этилмоқда. Зеро, мамлакатда фуқаролик жамияти барпо этиш заминида давлатимизни жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллаши, ривожланган давлатларга хос бўлган иқтисодий салоҳиятига эришиш йўллари интилишлари мужассамлашган.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамиятини барпо этиш ўта мураккаб ва узок муддатли, бир-бири билан боғлиқ бўлган муаммо ҳамда зиддиятларга бой жараёндир. Бугунги кунда фуқаролик жамиятини барпо этиш барчамизнинг пировард мақсадимиз бўлиб қолиши керак. Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатлаши, миллий қадрият, анъаналар ва маданият қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлайди.

## МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ .....	3
----------------	---

### **I боб. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МОҲИАТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

1.1. «Фуқаролик жамияти» тушунчаси ва унинг моҳияти.....	6
1.2. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги асосий сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар .....	16
1.3. Фуқаролик жамиятининг ўзига хос белгилари ва хусусиятлари.....	34

### **II боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ**

2.1. Ўзбекистон Конституцияси – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий пойдевори.....	43
2.2. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш .....	57
2.3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари .....	72

### **III боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

3.1. Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш – фуқаролик жамиятини ривожлантириш омили.....	84
3.2. Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида фуқаролик жамияти институтлари ҳамда улар фаолиятини такомиллаштириш .....	96
3.3. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида инсон ҳуқуқларининг таъминлаши.....	121
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>131</b>

**Умид Эркинович ФОЗИЛОВ,**

*юримдик фанлар номзоди*

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА  
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

*ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА*

*Муҳаррир Б. А. Яров*  
*Техник муҳаррир Д. Р. Джалилов*

---

Босишга рухсат этилди 26.08.2016. Нашриёт ҳисоб табағи 8,0.  
Адади 20 нусха. Буюртма №                      Баҳоси шартнома асосида.

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.